Глобализация ва фан-техника тараққиёти ривожланишида туб сифат ўзгаришлари содир бўлиши, ишлаб чиқаришда юксак технологиялардан самарали фойдаланиш орқали рўй беради. Бу авваламбор, микро электроника, инфарматика, биотехнология, ирсий инженериянинг юксак технологияларидан фойдаланиш, термоядро синтезини ўзлаштириш истиқболлари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш соҳаларида кўлга киритилган янги ютуқлар билан боғлиқ.

Глобализация-бу жамият тараққиётининг аграр (биринчи тўлқин) ва саноат (иккинчи тўлқин) босқичлари ўрнини эгаллаган учинчи тўлқин цивилизациясидир (Д.Белл, Э.Тоффлер, С.Хантингтон). Глобализация, ҳозирги замон постиндустриал ахборот жамияти шароитидаги фан-техника тараққиётига бугунги кунда жамият экология, иқтисод, сиёсат, мафкура орқали кучли таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти дунёда электрон-компьютер ва биотехнологик инқилоб ясади. Бу жамиятнинг бугунги ҳаётида илмий билиш ва ижоднинг ўрни ва аҳамиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборади.

Инсон цивилизациясининг постиндустриал, учинчи тўлқинида яшовчи одамлар ҳозирги замон фани ва фан-техника тараққиётининг ютуқларини мукамал билишлари, фундаментал, амалий ва техника фанлари турли соҳалари ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишлари, компьютер техникаси, ахборот тизимлари ва юксак технологияларидан эркин фойдалана олишлари керак. Улар дунёқарашларининг кенглиги, юксак маънавияти, илмий ижод ва бунёдкорликка интилишлари билан ажралиб туришлари лозим.

Ҳозирги замон Ўзбекистон жамияти ўзига хос, ижодий ишлаб чиқилган демократик ислохатларни амалга ошириш ва фуқоролик жамияти қуришнинг

“Ўзбек модели” ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида жаҳон ахборот цивилизациясига кўшилиб бормоқда.

**2-масала** Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бир томондан фан ва техника тараққиётини тезлаштиришни талаб қилса, иккинчи томондан фанлар тараққиётини фалсафий таҳлил қилишни, унинг ютуқларини ҳар томонлама ривожланган кадрларини тайёрлаш ишига сафарбар қилишни зарурият даражасига кўтаради.

Фан фалсафаси фалсафанинг бир тармоғи сифатида XIX аср ўрталарида шакллана бошлади.

Ҳозирги замон фалсафасининг йўналиши сифатида фан фалсафасининг вужудга келиши тўғрисида сўз кетганда унинг пойдеворини, тамал тошини қурган атоқли файласуфларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Булар У.Уэвелл, Ш.С.Милл, О.Конт, Г.Спенсер, Ш.Гершеллардир.

Уларгача ҳам файласуфлар фан ва унинг тараққиёти тўғрисида жуда кўп фикрларни айтганлар.

Хусусан, диёримиздан етишиб чиққан алломалар Фаробий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар фанни илмий билиш даражасида:

- унинг ривожланиши:
- фалсафанинг фанга бўлган муносабати:
- билимлар тизимида фан ва фалсафанинг ҳамкорлиги:
- илмий билиш усуллари ва шакллари ҳақида фикр юритганлар.

XIX асрга келиб айрим шахслар ёки бир гуруҳ олимларгина фан билан шуғулланиб қолмай, балки фан кўпчиликини ўзига жалб этди ва фан билан шуғилланувчи олимлар сафи кенгайди; академия ва университетларида илмий иш билан шуғулланадиган мутахассислар пайдо бўлди; саноатда илмий лабораториялар ишлай бошлади. Бундай шароитда фаннинг умумий йўналиши ва мантиғига бағишланган, унинг социал маъноси ва моҳиятини очиб берадиган ишлар пайдо бўлди.

XX аср бошларида фан ҳақида фалсафий фикрлар алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Физикада нисбийлик назарияси, квант механикасининг кашф этилиши, биологияда генетик назариясининг пайдо бўлиши ва бошқа кашфиётлар фанда буюк ўзгаришлар деб ҳисобланди. Натижада фаннинг жамиятдаги ўрни тўғрисида фалсафий фикрлар шаклланди. Фан ва унинг ривожланиши, жамиятдаги ўрни тўғрисидаги фикрларнинг айримларида фаннинг ҳамма соҳадаги устунлиги айtilса (сциентизм); баъзиларида фаннинг ривожланиши кутилмаган фожеаларга олиб келиши айtilди (антисциентизм). Фан тўғрисидаги бундай қарашларнинг ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб, фаннинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш заруриятга айланган эди. Шу билан бирга фан ютуқлари ва кашфиётларини инсонийлаштиришга қаратилган фалсафий муаммоларни майдонга ташлаш керак эди.

1922 йилда Вена Университети фалсафа кафедрасининг раҳбари М.Шлик бир гуруҳ файласуфлар ва бошқа фанлар соҳаси вакилларида иборат “Вена тўғараги” ни ташкил этди. Ушбу тўғарақда Р.Карнап, О.Нетрат,

К.Гедель, Г.Ган, Ф.Вейсман, Г.Фейгл каби машхур файласуфлар, физиклар, математиклар фаолият кўрсатдилар. Улар фаннинг ўзига хос мавжудлик қонун ва қонуниятларини топишга ҳаракат қилдилар. “Вена тўғараги” аъзолари фан фалсафаси ва унинг мантиғини фалсафанинг бош мавзуси деб эълон қилдилар. Улар фаннинг стандартлашган концепцияси, илмийлик ва ноилмийлик чегарасини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшдилар. 1929 йилда “Вена тўғараги” “дунёни илмий англаш” манифестини эълон қилиб, фанни инсонийлаштиришга қаратилаган муаммоларни ўртага ташладилар.

XX асрга келиб фаннинг фалсафий масалаларида муҳокама асосан уч йўналишда кетди.

**Биринчиси**, фанларнинг классификацияси, яъни уларнинг ҳар бирининг ўзига хослиги, фанлар гуруҳлари ўртасидаги узвий боғланишлар масалалари муҳокамасидир.

**Иккинчиси**, фан тараққиётини даврлаштириш, яъни фан тараққиётининг ҳар бир босқичининг ўзига хос моҳияти ва хусусиятларини очиқ бериш ва уларнинг фан эволюциясида тутган ўрнини кўрсатиб бериш доирасидаги муҳокамадир.

**Учинчиси**, фан классификацияси ва фан тараққиётини даврлаштириш бирлигида мавжуд бўлувчи илмий билиш жараёни ва унинг моҳиятини муҳокама қилишдан иборат.

Фан фалсафасининг шаклланиш босқичи ҳақида сўзлар эканмиз, унинг биринчи босқичи XIX асрнинг иккинчи ярми, мазкур фаннинг юзага келишининг дастлабки босқичи эканлигини таъкидлаш мумкин. Фан фалсафаси тараққиётининг иккинчи босқичи XX асрнинг бошларидан унинг 60-йилларга қадар бўлган даврини ўз ичига олиб, унинг ўзига хос томонлари “Вена тўғараги” фаолиятида ўз ифодасини топган.

Фан фалсафаси шаклланиши ва тараққиётининг учинчи босқичи – XX асрнинг иккинчи ярмида илмий техника инқилоби шароитида фаннинг ижтимоий, маданий функциялари ва мақомини англаш эҳтиёжига жавоб сифатида янги ёш фан, фан фалсафаси узил-кесил шаклланди.

Хулоса қилиб айтганда фан фалсафасининг юзага келиши, шаклланиш жараёни ва тараққиёти XIX асрнинг ўрталарида билимнинг турли соҳалари: математика, кимё, биология, физика соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар ва уларнинг ишлаб чиқишда муваффақият билан қўллана бошлаши натижасида жамиятда фаннинг обрўси ошиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Буюк математик олимлар Риман, Лабачевский, Клейн; ажойиб физиклар Жоул ва бошқалар; микробиологлар Кох ва Пастер; эволюционист Ч.Дарвинлар ўз тадқиқотлари ва кашфиётлари билан фан устувор ўрин эгаллаган дунёнинг янги илмий манзарасини вужудга келишига катта ҳисса қўшдилар. XIX аср давомида кўпгина фанлар ўз ривожланишининг юксак чўққисига етди. Чунончи, Менделнинг модданинг ҳужайрали тузилиши тўғрисидаги назарияси ирсиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ботаника ва математика туташган жойда ирсият қонунлари кашф қилинди. Пастер атмосферада микроорганизмлар – бактерияларнинг мавжудлигини ва улар (стерилизация) юқори иссиқ ҳарорат таъсирида нобуд бўлишини исботлади.



Микробиологияда ўша даврда тарқалган юқумли касалликларни енгди; электр ўтказувчанликнинг кашф этилиши негизида телефон пайдо бўлди...

**3-масала.** Юқорида такидлаганимиздек фан фалсафаси илмий-техника инқилоби шароитида фаннинг ижтимоий, маданий вазифаларини англаш жараёнида пайдо бўлди. У ёш фан бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган бўлсада, фан фалсафаси номидаги йўналиш сифатида бундан юз йилдан олдинроқ пайдо бўлган.

Фан фалсафасининг ҳақиқий маънодаги изоҳига таяниб, уни фан донишмандлигига муҳаббат, деб аташ мумкин. Фан фалсафасини қисқа маънода фаншунослик деб айтса бўлади. У фан тараққиёти ва мавжудлигининг умумий қонуниятларини ўрганеди.

Фан фалсафасининг асосий муаммолари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак XX асрнинг дастлабки уч ўн йиллигида, яъни 30-йилларга қадар:

1. Дунёнинг яхлит илмий манзараси яратилганлиги;
2. Детерминизм ва сабабиятининг ўзаро нисбати тадқиқ қилинганлиги;
3. Динамик ва статик қонуниятлар ўрганилганлигини кўрамиз.

XX асрнинг кейинги уч ўн йиллигида, яъни 60-йилларга қадар фаннинг эмпирик асослаш муаммосини таҳлил қилиш, соф эмпирик тадқиқотнинг пойдевори бутун фан биноси учун ётарлими ёки йўқ, барча назарий атамаларни эмпирик атамаларига боғлаш мумкинми ё мумкин эмаслигини, тажрибанинг назарий асослари муаммоларини аниқлаш билан банд бўлинди.

XX асрнинг сўнгги уч ўн йилигида, яъни 70-йилигидан бошлаб илмий билим ривожланишнинг ҳар хил тушунтириш моделлар ўрганилди. Илмийлик мезонлари, фан фалсафасида яратилган усулларидан тарихчи фойдаланиладими? Фан тарихи методологга нима беради? Фан тарихини ўрганишнинг тарихий ва методологик йўналишларининг ўзаро нисбати қандай? Фанни инсонпарварлаштириш муаммоларига эътибор қаратилди.

Ҳозирги замон фан фалсафаси табиий илмий ва гуманитар билимлар ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Ҳозир замон цивилизациясининг ахлоқ, сиёсат ва динга турлича муносабатларида фаннинг ўрнини тушунтиришга йўналганлигини кўришимиз мумкин. Фан фалсафаси, бир томондан фанга бўлган қизиқишни рағбанлантиради, иккинчи томондан, илмий билимларнинг ўсиши муаммосига қарашларнинг кенгайганлигини ўзида акс этиради.

Умуман олганда, фаннинг фалсафий масалалари фаннинг ижтимоий ҳодиса эканлиги, фаннинг фалсафий кўринишлари ва унинг методлари, фаннинг умумий тараққиёт қонунлари, илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари, илмий билиш методологияси, фалсафанинг илмий билиш жараёнидаги ўрни ва роли, умумий ва хусусий методология, илмий билиш методларининг ўзаро алоқадорлиги, ижтимоий билишнинг фалсафий методлогик муаммолари, илмий ижод ва унда олимнинг ўрни ва роли каби масалаларидан баҳс юритади.

Фаннинг фалсафий масалаларининг объекти фан, фанларга муносабат, фанларнинг ривожланиши бўлса, унинг предмети илмий билимларнинг қурилиши ва уларнинг ривожланиши механизмлари, шакллари дир.

Фаннинг фалсафий масалалари табиий, ижтимоий ва техника фанларининг маълумотларини фалсафий жихатдан умумлаштириб боради.

Фаннинг фалсафий масалалари - “олам- одам” муносабатларида инсоннинг оламга, оламнинг инсонга муносабатининг энг умумий жихатларини ўрганади.

Билишнинг эмпирик ва назарий даражаси, ҳиссий ва рационал билиш нисбати, ҳақиқат, адашиш ва бошқалар бир қатор фанлар томонидан ҳам тадқиқ этилади. Булардан фарқли ўлароқ фаннинг фалсафий масалалари билиш жараёнинг энг умумий томонларини ўрганади.

**4-масала.** Фаннинг фалсафий масалаларини ўрганишнинг замонавий кадрларини тарбиялаш, шакллантиришдаги ўрни ва роли унинг дунёқарашлик ва маданий- тарбиявийлик функциясида намоён бўлади.

“Мен,-деб ёзган эди,-президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат этсин.” номли рисоласида Абдулло Авлонийнинг “тарбия биз учун ё ҳаёт- ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва далзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим- тарбия онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим- тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзланган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек уларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.”<sup>2</sup>

Фаннинг фалсафий масалалари инсондаги муҳим фазилатларини: ростгўйлик, ҳаққонийлик, саҳоватли каби маърифатли, маданиятли шахсга хос бўлган хусусиятларини шакллантиришга ёрдам беради. Фаннинг фалсафий масалалари одамларни юзаки фикр юритишдан ва тор доирали тафаккурдан ҳимоя қилади .

Фаннинг фалсафий масалалари кишиларни, хусусан ёшларни диалектикага ўргатади. Диалектикага ўргатиш дегани-бу зиддиятларни қатиъий равишда қайд этиш маҳоратига ўргатиш,воқеликни номига қуруқ кўз билан қараш, зиддиятларни хас-пўслаш, беркитиш йўлидан бормасдан, балки уни рўй-рўст, очиқчасига қараб чиқиш, уни ҳал қилиш йўлидан боришга ўргатиш дегани. Диалектика фақат етук кишилар ва чуқур билим, ақл-идрок эгаси бўлган одамлар ўргана оладиган сирли бир санъат бўлмай, балки болаларни жуда кичик ёшидан бошлаб тарбиялаш мумкин ва лозим бўлган илмдир.

---

<sup>2</sup> Каримов И.Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат этсин. Т. “Ўзбекистон”, 1998. 12-бет.

Фаннинг фалсафий масалалари одамларга умумий бир тил бахшида этади, ҳаётдаги энг асосий қадриятлар тўғрисида ягона, ҳамма учун аҳамиятли бўлган тушунчаларни ишлаб чиқади.

Фаннинг фалсафий масалалари ёшларда мустақил, мустақиллик дунёқарашини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Мустақил фикр, мустақил таффакур кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисмларидан биридир. Янги замонавий кадрларини тарбиялаб вояга етказишда ҳар бир мутахассис дунёқарашини муҳим аҳамият касб этади. Ватанпарвар, фидойи, элим-юртим деб куйиб-ёниб яшовчи мутахассис нафақат иқтисодиётни ривожлантирувчи олим, балки фанни, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролига ҳисса қўшувчи муҳим шахс ҳамдир.

### **Таянч сўз ва иборалари.**

Глобал, глобализация, ахборот жамияти, фан- техника тараққиёти, билиш, илмий билиш, фан, фан фалсафаси, Вена тўғараги, фан донишмандлигига муҳаббат, Ш.Милл, Г.Спенсер, О.Конт.

### **Назорат саволлари.**

1. Фан фалсафаси мустақил йўналиш сифатида қачон шаклланди?
2. Фан фалсафаси қандай шаклланиш босқичларини босиб ўтди?
3. Фан фалсафасининг шаклланишига қайси олимлар ўз ҳиссасини қўшган.
4. Фан фалсафасининг ҳозирги кундаги муоммоларига нималар киради.
5. Фан фалсафасининг предметиға нималар киради?

## **2-МАВЗУ: ФАН ЭВОЛЮЦИЯСИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ.**

### **РЕЖА:**

1. Илмий билимлар ва уларнинг ўзига хослиги.
2. Фан, илмий билимларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари.
3. Қадимги Шарқ ва Антик Юнонистонда илмий билимларнинг вужудга келиши ва ривожини.
4. Янги давр Овropa фани ва фаннинг алоҳида ижтимоий муассаса сифатида эътироф этилиши.
5. Ҳозирги замон фанининг асосий хусусиятлари .
6. Ҳозирги даврда фан тараққиёти ва олим масъулияти.

**1-масала.** Фалсафа ўрганадиган муаммолардан бири инсон томонидан оламни билиш масаласидир. Оламдаги нарса ва ходисаларни, жараёнларни, ўзгаришларини ва ниҳоят инсон ўз-ўзини билиши масалаларини ўрганувчи илм соҳаси фалсафада гносеология ва эпистемология деб юритилади. Агар гносеология умуман билиш ҳақидаги илм бўлса, эпистемология асосан илмий билиш тахлили билан шуғулланади.

Инсон билишини унда борлиқ қандай акс этишига қараб оддий-кундалик ва илмий билишларига ажратиш мумкин. Оддий кундалик билиш кундалик оддий кузатиш, ҳаётий тажриба асосида борлиқдаги нарса ва ходисаларни инсоннинг ўз сезги ва тафаккурлари орқали билишидир. Масалан ҳаммага аёнки кечадан сўнг кундуз ва яна кеча келишини ва у чексиз давом этишини ҳамма билади, ёки йил фасллари алмашилиб туриши, биридан кейин иккинчиси келишини ҳам ҳамма билади. Аммо ҳамма ҳам нега шундай бўлади? Сабаби нимада эканлиги билан қизиқмайди?

Илмий билиш эса ана шу ходисаларнинг моҳияти, сабаби, қонун ва қонунятларини очиқ беришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Илмий билиш тадқиқот ва илмий изланишнинг турли усуллари билан фойдаланган ҳолда амалга ошади. Илмий билиш билан ҳамма кишилар эмас, балки бир гуруҳ ёки алоҳида кишилар-тадқиқотчилар, олимлар шуғулланадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кундалик билиш ҳамма кишиларга хосдир. Илмий билиш эса ҳамма кишиларга ҳам насиб этавермайди.

Шунингдек билиш эмпирик ва назарий илмий билиш даражаларига бўлинади.

Булардан ташқари, инсон билишида билишнинг қандай пайдо бўлиши жиҳатидан ҳиссий билиш, мантиқий билиш, интуитив билиш, ғойибона билиш каби кўринишлари ҳам мавжуд.

Ҳиссий билиш- инсоннинг ҳис қилиши, сезги аъзолари орқали предмет ва ходисаларни, уларнинг ташқи томонларини бевосита идрок қилиш тушунилади.

Мантиқий билиш ҳиссий билиш берган маълумотларга суянган ҳолда инсоннинг предмет ва ходисаларни уларнинг энг муҳим томонлари, моҳиятларини тафаккур орқали умумлаштириб, мавҳумлаштириб ва конкретлаштириб, уларни фикрда билишдир.

Интуитив билиш кишининг олдинги тажриба, кўникма, малака ва эришган билимларга асосланган ҳолда кутилмаганда, бирданига юзага келадиган билишдир. Яъни кишининг фикри маълум муаммо ва масалани ечишга йўналтирилган ва шу асосда ўз фикрини ривожлантираётган бир пайтда, тўсатдан, кутилмаганда юз берадиган билишдир.

Ғойибона билиш кишининг узоқ масофадан туриб содир бўлган ёки содир бўладиган ҳодиса ва воқеани билиши, ҳис қилиши, бу ҳодиса ва воқеанинг қандай содир бўлиши унга аён бўлади. Ғойибона билишнинг механизми ҳозирча фанга маълум эмас. Шу сабабли кўпинча ғойибона билишни кишилар илоҳийлаштириб, бундай билиш фақат азиз авлиёларга, алоҳида ғайри-табиий кишиларга хос деб қараб келинмоқда.

Инсон билишини яна унинг ижтимоий ҳодисалари билан боғлиқлигига кўра, уни мифологик билиш, диний билиш, фалсафий билиш, бадий-эстетик билишларга ажратиш ҳам мумкин. Улардан фалсафий билиш фаннинг фалсафий масалаларининг муҳим бир бўлимини ташкил қилади. У билишнинг умумий табиати ва моҳиятини, билишнинг субъектив ва объектив муносабатини, билишда амалиётнинг роли каби масалаларини, билиш

жараёнининг диалектик характери, билишда ҳақиқат муаммоси каби масалаларини ўз ичига олади.

Инсон билиши диалектик характерга эга. Яъни инсон билиши билмасликдан билишга томон, аниқ бўлмаган билишлардан аниқроқ билишларга, тўлиқ бўлмаган, қисман билишлардан тўлиқроқ билишларга томон, оддий билишлардан мураккаб илмий билишларга томон боради. Инсон билиш жараёни ҳиссий билишдан ақлий билишга, жонли мушохададан абстракт тафаккуга томон боришдан иборат диалектик жараёндир. Хуллас, инсонинг борлиқни билиши ҳисий билишдан ақлий билишга томон, интуитив билишдан мантиқий билиш томон диалектик йўл билан содир бўлади. Ҳиссий билиш ва ақлий билиш, билиш жараёнининг бир-бирига боғлиқ икки босқичи бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради, улар бир-биридан ажралмасдир.

Ақлий билиш орқали инсон борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг ички томонларини, уларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунларини, моҳиятини билиб беради.

Ақлий билиш нарса ва ҳодисаларнинг инсон миёсидаги умумлашган, мавҳумлашган ва канкретлашган фикрий ифодаланишидан иборат. Ақлий билишнинг шакллари ҳукм, тушунча, хулосадан иборат.

Шундай қилиб, инсонинг билиш жараёни ҳиссий билиш шакллари: ҳис этиш, сезги, идрок ва тасаввурлардан бошланиб, ақлий билиш шакллари: ҳукм, тушунча ва хулоса чиқариш шаклларида тафаккурда қайта ишланиб, билишнинг “қуйи” босқичидан “юқори” босқичи томон кўтарилиб боради.

Инсонинг борлиқни билишдан мақсади бу ҳақиқатни билишдир. Шундай экан ҳақиқат нима? Ҳақиқат тўғрисидаги фалсафий таълимот нимадан иборат?

Ҳақиқат – бу инсон билимларида борлиқнинг тўғри инъикос этиши, предмет ва ҳодисалар асли қандай бўлса, уларни инсон ўз миёсига худди шундай инъикос эттирган билимларидир. Ҳақиқат – бу борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ёки уларнинг белги ва хусусиятларнинг ўзи эмас, балки улар ҳақидаги инсон билимларининг ўша предмет ва ҳодисаларнинг аслига, уларнинг белги ва хусусиятларига мос келишидир.

Инсон ўз билиш жараёнида кашф этган табиат ва жамият қонунлари ҳақиқатлардир. Ҳақиқатни билиш-мураккаб жараёндир. Инсон борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг аввал ташқи томонларини, сўнгра эса ички томонларини билиб боради. Бунда инсоннинг билимлари нисбий ҳақиқатларидан мутлоқ ҳақиқатларига томон беради. Демак бундан ҳақиқатларни нисбий ва мутлоқ ҳақиқатларга ажратиш келиб чиқади.

Нисбий ҳақиқат - бу бизнинг борлиқдаги предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги тахминан тўғри, лекин тўлиқ бўлмаган, билиш жараёнида тузатилиб, тўлдириб борилиши лозим бўлган билимларимиздир.

Мутлоқ ҳақиқат - бу борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги ҳар томонлама тўлиқ, аниқ, мукамал, келгусида тўлдирилмайдиган, аниқлик киритилмайдиган билимлардир. Бундай билимлар инсон тафаккурининг объектга чексиз яқинлашиб бориш асосида қарор топади.

Нисбий ва мутлоқ ҳақиқатлар ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай мутлоқ ҳақиқат нисбий ҳақиқатларнинг чексиз бирлигидан юзага келади. Ҳар бир нисбий ҳақиқатда мутлоқ ҳақиқатнинг донаси, зарраси, улуши мавжуд бўлади. Шу асосида инсон билиши нисбий ҳақиқатлардан мутлоқ ҳақиқатларга томон боради. Инсон билиши ҳеч қачон мутлоқ ҳақиқатга тўлиқ эга бўлмайди, балки унга томон чексиз яқинлашиб боради.

Ҳақиқат мавҳум эмас, балки у аниқ ва конкрет билимлардир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, яъни ҳамма замонлар, ҳамма вақтлар, шароитлар, маконлар учун тўғри бўладиган, ўзгармайдиган ҳақиқатлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Масалан, энг содда мисол тариқасида сувнинг нормал атмосфера босимида  $0^{\circ}$  да муз ҳолига ўтиши, ёки  $100^{\circ}$  –да қайнаб буг ҳолига ўтиши ҳақиқат. Аммо шароит бошқа бўлса бунинг акси бўлади....

Юқорида сиз фалсафа курсида ўқиган инсон билишининг хусусиятлари тўғрисида тўхтаб ўтдик. Энди илмий билимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритамиз.

Энг умумий маънода илмий билиш объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида объектив ҳақиқий билимни эгаллаш жараёнидир. Илмий билиш нарса ва ҳодисаларни изоҳлаш, тушунтириш ва башорат қилиш каби вазифаларни бажаради. Илмий билимлар объективлиги, асосланганлиги билан кундалик, ноилмий билишдан ажралиб туради.

Инсоният тарихининг дастлабки даврларидаёқ табиат ва олам ҳақидаги энг оддий маълумотлар берувчи кундалик амалий билимларнинг манбаи, асоси кундалик турмуш тажрибалари бўлиб, унга оддий маълумотлар йиғиндиси сифатидаги тарқоқлик ва нотизимлилик хосдир. Кундалик билим ҳақиқатни қайд этсада, уни номунтазам ва исботсиз амалга оширади. Бундай билимнинг хусусияти шундаки, одатда, у инсон томонидан онгсиз, кундалик тажрибага асосланган ҳолда қўлланилади.

Кундалик ноилмий билим тарқоқ, нотизимли билим бўлиб, у қонунлар билан изоҳланмайди ва формаллаштирилмайди. Воқеа ва ҳодисаларни илмийлик мезонлари нуқтаи назаридан асосли тушунтирмайди. Кундалик ноилмий билимнинг қатъий тизими ва классификацияси бўлмайди.

Ҳозирги даврда билимлар илмийлигининг мезонларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Умумийлик ва тизимлилик;
2. Умулмаҳамиятлилик;
- 3.Объективлик;
4. Асосланганлик;
5. Танқидийлик;
6. Тўлдирувчанлик;
7. Махсус билиш методларининг мавжудлиги;
8. Ворисийлик ва бошқалар илмийликни кундалик билимдан фарқлантирувчи хусусиятлардир. Маълум соҳалардаги илмий билимларни бир тизимга келтирилиши фаннинг шаклланишига олиб келган. Фан тушунчасининг мазмунини қуйидагича изоҳлашимиз мумкин: “Фан анланган билиш методлари асосида тизимли билимларни яратувчи мақсадли

билиш фаолиятидир<sup>3</sup>”. Фан мақомига эга бўлган илмий билимлар ишонарли далилларга, гипотезаларга, эксперимент ва қатъий текширувларга, тушунтиришларга асосланиши, рад этиб бўлмайдиган далилларга эга бўлиши билан кундалик, ноилмий билим ва билишдан фарқ қилади.

Илмийликнинг биринчи мезони унинг тажрибага мос келишидир. Аммо фаннинг фалсафий масалаларида илмий билимларнинг ҳақиқатлиги мезони муаммоси ва уни ҳал қилишга доир турлича қарашлар пайдо бўлган. Шулардан бири бу ҳақиқатнинг формал логика (мантик) мезонидир. Бу мезонга кўра, илмий билим ҳақиқат бўлиши учун мазкур илмий билимни ифодаловчи билим иккинчи бирор фикрга, билимга мувофиқ келиши ёки бу билим бошқа билимдан заруран келиб чиқиши лозимдир. Объектив идеалистлар ҳақиқатнинг мезони, деб мутлоқ ғоянинг ўз-ўзига мос келишини тушунадилар. Субъектив идеалистлар эса, ҳақиқатнинг мезони субъектнинг ўзи ёки унинг тафаккуридир, субъект нимани ҳақиқат, деб билиши унинг ўзига, хоҳишига боғлиқ дейишади.

XX аср неопозитивизм вакиллари эса, ҳар қандай ишнинг, амалнинг ва билимнинг ҳақиқатлик мезони унинг инсонга келтирадиган фойдаси бўлиши керак дейишади. Амалда эса фойдали бўлиш, фойда келтириш инсон билимларининг ҳақиқатлик мезони бўла олмайди.

Инсоннинг ҳар қандай соҳага оид янги билимининг ҳақиқат эканлигини билмоқ учун, албатта уни амалиётда текшириб кўрмоқ лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, амалиёт ҳақиқат мезони сифатида инсоннинг тўғри билимларини ҳато билимлардан фарқ қилишида катта аҳамиятга эга. Бу мезон биринчидан, инсон билимлари борлиқнинг тўғри инъикоси эканлигини тасдиқласа, иккинчидан, у борлиқни нотўғри акс эттирувчи қарашларнинг ҳато эканлигини очиб беради.

**2-масала.** Фан фалсафаси ҳозирги замон илмий билимлар табиатини ўрганар экан, у билан шуғулланувчилар илмий билимлар юзага келиши, ривожланиши, илмий билимлар асосида фаннинг шаклланиши ва тараққиётининг босқичлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари муҳимдир. Фан мустақил билим соҳаси сифатида қачон ва қандай шароитда келиб чиққан, унинг асосий босқичлари, ҳозирги замон фанининг вужудга келишига ўзининг юксак салоҳияти билан ўз ҳиссасини қўшган мутафаккирлар ҳақида фикр юритиш жоиздир. Дастлабки илмий ва фалсафий билимларнинг вужудга келиши тўғрисида фанда Европамарказчилик ва Осиёмарказчилик каби қарашлар юзага келган. Европамарказчилик Шарқ халқларининг маънавий маданиятини менсимаслик, унинг аҳамиятини инкор этиш, Ғарб маданияти ва илмини Шарқ маданияти ва илмидан устун қўйиш, “Ғарб руҳи” ни улуғлаш, Ғарб халқлари маданиятининг аҳамиятини мутлоқлаштиради. Европамарказчилик Осиё халқларининг илмий-фалсафий билимлар ривожига қўшган ҳиссасини сохталаштириш, бузиб кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Европамарказчилик назарияси тарафдорлари ислом Шарқи деб аталувчи худудлардаги барча халқлар илм-фанга нафрат

---

<sup>3</sup> Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент. 2005, 46-бет.

билан қарайдилар, уларни фақат мистика ва дин қизиқтиради, деген ғояни олға суриб келмоқда. Шарқ халқлари илмий-фалсафий таълимот яратишга қодир эмас. Илмий ва мантиқий тафаккур Европа халқларига хос, деб даъво қилиб келинмоқда. Европамарказчилик қайси шаклда намоён бўлмасин Осиё халқларига қарши қаратилган ғайриилмий, бирёқлама таълимотдир.

Айни вақтда илмий, фалсафий фикрлар ривожда Осиёни устун қўйиш натижасида Осиёмарказчилик назарияси ҳам шаклланди. Шунинг учун унутмаслигимиз керакки илмий ва фалсафий билимлар ривожда ижтимоий-тарихий тараққиётнинг дастлабки даврларида Осиё яъни Шарқ халқлари етакчилик мавқеини эгаллаган бўлса Ижтимоий –тарихий тараққиётнинг кейинги даврда Европа халқлари етакчилик қилиб келмоқда. Умуман Осиё ва Европа илмий-фалсафий фикри ўзаро бир-бирига таъсир этиши асосида шаклланиб, ривож топиб келаётганлигига асосий эътиборни қаратишимиз мантиқан тўғри бўлади.

Фанлар борлиқ ва унинг турли кўринишлари: табиат, жамият, инсон, инсон тафаккури тўғрисида илмий билиш жараёнида юзага келган билимлар тизимларидан иборатдир.

Фанлар жамият тараққиёти моддий ва маънавий жиҳатдан маълум етукликка эришган даврда, инсоният илмий билиши борлиқ ҳақида маълум миқдордаги билимларни ҳосил қилиши, тўплаши натижасида вужудга келади. Ҳозирги даврда мавжуд бўлган ҳар бир фаннинг ўз келиб чиқиши, шаклланиш ва ривожланиш тарихи мавжуд. Уларнинг ҳар бири инсон билишининг кўп асрлик узоқ тарихий тараққиёти давомида аста-секин шаклланиб ва ривожланиб борган.

Ҳозирги мавжуд фалсафий асарлар, ўқув қўлланма ва рисоаларда жамиятда фанларнинг ривожланиши ва уларнинг ижтимоий аҳамиятининг ортиб бориши уч босқичдан иборат эканлиги таъкидланса, айрим асарларда тўрт босқичдан иборат бўлганлиги айтилмоқда. Чунончи, “Фалсафа” ўқув қўлланмаларида, шунингдек Маматов Н, Носиров Ў, Абдуллаева Г.лар томонидан тайёрланиб 2006 йилда нашр этилган “Фаннинг фалсафий масалалари” ўқув қўлланмасида фанлар ривожланиши уч босқичга бўлинади <sup>4</sup>

Биринчи босқичда фанлар жамият ишлаб чиқаришига оид амалий-ижтимоий талаблар ва эҳтиёжларга жавоб бериш асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Бу босқичда пайдо бўлган астраномия, геометрия, математика ва механика каби фанлар ирригация, денгизда сузиш, йирик жамоат иншоатлари: пирамидалар, эҳромлар қуриш каби қурилиш ишлари; деҳқончилик, ерларни бўлиш, ўлчаш талаблари ва эҳтиёжлари асосида ривожланади. Бу босқичда фанлар нисбатан суст ривожланган.

VII-XII асрларда араб Шарқи ва Марказий Осиё фанлар энг тараққий этган ўлкалардан бирига айланиб, уларнинг бошқа ўлкалар билан савдо-сотик муносабатлари, маданий-илмий алоқалари анча ривожланган. Бу даврда деҳқончилик, ҳунармандчилик ўсади, турли хил ирригация ва маданий қурилишлар кучаяди. Натижада, астраномия, математика,

---

<sup>4</sup> Қаранг. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Тошкент-1999. 418-419 –бетлар. Маматов Н, Носиров Ў., Абдуллаева Г., “Фаннинг фалсафий масалалари” ўқув қўлланма. Тошкент-2006. 111-112 - бетлар.



геометрия, кимё, география, минерология, геодезия, табобат илми сохаларига оид илмий билимларнинг тез тараққий этишига олиб келади.

Фанлар тараққиётининг кейинги иккинчи босқичи XIV асрнинг охири XV асрларда Марказий Осиёда темурийлар империяси даврида ҳамда XVII асрнинг охирларидан бошлаб Оврўпода капитализмнинг тез ривожланиши билан бошланади.

XV асрда Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқандда Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший ва Али Қушчилар фалакиёт илмига ва сонлар назариясига жуда муҳим ҳисса қўшдилар. Улар кузатиш астрономиясини юқори поғонага кўтардилар.

XVII- XVIII асрларда Оврўпода капиталистик муносабатларнинг қарор топиши, саноатнинг тез суратлар билан ривожланиши натижасида механика, математика, физика, кимё, биологияга оид билимлар мисли кўрилмаган даражада тез ривожлана бошлади. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг ҳам тараққий қилишини талаб этди. Бу эса қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлган батаника, зоология, агрономия каби сохаларига оид билимларнинг ривожланишига олиб келади. Айни шу давирга келиб фалсафадан механика, математика, физика, кимё, биология каби фанлар мустақил билим сохалари сифатида ажралиб чиқиб, мустақил фан мақомига эга бўладилар. Кўпчилик фанлар ўзларининг эмпирик даражасидан ўсиб, назарий даражага кўтарилади.

Фанлар ривожланишининг учинчи босқичи XX аср бошларидан бошланади. Бу босқичда фанлар жадал ривожланиб, уларнинг амалиёт билан муносабати бутунлай ўзгаради, фанларнинг тараққиёти амалиётни инқилоблаштириши туфайли, янги-янги ишлаб чиқариш тармоқлари вужудга келади, фанлар бевоста ишлаб чиқарувчи кучларга айлана бошлайди. XX асрнинг ўрталарига келганда, фанлар тараққиёти техника тараққиёти билан биргаликда жамиятда фан-техника инқилобининг содир бўлишига олиб келади. XX аср охирига келиб эса, фанларда анъанавий (классик) тафаккур услуби ўрнига ноананавий таффакур услуби шакилланади. Фан ва техника ютуқлари кундалик ҳаётдан кенг ўрин олиб, сунъий материаллар, ярим ўтказгичлар, компьютерлар, макрокалькуляторлар, видеолардан фойдаланиш оддий ҳодиса бўлиб қолди.

Шермухамедова Н. "Фалсафа ва фан методологияси" дарелигида Фан ва илмий билиш шаклланиши ва ривожланишини:

1. Қадимги дунёда ва ўрта асрларда илмий билимларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиши;
2. Мумтоз (классик) фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
3. Ноклассик фан;
4. Постноклассик фан босқичларига бўлинишини баён этган.<sup>5</sup>

**3. масала.** Шарқ қадимий маланият ўчоғи ва жаҳон цивилизация бешиги саналади. Барча қадимги шарқ цивилизациялари табиий-илмий билимларини тўплаб улкан натижаларга эришди ва жаҳон фани

---

<sup>5</sup> Қаранг. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент. 2005. 47-105 бетлар

ривожланишига улкан таъсир кўрсатди. Бизгача етиб келган Папирус ёзувлари, мисрликларнинг математика ва геометрия: турли шаклнинг ҳажми ва юзасини ўлчаш; астрономия: аниқ қуёш тақвимининг тузилиши; тиббиёт: анатомия тузилиши, мия ва қон томирлари ҳақидаги таълимот, жарроҳлик; кимё: турли модаларининг хусусиятини ўрганиш ва бу билимлардан майитни мўмёлашда фойдаланиш илмий билимлар соҳасида муайян ютуқларга эришганликларини кўрсатади.

Месопотамияда ҳам математика ва астраномияга оид билимлар қадимдан ривож топган. Ҳозирга қадар биз месопотамияда тузилган вақт ва бурчак ўлчови учун 60 бўлакли тизимдан фойдаланамиз.

Қадимги Ҳинд ва Хитойда ҳам илмий билимлар соҳасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилган. Хиндистонда нолдан фойдаланиб ўнлик санок тизими яратилган.

Математикада “сон”, “туб сон”, “синус” каби илмий атамалар Хиндистонда пайдо бўлган. Хиндистонда тиббиёт соҳасида ҳам катта билим ва тажриба тўпланган. Чунончи тиббиётга оид асарлардан бирида жарроҳликнинг 300 тури бўлганлиги ва 120 та жароҳлик асбобидан фойдаланганликлари қайд этилган.

Ҳаммамизга маълумки, қадимдан Хитой ипак, чинни ва қоғознинг ватани ҳисобланиб, мил.авв. 11 асрда кашф қилинган. Шунингдек хитойда порох, компос, ер қимирланишини аниқловчи асбоб-сейсмограф ҳам ихтиро қилинган. Мил.авв. 613 йилга тегишли Хитой қўлёмалари топилиб унда Галлей кометаси ҳақидаги маълумотлар берилганлиги ҳар биримизни ҳайратга солади. Мил.авв. 11 асрда Хитойда осмон ёриткичларининг ҳаракати тасвирланган биринчи осмон глобуси, 2500 та ёриткичнинг ўрни кўрсатилган юлдузлар катологи яратилган. Янги тақвим ишлаб чиқилиб, унга кўра бир йил 365 кун 24 сонияга тенг бўлганлиги қайт этилган. Мил.авв. 28 йил Хитой астрономлари қуёшда доғлар мавжудлигини кузатганлар. Хитой математиклари тарихда биринчи бўлиб, ҳисобда манфий сонни қўллаганлар. Тиббиётда игна уқоли ва нуқтали даволаш каби ажойиб усулни ишлаб чиққанлар.

Қадимги Хиндистон ва Хитойда табиий-илмий билимлар билан бир қаторда олам, борлик, жамият ҳақида дастлабги фалсафий билимлар ҳам юзага келган. Қадимги Хиндистондаги фалсафий қарашлар энг қадимги ёзма манба “Веда”ларда ўз аксини топган. “Веда” сўзи санскритга бўлиб “башорат”, “муқадас билим” маъноларини билдиради. “Веда”лар тўрт китобдан: Ригведа, Самоведа, Атхарваведа, Яжурведадан иборат. Ригведа мадхиялар тўплами бўлиб, у 1028 мадхияни ўзида жамлаган 10 минг шеърдан иборат.<sup>6</sup>

Уларда қадимги Хиндистон аҳолисининг диний тасаввурлари тасвирланган.

“Веда” нинг кейинги китобларида оламнинг келиб чиқиши, унинг асосида турли жараёнлар, худолар ва бутун оламнинг вужудга келиши тўғрисидаги содда тасаввурлар шаклланганлигини кўраемиз.

---

<sup>6</sup> Қаранг. Фалсафа энциклопедик луғат. “Шарк” Тошкент, 2004. 71-бет.

Хинд фалсафаси “Упанишадалар” номи билан машхур манбаларда ҳам ўз аксини топган. “Упанишадалар” ”Веда” ларнинг фалсафий қисмини ташкил этади. “Упанишадалар” яхлит фалсафий рисола бўлмай, турли вақтларда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборат. “Упанишадалар” даги фалсафий мавзулар, асосан, олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва руҳиятининг моҳияти, билиш имкониятининг чегаралари, ахлоқ меъёрлари ҳақидадир. Баъзи манбаларга қараганда “Упанишадалар” нинг миқдори 108 та, ҳозирги вақтдаги маълумотларга қараганда уларнинг миқдори 300 га яқин деган маълумотлар ҳам мавжуд.

Қадимги Хинд фалсафий мактаблари икки гуруҳга бўлинади. Булар астика ва настика мактабларидир. Астика мактиби намоёндалари “Веда” ларнинг муқаддаслигини тан олса, настика мактаби намоёндалари эса “Веда” ларнинг муқаддаслигини тан олмайди.

Қадимги Хинд фалсафасида чорвак мактаби алоҳида ўрин тутаяди. Чорвак мактаби тарафдорлари-олам моддийдир, у тўрт унсур – сув, ҳаво, тупроқ, ўтдан ташкил топган деган қарашни илгари сурганлар.

Қадимги Хитойда ҳам табиий-илмий билимлар билан бирга ижтимоий-фалсафий қарашлар ҳам вужудга келган ва ривожланган. Қадимги Хитойдаги ижтимоий фалсафий фикр тарихида Конфуцийнинг (эр. авв. 551-478) қарашлари алоҳида ўрин тутаяди. Яратувчи илоҳий кучни тан олган конфуций “кишиларнинг ҳаёти тақдирга боғлиқ, бойлик ва улуғлик эса Илоҳ томонидан берилади” деб уқдиради.

Конфуций қарашларида ахлоқий масалалар марказий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга Ли деган тушунча ҳам алоҳида ахамият касиб этади. Ли-тартиб, қоида деган маънони англатади. Ли яъни тартиб бўлмаса жамият тараққий этмайди, деб таъкидлаган.

Қадимги Хитой фалсафасида Лао Цзи асос солган даосизм фалсафий мактаби ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Дао қонун, йўл деган маънони билдиради. Даосизм тарафдорлари олам моддийдир ва у табиий қонуният-дао асосида тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда эканлигини қайд этганлар.

Европада илмий билимлар тизими бундан икки минг беш юз йил олдин пайдо бўлган. Табиат ҳақидаги биринчи билимлар тизимининг яратилиши Фалес (эр. ав. 625-547), Пифогор (эр. ав. VI аср), Анаксимандер (эр. ав. 610-547) каби файласуфларнинг номлари билан боғлиқ.

Биринчидан, улар фактларни тартибга келтирдилар ва мантиқий асосдилар, натижада табиат ҳақидаги билимлар тизими назарияси вужудга келди.

Иккинчидан, дунёнинг моҳиятини биринчи асосини, субстанциясини тушунишга ҳаракат қилдилар. Бу юнон фалсафасида Фалес-сувни, Демокрит атомларини, Гераклит –ўтти, Афлотун –ғояни олганлигида ўз ифодасини топган. Қадимги юнонлар математика, физика, биология, социология, психология, тиббиёт, астраномия ва бошқа фанлар соҳасида кўплаб илмий билимлар тўплаб, улар учун назарий замин яратдилар.<sup>7</sup> Платон Академиясида, Аристотель лицейларида, Пифогор мактабларида бу илмий

<sup>7</sup> Қаранг Фалсафа ўқув қўлланма “шарҳ” Тошкент -1999 49 бет.

билимлар предмет сифатида ўқитилди, илмий изланиш ишлари олиб борилди.

Аристотель бутун фанларга асос солиш билан бирга барча фанларнинг мантигини яратди, илмий билиш, яъни рационал (ақлий) фикрлашнинг “қуроли” ни кўрсатди. У илмий билимларни тасниф (классификация) қилди. Фалсафани назарий ва амалийга ажратиб, умумий фалсафадан аниқ фанларнинг фарқини кўрсатиб берди. Аристотель “Биринчи устоз” сифатида илмий ишларда тадқиқотчининг, олимнинг илмий изланувчининг фаолияти асосий босқичлари назариясини ишлаб чиқди. Ҳар қандай олимнинг иш мазмуни тўрт босқичдан иборат бўлиши кераклигини кўрсатиб берди:

1. Ўрганаётган масаланинг тарихи, унинг танқидий таҳлили;

2. Шу асосида ўрганиладиган масалани аниқ кўя билиш;

3. Ўз мулоҳаза, ўз тахминлари- гипотезаларини бера билиш;

4. Қўйилган масалани мантиқий асослаб, далилларга суяниб, ўз кузатишлари асосида янги илмий қарашларнинг илгариги қарашлардан устун эканлигини кўрсатиб бериш.

Аристотелнинг мазкур фаолият назарияси жуда оддий кўриниши мумкин. Бироқ ҳозиргача илмий тадқиқот ишлари юқоридаги схема асосида олиб борилади ва ёзилади.

Мазкур масала баёнига яқун сифатида қуйдагиларни айтишимиз мумкин. Миср, Месапотамия, Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё ва Юнонистонда бўлган қадимги цивилизация астрономия, математика, биология, тиббиёт борасида тажрибалардан катта билим тўплади. Бироқ бу тўпланган билимлар ҳали фан даражасига, назарий даражасига кўтарилган эмас эди. Улар бевосита кўзга ташланиб турган ҳодисалардан чиқарилган хулоса эди. Тўпланган тажрибалар, йиғилган илмий билимлар юнон фани ва фалсафасининг вужудга келишида замин бўлиб хизмат қилди. Ўз навбатида юнон фани ва фалсафаси эришган ютуқлари ўрта асрлар ва уйғониш давр ва араб халифалиги ҳудудларида илмий ва фалсафий билимлар ривожига катта таъсир ўтказди.

**4-масала.** Классик-мумтоз фанининг юзага келиши ва шаклланиши капиталистик ишлаб чиқариши, буржуа муносабатларининг шаклланиши ва машина ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда кечди.

Классик фанинг пайдо бўлиши Николай Кузанский, Жордоно Бруно, Леонардо да Винчи, Николай Коперник, Галелео Галелей, Иогани Кеплер илмий ижодлари билан боғлиқ ҳолда кечди.

Илмий билимлар ривожланишининг биринчи босқичида, табиат, олам унинг мавжудлиги ўзгариши ҳақидаги тажриба ва кузатишга асосланган қарашлар фан тараққиётининг классик даврида назарий жиҳатдан асосланди, бу даврда фанлар дифференцияси кучайиб, янги фанлар фалсафа бағридан ажралиб чиқди. Фан тараққиётининг классик даври XVII – XIX асрларни ўз ичига олди.

Поляк олими Н. Коперникнинг астрономиядаги кашфиёти фан ва фалсафа тараққиётига ва уларнинг бир биридан ажралишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Н.Коперник ўзининг “Осмон жисмларининг айланиши

тўғрисида” асарида барча осмон жисмлари қуёш атрофида доира орбитасида айланувчи сферадир, деб таъкидлайди. Бу гелиоцентрик назарияда янгича дунёқараш бўлиб, унга биноан Ер Қуёш атрофида ҳаракатланувчи сайёралардан биридир. Ер қуёш атрофида айланар экан, у ўз ўқи атрофида ҳам айланади. Осмон ва ер жисимларининг табиий хосаси сифатида ҳаракат ғояси Коперник концепциясидаги ютуқдир. Бундан ташқари, у жисимлар ҳаракати қандайдир умумий қонунларга бўйсунди, деган фикрни ҳам илгар сурган.

Джардона Бруно (1548-1600) ҳаракатсиз ва ягона оламнинг чексизлиги ғоясини илгари суради. Олам пайдо бўлмайди ва йўқолмайди, кичраймайди ва катталашмайди деб айтиш, табиат ўз-ўзига худо, яъни ўзини ўзи яратади, ўзи сабабчи деган хулосага олиб келади. Брунонинг бизнинг оламга ўхшаган чексиз оламлар борлигини тахмин қилиши, янгича тафаккур услуги намунасидир.

Классик фан шаклланишининг бошланғич даврида унинг такомиллашувига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимларидан бири италиялик физик ва астроном Галелео Галилей (1564-1642)дир. Айнан Галилей таълимотидан классик фан асосини ташкил қилувчи ҳаракат муаммосини ўрганиш бошланди. Бу давргача ҳаракат ҳақидаги Аристотель илгари сурган тасаввур ҳукимронлик қилар эди. Унга биноан эса ҳаракат жисмни ҳаракатга келтирувчи куч бўлганидаги мавжуд бўлади, танага таъсир қилувчи куч бўлмаса жисм ҳаракати ҳам бўлмайди.

Галилей бевосита тажриба натижалари инсон томонидан оламни билиш учун материал бўла олмаслигини, тажриба натижалари доимо назарияга эҳтиёж сезишини асослаган олимлардан биридир.

Ҳаракат муаммосида инерция қонуни, эркин тушаётган жисмнинг тезлиги унинг массасига боғлиқ эмаслиги, босиб ўтилган йўл эса тушиш вақти квадратига пропорционал эканлиги, параболик ҳаракат назариясининг яратилиши, жисмларнинг мустаҳкамлиги ва қаршилиги назарияси, ҳавонинг ҳажмга эга эканлигининг экспериментал тадқиқ қилиниши, маятникнинг тебраниш қонуни кабилар классик физиканинг ютуқлари саналади.

Галилей Коперникнинг гелиоцентрик системасининг ҳақиқатлигини ва уни “Икки дунё тизими диалоги” асарида Қуёш ўз ўқи атрофида айланиши, унинг юқори қатламида доғ борлиги, Юпитернинг 4 та йўлдоши (ҳозир улар 13та) борлиги каби янгиликлар билан тўлдиради.

Немис математиги ва астрономи Иогани Кеплер (1571-1630) астрономик кузатувларнинг умумлашган кўрсаткичлар асосида осмон механикаси қонунларини ўрганиш билан шуғулланиб қуёшга нисбатан сайёралар ҳаракатининг учта қонунини асослади. Аммо Кеплер табиатдаги ҳаракатларнинг моҳиятини тушуниб ета олмади. Шунинг учун у Аристотель каби жисмни ҳаракатга келтириш учун двигатель зарур, деб қараган

Инглиз файласуф ва фан асосчиларидан бири Френсис Бэкон XV-XVII асрларда фандаги буюк дифференциацияни биринчилардан бўлиб кўрсатди. Фаннинг пайдо бўлиши, бир бутунликдаги учликдан иборатлигини таъкитлайди. Яъни фан-махсус билимлар тизими ва доимий янгиланиб туради, Фан-бу ижтимоий институт ; Фан-маънавий ишлаб чиқариш шакли.

Бэкон илмий билишда тажриба, экспериментга асосий этиборни каратиб эмпиризм ва индуктив методларига асос солди.

Француз математики Рене Декарт эса илмий билишда рационал билишни устун кўйди ва дедуктив методга асос солди. Фаннинг вазифаси табиатдаги барча ҳодисаларни шубҳаланиб бўлмайдиган мавжуд ҳодисалар асосида тушунтиришдан иборат деб таъкидлайди. Декартнинг математика соҳасида кўйдаги ишлари: координатлар тизими, алгебрлик белгилар, аналитик геометрия, ривожланиш ғояси ва бошқалар бўлиб, улар ҳали ҳануз ўз аҳамиятини йўқатган эмас.

И.Ньютон классик механикага асос солди, унинг учта асосий қонунини изоҳлади, бутун олам тортилиш қонунини математик изоҳлади. Осмон жисмлари ҳаракатини, куч тушунчасини изоҳлади, дифференциал ва интеграл ҳисобларни физик реалликни изоҳловчи тил сифатида яратди, ёруғлик табиати ҳақидаги корпускуляр ва тўлқинли тасаввурларнинг ўхшашлиги ҳақидаги тахминларни илгари сурди. Ньютон механикаси дедуктив илмий назариянинг классик образига айланди.

Вильгелм Лейбниц (1646-1716) математикада янги даврни бошлаб берди. У Ньютон билан бир даврда дифференциал ва интеграл ҳисобларни яратган; математик мантиқнинг асосчиси ва ҳисоблаш ускунасининг яратувчиларидан бири; физика, механика масалаларида кузатишлар ва экспериментларнинг муҳим ролини таъкидлаган; энергиянинг сақланиш ва бир-бирига айланиш қонунини тахминан айтган олимлардан бири; “Протогея” асарида Ернинг пайдо бўлиши ва Эволюцияси масалаларини илмий асослашга ҳаракат қилган; Ер ости сувларини қазиб чиқариш учун махсус ноасосларни ва турли техник ускуналарни ихтиро қилган; ўсимлик, ҳайвонот ва инсоният дунёсининг ўзаро алоқадорликдаги тараққиётини кўрсатган; илмий билимларни амалиётда кенг қўллашни тарғиб этган.

Шундай қилиб янги даврда, яъни фан тараққиётининг классик даврида Оламнинг мутлоқ макон ва замонда бир-бири билан ўрин алмашадиган, тортишиш кучлари билан боғланган, классик механика қонунларига бўйсунадиган кўп сонли ўзгармас ҳамда бўлинмас майда зарраларнинг бирлигини тан олувчи дунёнинг механик манзараси шаклланди. Худди шу даврда юқордаги олимлар ижоди натижаси ўлароқ назарий табиатшунослик ва энг аввало, физика шакллана бошлади.

Бу даврда шаклланган дунёнинг механик манзараси асосида оламдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан ўзаро алоқада бўлмаган, ўзгармас ва ривожланмаётган мета- физик қараш шаклланди.

Нарса ва ҳодисаларнинг ўзгармаслигини эътироф этувчи метафизик қарашга швед олими Карл Линней яратган ўсимлик ва ҳайвонларнинг классификацияси ёрқин мисол бўлади. Олим турларни худо яратган, улар ўзгармас деб ҳисоблаб, улардаги ўзгарувчанликни кўра олмайди.

XVII аср охири XIX аср бошларида илмий билимлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш ғоялари амалга оша бошлади. Бунинг сабаби машина саноатининг ривожланиши эди. Бу эса ўз навбатида, техника фанлари ривожига замин яратди. Фанларнинг ривожланган тизимида техниканинг ҳам фундаментал, ҳам амалий билимлар тизими шаклланди.

Х.Гойгене яратган ўзида тебраниш назариясини мужассамлаштирган механик соат биринчи илмий техникавий билимларнинг классик намунаси саналади.

Немис классик фалсафасининг асосчиларидан Иммануэл Кант (1724-1804)нинг “Энг умумий тарих ва осмон назарияси” асари табиатшуносликда диалектик ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Мазкур асардаги гипотезага кўра, қуёш, сайёралар ва уларнинг йўлдошлари дунёвий маконни тўлдирувчи қандайдир шаклсиз бошланғич туманли массадан пайдо бўлган. Заррачаларнинг ўзаро тортишиши натижасида, кейинчалик тортишиш марказига айланган алоҳида уюмлар пайдо бўлган. Шундай марказлардан бири қуёш бўлиб, унинг атрофида айлана доирасида ҳаракатланади. Улардан ўз ўқи атрофида айланувчи сайёралар пайдо бўлади. Заррачаларнинг ишқаланиши натижасида қуёш ва сайёралар қизиган, кейин эса совий бошлаган.

И.Кантдан 40 йил кейин француз математиги ва астрономи П.Лаплас (1749-1897) Кант гипотезасини умумлаштирувчи ғояларни илгари сурган. Ана шу асосда қуёш системасининг келиб чиқиши тўғрисидаги Кант-Лаплас космогоник гипотезаси шаклланган. Мазкур гипотеза ҳали хануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва олимлар томонидан эътироф этиб келинмоқда.

IX асрда диалектика ғоялари геология ва биологияда ҳам шакллана бошлади. Француз табиатшуноси Ш.Кювье (1768-1832) илгари сурган катастрофалар (ҳалокатлар) назарияси ўрнига инглиз табиатшуноси Ч.Лайлнинг (1797-1875) геологик эволюционизм ғояси пайдо бўлди.

Катастрофалар назариясида, ер тарихидаги баъзи даврлар дунёвий ҳалокатлар билан тугаши натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг эски турлари йўқ бўлган деган қараш илгари сурилган. Ч.Лайл бундай қарашларни рад этиб, Ернинг жуда узоқ муддат мавжудлигини эътироф қилиш зарурлигини исботлаган.

Француз табиатшуноси Ж.Ламарк (1744-1829) “Зоология фалсафаси” асарида, Инглиз олими Ч.Дарвин “Турларнинг пайдо бўлиши”, “Яшаш учун курашга мослашган турларнинг сақланиши” асарларида биология соҳасидаги эволюцион ғояларни илгари сурди.

Г.Мендес (1822-1884) “Ўсимлик гибридлари устидан тажрибалар” асарида биологик ва математик таҳлилларни умумлаштириб, организмлардаги ўзгарувчанлик ва ирсийликни етарли даражада ишончли изоҳлаб беради. Бу эса ўз навбатида генетиканинг шаклланишига олиб келди.

XIX асрнинг 30-йилларида ботаник М.Шлейден (1804-1881) ҳамда биолог Т.Шванн (1810-1882) тирик организмлар тузилишининг хужайра назариясини яратди.

Немис олими Ю.Р.Майер (1814-1887) энергиянинг сақланиш ва бир-бирига ўтиш қонунини ўрганиб, кимёвий, иссиқлик ҳамда механик энергиянинг бир-бирига ўтишини ва тенг кучилигини исботлади. Инглиз тадқиқотчиси Д.П.Жоул (1818-1889) механик куч сарфланганда, унга эквивалент иссиқлик пайдо бўлишини экспериментал исботлади.

Д.И.Менделеев (1834-1907) кимёвий элементларнинг даврийлик қонунини яратиши кимё фанидаги муҳим воқеа бўлди.

Ш.Кулоннинг карама-қарши қутбли электр зарядларининг тортишиш қонуни, М.Фарадейнинг электромагнит майдонининг математик назарияси ва юқорида қайд этилган эволюционизм назариялари илгари шаклланган дунёнинг механистик манзарасини ўзгартириб юборди ва ўз навбатида дунёнинг электромагнит манзарасини яратилишига олиб келди. Айти шу даврда ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам ривожланди. Хусусан иқтисодиёт назарияси яратилиб, пул фалсафаси шаклланди.

Шундай қилиб XIX асрнинг охирига келиб табиатшуносликнинг бир қатор тизимларида физика, кимё, биология, зоология, ботаника, геология каби фанлар шаклланиб, жамиятда фан мустақил институт сифатида эътироф этилди. Фан тараққиётида бир қатор фундаментал назариялар ишлаб чиқилди. Фан ютуқларидан ишлаб чиқариш, амалиётда фойдаланиш йўлга қўйилди. XVII-XIX асрлар оралиғи классик фанларнинг шаклланиш ва ривожланиш даври бўлди. Бу даврда дунёнинг илмий манзараси яратилди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб фан тараққиётида ноқлассик даврбошланиб, у 70-йилларга қадар давом этди. Бу даврда фанда қилнган илмий кашфиётлар фан тараққиётининг классик даврида олам, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг тузилиши, ҳаракати, мавжудлиги тўғрисида шаклланган қарашларни тубдан ўзгартириб юборди.

1896 йилда француз физиги А. Беккерель (1852-1908) уран тузининг ўз-ўзидан нурланиш ҳодисасини аниқлади. “Беккерель нурлари” каби нур таратувчи элементларни излаб Пьер Кюри (1859-1906) ва Мария Складовская Кюри (1867-1934) радиактив ҳодисалар деб аталмиш палоний ва радийни кашф қилди. 1897 йилда инглиз физиги Ж.Томсон (1856-1940) атомнинг бир бўлаги электронни аниқлаб атомнинг илк моделини яратди. Инглиз физик олими Э.Резерфорд (1871-1937) атомлар ўзида массани мужассамлаштирувчи ҳаракатсиз ядрога эга эканлигини илмий исботлади. 1911 йилда эса атомлар тузилишининг планетар моделини яратди. Бунга биноан электронлар ҳаракатсиз ядро атрофида айланиб ўзидан узлуксиз электромагнит энергияни тарқатиши аниқланди.

Даниялик физик Нильс Бор (1885-1962) Резерфорд моделига таяниб, уни тўлдириб, атомларда стационар орбиталар мавжуд, улар ҳаракати пайтида электронлар энергия тарқатмайди, унинг нурланиши фақат электронларнинг бир орбитадан иккинчи орбитага ўтишида содир бўлади ва бунда атом энергияси ўзгаради деб, атомнинг квант моделини яратди. Бу Резерфорд –Бор модели номини олиб, у атомнинг охириги модели ҳисобланади.

1929 йилда инглиз физиги П.Дирак (1902-1984) квант электродинамикаси ва гравитацион квант назариясига асос солди, электрон ҳаракатнинг релятивистик назариясини ишлаб чиқиб, унинг асосида 1931 йилда бирламчи антизарра –позитроннинг мавжудлигини тахминан изоҳлади.

Физика фанида 1932 йилда нейтрон кашф қилинди, зарядланган заррачалар тезлигининг кашф қилиниши ядро физикасининг яратилишига олиб келди. Айти вақтда элементар заррачаларнинг ноэлементлиги аниқланди.



А.Эйнштейнинг хусусий (1905) ва умумий (1916) нисбийлик назарияси дунёнинг физик манзарасини тушуниш ва изоҳлашда инқилобий бурилиш бўлди. Шу даврга қадар Ньютон механикасига асосланган ҳолда макон ўзгармас ва материя билан боғлиқ эмас; замон (вақт) мутлоқ, у макон ва материя билан боғлиқ эмас деб қараб келинар эди. Эйнштейн бу ғояни инкор қилиб, макон, замон ўзаро материя билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Шу билан бирга у энергия ва массанинг алоқадорлигини ҳам аниқлади.

Фан тараққиётининг ноклассик даврида физика ютуқлари асосида кимё ривожланди. Квант механикасининг ривожланиши кимёвий алоқалар табиатини аниқлашга имкон берди. Натижада стреокимё, комплекс бирлашув кимёси каби фанлар пайдо бўлди. Органик синтез методларини ишлаб чиқиш жараёни шаклланди.

Биология соҳасида ўсимликлар физиолог ва микробиолог Д.И.Ивановский вирусларни аниқлаб вирусологияга асос солди. Америкалик биолог Т.Хант (1866-1945) наслнинг хромасома назарияси асосида генетика янада ривожланди. Хромасомалар - тўқималар ядросининг структурали элементи бўлиб, ўзида организмнинг ирсий информациясини етказувчи (ДНК) дезоксил бонуклеин кислотасини мужассамлаштиради. Америкалик биохимик Ж.Уотсон ва инглиз биофизиги Ф.Крик 1953 йилда ДНК структурасининг моделини яратиб бу билан молекуляр генетикага асос солдилар.

Бу даврда астрономия соҳасида ҳам ютуқларга эришилди. Олам деганда (Метагалактика) уни кузатиш ва ўрганиш мумкин бўлган қисми тушунилади. Бу ерда 100-200 миллиард юлдузлар, галактикаларнинг жуда катта тўдаси мавжуд бўлиб, шулардан бири сомон йўли саналади. Унга қуёш системаси ҳам киради. Бизнинг галактика 150 миллиард юлдузлардан иборат бўлиб, улар орасида қуёш, галактик туманликлари, коинот нурлари, магнит майдонлари, нурланишлар мавжуд. Қуёш системаси галактика ядросидан 30 ёруғлик йили узоқда бўлиб, унинг чеккасида жойлашган. Қуёш системаси ёши 5 миллиард йилга тенг.

Ҳозирги вақтда астроном ва астрофизиклар олам узлуксиз эволюция ҳолатида эканлиги ҳақидаги хулосага келганлар.

1963 йилда Галактикалардан ташқарида мавжуд бўлган жисм-кварлар ихтиро қилинди. 1967 йилда радионурланиш манбаи бўлган космик жисмлар-пульсарлар ихтиро қилинди. Ноклассик фан тараққиёти даврида космосни ўрганишга қаратилган янги фан-косманавтика шаклланди. Фан тараққиётининг бу даврида бошқарув назариялар тизими, алоқа ва информацияни қайта ишлаш ҳақидаги кибернетика шаклланди.

XX асрнинг 70-йилларида табиий ва гуманитар фанларнинг яқинлашуви жараёни бошланиб постноклассик фан тараққиёти бошланди. Бунга билимларни сақлаш ва қабул қилишдаги инқилоб – компютеризация муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда молекуляр биология ва генетикага асосланган, илгари табиатда мавжуд бўлмаган янги генларни топишга йўлланган ген технологиялари ривожланди. Ген технологияси асосида сунъий йўл билан инсулин, интерферон яратилди. Ген технологияларининг асосий мақсади ДНК ни ўзгартиришдан иборат, илмий тадқиқотлардаги бу

йўналиш фаолияти ген ва геномларни тахлил қилиш орқали генларни синтези, яъни янги генетик модификациялашган организмларни яратишдан иборат. Микробиологияни шиддатли ривожланишига олиб келган янги метод-клонлаштириш яратилди.

XX асрнинг 80-90 йилларидаги ҳисоблаш техникаси тараққиёти нейрон тармоқларини яратилиши билан боғлиқ бўлиб, улар асосида ниҳоятда мураккаб масалаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган нейрокомпьютерлар яратилди. Бу даврда фаннинг ривожини уни классик мезонларидан ажралиши билан боғлиқ ҳолда кечмоқда.

Тадқиқотлар объекти кўп ҳолларда экспериментлар ўтказиш мумкин бўлмаган тизимлар бўлганлиги учун, илмий тадқиқот фаолиятининг асосий қуроли –математик моделлаштириш усули қарор топди.

Фундаментал билимлар базаси физика негизида шаклланган микроэлектроника ва наноэлектроника ривожланди. Электроника – электронларнинг электромагнит майдонлари билан ўзаро таъсири ва ахборотини етказишда фойдаланадиган электрон асбоб-ускуналарни яратиш ҳақидаги фан. Агар XX асрнинг бошларида электроника асосида электрон чироклар яратилган бўлса, 50-йилларда эса интеграл асосдаги микроэлектроника ривожлантирилди. Микроэлектрониканинг тараққиёти компьютер техникаси ва космик аппаратлар яратишда фойдаланиш мақсадида интеграл схемалардаги заррачаларнинг миллиард қисми метри-нанометр (нм) ҳажмининг кичрайиши асосида амалга оширилганини кўришимиз мумкин.

Постноклассик фан тараққиёти натижасида ўз-ўзини ташкил қилувчи ғояга асосланган янги фан синергетика шаклланди. Синергетика табиатдаги мураккаб тизимларда ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнини ўрганувчи фандир.

Синергетика ўз-ўзини ташкил қилувчи жараёнлар табиатда ва жамиятда содир бўлишини, у қандай турдаги ночизикли қонунлар бундай жараёнларни бошқаришини ва қандай шароитда амалга ошишини аниқлайди.

Постноклассик фанда олам, биосфера, ноосфера, жамият, инсонлар ягона яхлит тизимни ташкил қилиши ғояси ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб оламнинг умумилмий манзарасини яратиш ғояси постноклассик фан тараққиёти даврида асосий ғояга айланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, постноклассик фаннинг пайдо бўлиши классик ва ноклассик тадқиқотларнинг методи ва олам ҳақида эришилган билимларни зинҳор инкор қилмайди. Эришилган билимлар ўзига хос вазиятларда қўлланилиши давом этади. Постноклассик фан эса улардан фойдаланиш соҳаларини янада аниқроқ белгилаб бериши билан аҳамиятлидир.

**5-масала.** Ҳозирги замон, яъни постноклассик фан классик ва ноклассик фандан ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- фан ўзининг ўрганиш соҳаларини кенгайтириб, микроолам, макроолам муаммоларини ўрганиш билан шуғуллана бошлади. Макро ва микрооламни ўрганиш учун фан анъанавий усуллардан ташқари, янги

усуллардан, махсус асбоблардан, математик моделлаштириш усулидан фойдалана бошлади;

- Илмий билишининг субъектив жиҳатларига алоҳида эътибор берила бошланди. Бу эса мутахассиснинг ўрганаётган соҳасини чуқурроқ ва кенгроқ билишини тақозо этади;

- фалсафа ва фанда оламдаги нарса ва ҳодиса, жараёнларнинг қонуният ҳамда тартиб асосида рўй бериши тўғрисидаги қарашлардан фарқли равишда ривожланиш тартиб ва тартибсизлик бирлигидан иборат эканлиги эътироф қилина бошланди;

- фан тараққиёти миллий доирадан чиқиб, тобора байналминал характер касб эта бошлади. Унинг ютуқлари бутун инсониятнинг мулки сифатида англана бошлади;

- фаннинг инсонпарварлик ва тараққийпарварлик моҳияти тўлароқ намоён бўлди;

- фаннинг ривожини олимларнинг кадрларни эъзозлаш ва баҳолашида янгича мезонларни ишлаб чиқишни тақозо этди. Бу олимларнинг бирон-бир фан соҳасини яқка ҳукмронлик билан эгаллаб олмаслиги, илмий янгилик ва кашфиётларни бошқалардан яширмаслиги, кўчирмачилик қилмаслиги, ўз кадр-қимматини топтамаслиги кабиларда намоён бўлди;

- жаҳон миқёсида илмий салоҳиятни, илм-фан ютуқларини бошқа мамлакатларга чиқариш моддий неъматлар чиқаришдан кўра фойдалироқ бўлиб қолди. Бу эса жаҳон миқёсида информацион жамиятни, инсониятнинг бир бутун ҳамжамияти шаклланишининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди;

-табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, таъсири кучайди. Табиатшунос олимларнинг ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланиши инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни инсонийлаштиришда, табиатни муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этди;

- фан умумбашарий ва умуминсоний муаммоларни ҳал этиш билан жиддий шуғуллана бошлади;

- фан инсоният ҳаётидаги қатор муаммоларни ҳал этибгина қолмай, унинг ҳаётига жиддий таҳдид соладиган муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Олимнинг ўз илмий фаолияти учун жавобгарлигини ошириш, инсоният ҳаёти, тинчлиги учун таҳдид соладиган илмий изланишларни тақиқлаш, назорат қилиш ҳозирги замон фанининг муҳим муаммоларидан биридир.

**6-масала.** Илмий билимлар ва фан тараққиёти, олимларнинг билимга, фанга ҳалол хизмат қилиши, билим идеалларига ўз умрини бағишлаш тўсиқсиз, силлиқлик билан ўтмаган. Фан ва унинг ижодкорларига нисбатан ноилмий соҳалар томонидан тазйиқ ўтказилиб, унинг йўли бузиб турилган. Ўз соҳаси бўйича максимал билимга эга бўлган олимлар фаолиятига улардан ташқарида турувчи мутахассис бўлмаган кучларнинг аралашуви уларнинг ҳалол, инсоний бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиб келган. Ёки фандан ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиб, фанни умуминсоний йўлдан буриб юборишга, фан ютуқларини инсониятнинг ўзига

қарши қўйишга ҳаракат қилганлар. Чунончи, физикларнинг атом ядроси сирларини ўрганиш борасидаги кашфиётларидан инсониятни йўқ қилиш йўлида фойдаланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Атом бомбасини ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқармаслик-бу физиканинг назарияси эмас, балки социология ёки бошқа гуманитар фанларнинг муаммосидир. Бу масалани олимлар эмас, балки олимларни ўзига жалб қилган сиёсатчилар ҳал қилади. Шундай бўлсада, олимлар сиёсатчиларни бутун инсониятга тегишли тўғри йўлни ишлаб чиқишга мавжуд муаммоларини тўғри ва адолатли ҳал қилишга ундаши лозим.

Ўз виждони олдида, халқи, инсоният олдида масъулият ҳис қилиш олимнинг маънавий қиёфасини кўрсатади. Олим ўз вазифасига масъулият билан қараши, фан ютуқларини фақат эзгулик мақсадларига йўналтириш лозимлигини англаб етиши керак.

Буюк аллома Ибн Сино айтган, “Яшашдан мурод-эзгулик” шиори остида фаолият юритиш, ижод қилиш, фан уфқларига интилиш олимнинг маънавий бурчидир.

Фан билан шуғулланиш дунёга қадриятлар нуқтаи назаридан қараш асосида бориши керак. Фан инсонияти йўқ қилишга эмас, уни юксакликка кўтаришга, унинг яхши яшашига шароит яратиб беришга хизмат қилиши керак. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ”<sup>8</sup>

Олим фан уфқларига интилар экан, унинг ютуқлари адолат, яхшилик, ҳақиқат мезонлари билан уйғунлашиб, инсон маънавий ҳаётини қадриятлар даражасига кўтаришга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар бир инсон, жумладан олим эркинлигини таъминлаш билан бирга унинг умуминсоният, миллат, халқ олдида масъул эканлигини ҳис этиб яшашга ундаш фан соҳаси вакилининг ахлоқий бурчи ва масъулиятидир. Ҳеч бир киши фан ютуқларининг ижобий ёки салбий томонларини олимлардек тўғри баҳолай олмайди. Фан ҳамма вақт эркинлик, адолат, бахт, озодлик каби инсоннинг ҳаётий қадриятларини ардоқлашга хизмат қилади. Ҳақиқий олимнинг яшашдан мақсади ўз илмий салоҳиятини ҳақиқатни қарор топтиришга, адолатни ўрнатишга, бахтли ҳаётга интилишни таъминлашга қаратишдан иборат бўлмоғи лозим.

### **Таянч сўз ва иборалар.**

Билиш, илмий билиш, ҳақиқат, нисбий ҳақиқат, мутлоқ ҳақиқат, фан, Оврўпомарказчилик, Осиёмарказчилик, илмий билимлар ривожланишининг босқичлари, мумтоз (классик) фан, ноклассик фан, постноклассик фан, қадимги Ҳиндистон, Хитой, Месопатамия, Юнонистон, Фалес, Пифогор, Аристотель, Коперник, Галилей, Бруно, Кеплер, Декарт, Менделеев, Кюри, Томсон, Эйнштейн, олим масъулияти, яшашдан мурод эзгулик.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

---

<sup>8</sup> Ислам Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарк”, 1998. 13-бет.

1. Оддий-кундалик билим билан илмий билим ўртасидаги фарк нимада?
2. Илмий билишнинг қандай шакллари биласиз?
3. Илмий билиш ва ҳақиқат, ҳақиқатларнинг турлари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Билимлар илмийлигининг мезонларига нималар киради?
5. Илмий билимлар (фан) ривожланишининг қандай босқичларини биласиз?
6. Қадимги Шарқ ва Юнонистонда қандай билим соҳалари ривожланган?
7. Янги давр Оврўпа фани ривожига ўз хиссаларини қўшган қайси олимларини биласиз?
8. Ҳозирги давр фани ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.
9. Олим, фан намоёнчасининг масъулиятини қандай тушунасиз?

### **3-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.**

#### **РЕЖА:**

1. Марказий Осиё Шарқнинг илм - маърифат марказидир.
2. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда табиий-илмий билимлар ривожидир.
3. Темурийлар даврида табиий-илмий билимлар ривожидир ва унинг аҳамияти.
4. Мустақиллик ва Ўзбекистон фани ривожидир.

**1-масала.** Марказий Осиё азалдан илмий билимлар ва маданиятнинг қадимий марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлка мутафаккирлари жаҳон илм-фани, маданияти, маънавияти ва фалсафий фикрларини ўз кашфиётлари, илғор ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашлари билан бойитиб келганлар. Унинг тараққиётига самарали таъсир кўрсатганлар.

Қадимги Марказий Осиёнинг тарихи, маданияти, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳақида Юнон, Хитой, Хинд, Арман тарихчиларининг асарларида, Авесто, Бехустун, Урхун- Енисей ёдгорликлари каби манбааларда Беруний, Нашахий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида маълумотлар сақланиб қолган.

Марказий Осиёда илмий билимлар тараққиёт даражасини кўрсатувчи ёдгорликлар бизнинг давргача кам етиб келган. Аммо юқорида қайд етилган манбалар Марказий Осиёда қадимдан астрономия, математика, геометрия, геодезия, физика, тиббиёт ва бошқа табиий илмий билимлар соҳасида бирмунча муваффақиятларга эришганидан далолат беради. Бизга қадар сақланиб қолган суғд календари, Беруний асарларидаги маълумотлар ва бошқа манбалар Марказий Осиёда илмий билимларнинг, айниқса,

астрономия борасидаги илмий билимлар тараққий этганини кўрсатади. Суғд, Хоразм ва бошқа жойларда етишган олимлар сайёралар ва юлдузлар туркумини ўрганиб, уларни махсус номлар билан атаб, Бурж тизимини аниқлаганлар. Хукмдорлар саройидаги астрономлар (улар астролог ҳам бўлган) гороскоплар тузиб сайёралар дунёсини текширганлар. Улар физика, математика, фалсафа, тиббиёт ва бошқа илмий билим соҳалари билан шуғулланганлар. Марказий Осиё халқлари жуда қадим замонлардаёқ суғориш иншоатлари қурганлар, каналлар барпо этганлар, чиғир ва кориз усуллари билан сувсиз қурғоқ ерларга сув чиқарганлар, юлдузларга қараб узоқ ерларга сафар қилганлар, мустаҳкам бинолар қурганлар, тошни эритиш йўли билан шиша ишлаб чиқарганлар ва х.к. Буларни маълум илмларсиз амалга ошириш қийин эди.

Умуман VI асрларга қадар давом этган кулдорлик шароитида Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикр диний қарашлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келди. У асосан эрамиздан аввал IX-III асрларда шаклланган зардуштийлик таълимоти ва унинг асосий китоби “Авесто”да ўз ифодасини топган. Бу асар ўзининг тарихий-маърифий ва адабий қиммати билан ажралиб туради.

Зардуштийлик таълимоти асосида икки қарама-қарши куч-нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ётади. Эрамизнинг II-III асрларига келиб зардуштийлик таълимоти негизида яхшилик ва эзгуликнинг ғалабасини тарғиб қилувчи Мони таълимоти юзага келди. Мазкур диний таълимотда урушлар, мол-дунё, бойлик йиғиш қораланади. Ўртача, мўътадил яшаш тарғиб қилинган.

Эрамизнинг V асрига келиб ижтимоий тенглик байроғини кўтариб чиққан маздакизм таълимоти кишиларни ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этган.

IX-XII асрлар Марказий Осиё халқларининг маданий ва илмий билимлар тараққиётида катта ўрин эгаллаган янги бир босқич бўлди. Бу даврни тарихда Марказий Осиёда илк Уйғониш даври деб юритилади. Илмий билимлар ривожига Марказий Осиё жаҳон маданиятининг марказий ўчоқларидан бирига айланди.

Бу даврда маҳаллий аҳолининг араблар истилосига қарши норозилик ҳаракатлари натижасида араб халифалигининг хукмронлигига барҳам берилиб аввал марказлашган сомонийлар, кейинроқ эса Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразм шоҳлар, Ғазнавийлар давлатлари вужудга келди.

Марказлашган феодал давлатларнинг юзага келиши савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожига, илмий билимларнинг ўсишига олиб келди. Айниқса Марказий Осиёнинг Шарқ ва Ғарб маданий алоқалар йўли устида жойлашиши (Ҳозирда “Буюк ипак йўли” номи билан тарихга кирган) бу ўлкада илмий билимлар ва маданиятнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Худди шу даврда жаҳон фани ва маданияти ривожига ўчмас из қолдирган мутафаккирлар етишиб чиқди.

Дехқончилик, хунармандчилик ва савдонинг тараққий этиши жараёнида табиий эмпирик билимларни ривожлантиришга эҳтиёж туғилди.

Шунга мувофиқ Марказий Осиёнинг илғор мутафаккирлари математика, астрономия, география, тиббиёт илмларини чуқур ўргандилар, илмий билимлар борасида янги илмий ғояларни илгари сурдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, араб халифалиги учун ҳам диний билимлар билан бир қаторда табиий илмий билимлар керак эди. Арабларнинг ўз ичида бу ишга яроқли илм аҳли жуда кам ва кучсиз эди. Шунинг учун ҳам улар ўзлари забт этган жойлардаги илм билан шуғулланувчиларга имкон яратишга ҳаракат қилганлар. Бухоро, Урганч, Марв, Балх, Боғдод, Шом каби шаҳарлар илк ўрта аср Шарқнинг илмий марказида айланган. Араб тили эса илм-фан, ижод тилига айланди. Марказий Осиёлик мутафаккирлар араб тилини мукаммал ўрганиб ўз асарларини шу тилда битдилар. Румо, Юнон, Хинд, Форс тилларида битилган асарларни араб тилига ағдардилар.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар ўрта асрларда ташкил топган илмий маркази- “Байт ул ҳикмат” (Донишмандлар уйи) яъни Боғдодда фаолият кўрсатган “Маъмун академияси”да, 2006 йил ноябрда 1000 йиллиги нишонланган “Дорул ҳикма”- “Хоразм маъмун академияси”да ва XV асрда Мовароуннаҳрда фаолият кўрсатган “Улуғбек (Самарқанд)академияси”да кизгин илмий изланиш ишларини олиб бордилар.

Ҳалифа Ҳорун ар-Рашид Бағдодда ташкил этган “Байт-ул ҳикмат”да халифа Маъмун даврида Марказий Осиёлик бир қатор илм аҳллари фаолият кўрсатганлар. Булар жумласига Мусо Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий бошқалар кирди. Мазкур “Донишмандлар уйи”даги китобхонада Хинд, Юнон, Сурёний (Сурия), Араб, Форс тилларида 400 000 жилд кўлёма асарлар сақланган бўлиб илм аҳллари ундан фойдаланганлар.

Хоразм маъмун академиясида Марказий Осиё заминида таваллуд топган. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби алломалар Шарқ ва Ғарбдаги ўлкалардан келган турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар билан биргаликда илмий фаолият юритганлар.

Мазкур академия Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан қайта тикланди ва ўз илмий иш фаолиятини бошлади. Ҳозирда Маъмун академияси замонавий жиҳозлар билан таъминланди, бир неча тадқиқот лабораторлари ташкил этилди. У 16 минг 600 нусха китоб фондига эга бўлган бой илмий кутубхона ва замонавий ахборот- ресурс марказига эга.

Бир сўз билан айтганда, Хоразм маъмун академияси умумбашарий цивилизация ривожига ўрни ва аҳамияти жиҳатидан қадимий Афинадаги Платан академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида “Байтул ҳикма”номи билан шуҳрат қозонган, “Боғдод академияси”каби машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туриб Шарқ мусулмон Ренессанси-Уйғониши даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади.

Марказий Осиёда фаолият кўрсатган илмий марказлардан яна бири теурий ҳукмдор Мирзо Улуғбек (1394-1449й) даврида фаолият кўрсатган Самарқанд (Улуғбек) академиясидир. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси фақат олий ўқув юрти эмас, Улуғбек раҳбарлигида барпо этилган расадхона

(1424-1428) билан бирга олинганда, ўша даврнинг академияси ҳам бўлган эди. Мазкур академияда ўша даврнинг машхур олими, математик ва астроном Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Низомиддин ал-Биржандий, Улуғбекнинг истеъдодли шогирди Али Қушчи ва бошқалар илмий фаолияти олиб борганлар.

Агар IX-XIII асрлар Марказий Осиё илк Ренессанс-Уйғониш даври сифатида эътироф этилса, XIV-XVI асрлар сўнгги Уйғониш даври сифатида илмий билимлар ривожига тарихидан ўрин олган.

Марказий Осиё хусусан ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи бизнинг худудимиз, яъники Ватанимиз, - Президентимиз таъбири билан айтганимизда, нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини эндиликда бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган сайқал топган. Бешафқат давр синовларидан омон қилган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужасамлашган тарих, адабиёти, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асрлар Марказий Осиё Шарқнинг илм-маърифат маркази бўлиб келганлигини кўрсатувчи ва тасдиқловчи далил ва исботдир.<sup>9</sup>

**2-масала.** Марказий Осиёда илк ўрта асрлар фанининг асосчиси Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (783-850й) дир. У ҳалифа Маъмун (813-833йилларда ҳалифалик қилган) даври ва ундан кейин умрининг охирига қадар Боғдоддаги “Байт ул-ҳикмат”ни бошқарган. Олимга буюк шуҳратни дастлаб “Ҳисоб ал Ҳинд” (“Ҳинд ҳисоби”) номли рисоласи олиб келган. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта ўнлик позицион система ва унинг аҳамияти сўз беради. Хоразмийнинг ўнлик позицион системаси инсониятга чексиз қулай имкониятлар яратиб берди. Агар мазкур санок системаси бўлмаганида илмий тафаккур бу даражада такомил топиши амри маҳол бўларди. Хоразм тўққиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик билан ифодаловчи санок системасини кашф этди. Ҳиндларнинг тўққиз белгидан иборат рақамлар тизими мукамал санок тизимига айланиши учун “0” кашф этилиб, ўз ўрнига қўйилиши керак эди. Хоразмий томонидан “0”(ноль) нинг кашф этилиши инсоният илмий тафаккурининг беқиёс улкан ютуқларидан биридир. Хоразмийнинг “Ҳисоб ал- Ҳинд” китобида энг муҳим олтита арифметик амаллар-қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш қабилар ишлаб чиқилган. Уларнинг услуб ҳамда қонуниятлари кашф этилган.

Хоразмийнинг яна бир кашфиёти ва хизмати алгебра фанига асос солганлигидир. “Алгебра” атамасининг ўзи Хоразмий томонидан ёзилган

<sup>9</sup> Қаранг. Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. “Шарқ”, 1998. 3-бет.



“ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” номли рисоласидаги “Ал-жабр” сўзининг лотинча талаффуз ифодасидан келиб чиққан. Алгоритмлар назариясининг яратилиши ҳам Хоразмий илмий фаолияти билан боғлиқдир. Хусусан “Алгоритм” атамаси лотинча ифода этилган “Dixi Algoritmus”- “дедики ал-Хоразмий” сўзидан келиб чиққанлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Алгоритм тушунчаси ҳозирги замон кибернетика, ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) ва ҳозирги замон инфор­мацион технология ҳамда жараёнларнинг асосий тушунчасига айланди. Хоразмий жуғрофия, тарих, астрономия соҳаларида ҳам илмий ишлар олиб борган. Ҳалифа Маъмун олимлар олдига Осмон ва Ернинг тўлиқ харитасини тузишни вазифа қилиб топширган. Бу ишга Хоразмий раҳбарлик қилган. Хариталар “Мажмун ал-Маъмун”-“Дунё харитаси” номи билан юритилган. Шу муносабат билан Хоразмий жуғрофияга оид “Китоб сурат ал-арз” номли асар яратган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусҳаси Коҳирадан топилган. Хоразмий мазкур асарида ер юзини шимолий кутбдан то экваторгача 7 иқлимга бўлиб ўрганишни тавсия этган. Бу билан Хоразмий ер юзасини меридиан (градус)лардан ташқари параллелларга бўлиб ўрганишни бошлаб берди. Параллеллар билан меридианларни аниқ белгилаш имкониятлари очилди. Хоразмий астрономияга оид “Хоразмий зиж”-“Юлдузлар жадвали” асарини ҳам ёзган. Унинг бу асари астрономия илми ривожига янги даврни бошлаб берган.

Хоразмий юқоридагилардан ташқари “Астролябия бўйича рисола”, “Қуёш соати тўғрисида рисола”, “Хоразмнинг машҳур кишилари” номли асарларни ҳам ёзган.

Хоразмий ўрта асрларда етишиб чиққан ўзбек фанининг илк тамал тошини қўйган буюк алломадир. У ўз асарлари билан аввал Шарқ ва кейинроқ Ов­ропа риёзиёт илмига асос солган илми соҳибидир. Америкалик шарқшунос олим Д.Сартон “Хоразмий барча замонларнинг энг улуғ математикларидан биридир. Жаҳон фани тарихида 9-асрнинг биринчи ярмини ҳеч му­болағасиз Хоразмий даври деб аташимиз лозим”, -деган эди.

VIII аср охири IX асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган, Хоразмий билан замондош бўлган Марказий Осиёлик буюк астраном, географ ва математик олимлардан бири Абу Аббос ибн Аҳмад Фарғоний (797-865 йил) ҳам Боғдодда ижод қилган. “Байт ул-ҳикмат”нинг астраномия мактабининг раҳбари бўлган. Аҳмад Фарғоний “Астраномия ва астролябияга кириш”, “Фалакдан бўладиган сабаблар”, “Астролябия фани усуллари”, “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум” каби асарларни ёзган буюк астраном, географ ва математикдир. Унинг “Самовий ҳаракатлар ва унинг илми нужум” асари “Астраномия асослари ҳақидаги китоб” номи билан машҳур бўлиб, 1145 йилдаёқ Европада лотин тилига таржима этилган. Шундан сўнг Аҳмад ал Фарғоний номи лотинлаштирилиб, “Алфраганус” шаклида Ғарбда шуҳрат қозонди. Унинг “Астраномия асослари ҳақидаги китоб”и бир неча асрлар мобайнида Европа университетларида асосий дарслик сифатида фойдаланилган. Асарда фалакиёт ва география илмларининг асосий мазмуни, вазифалари ва қисмлари тушунарли далиллар асосида баён қилинган. Ернинг шар шаклида

эканлиги, бир ҳил осмон ёриткичларини турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишнинг ҳар бир жойдан турлича кўриниши масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ўзгариши ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Аҳмад Фарғонийнинг мазкур китоби аввал мусулмон Шарқда, сўнг Европада астрономия илмининг ривожини бошлаб берди.

У бошқа олимлар билан биргаликда ер меридианининг бир даражасини аниқлаш ишларида иштирок этди. 847-861 йилларда Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоат барпо этиш ишларини олиб борди. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор бу қурилма ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Бизнинг давримизгача Аҳмад ал-Фарғонийнинг 7 асари сақланиб қолган. Асарларининг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли шаҳарлари-Берлин, Душанба, Лондон, Париж, Техрон, Тошкент, Машҳад, Патна, Рампур, Кохирларидаги йирик кутубхоналарда сақланмоқда.

Олимнинг илмий меросини юртимизда ўрганишга мустақиллик йилларида кенг йўлга қўйилди. 1998 йилда эса Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги нишонланди.

Абу Наср Форобий (873-950) – ўрта асрлар мусулмон Шарқнинг машҳур мутафаккирлари, қадимги юнон фалсафасининг энг йирик давомчиси ва тарғиботчиси. Антик юнон илми ва фалсафасининг билимдони сифатида Аристотелнинг “Метафизика”, “Физика”, “Метерология”, “Категориялар”, “Анаметика”, “Риторика” ва бошқа асрларини, шунингдек Эвклид, Птоломей, Гиппократ, Галенларнинг асарларини араб тилига таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган. Бу билан Форобий Шарқ халқларини, кейинроқ эса Европа халқларини Юнон илми, фалсафаси ва маданияти билан таништиришда катта рол ўйнаган. Айниқса Аристотель фалсафасани талқин этишда шухрат қозониб “Ал-муаллими соний”-яъни “Иккинчи муаллим” ва “Шарқ Аристотели” каби номларга сазовар бўлган.

Шу билан бирга Форобий фаннинг турли соҳаларига оид кўпгина оригинал асарлар яратган. Булар жумласига “Субстанция ҳақида сўз”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Масалалар манбаи”, “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи”, “Мантикқа кириш китоби”, “Фалсафа” тушунчасининг маъноси ҳақида сўз, “Фазилатли хулқлар”, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари” ва бошқалар киради. Форобий илмий фаолияти давомида 160 дан ортиқ асарлар яратганлиги манбаларда қайд этилган. Борлиқ муаммосини ҳал этишда “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин” нинг ўзаро нисбатига мурожаат қилиш Форобий даҳосига тегишлидир. У ўзининг қатор асарларида бу масалага тўхталиб, “вужуди вожиб” барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг биринчи сабаби эканлигини уқтиради. “Вужуди вожиб” биринчи сабаб сифатида ўзга сабаб ёки турткига муҳтож эмас. Унинг зотига нуқсон ва қусурлар, зиддият, номутаносиблик, беқарорлик, билмасликдан билишга қараб йўналиш каби жараён йўқ. У мутлоқ борлиқ ва донишмандлик ифодасидир. У яратади, лекин бошқа нарсалар томонидан яратилмайди. “Вужуди мумкин” эса аксинча, доимо ўзгаришда, унда барча нарсалар оддийликдан мураккабликка, тартибсизликдан тартиблиликка, норасоликдан етукликка, камолотга қараб боради. “Вужуди мумкин”,

“вужуди вожиб” томонидан яратилган, бунёд этилган. Форобий “вужуди вожиб” томонидан яратилган дастлабкиси биринчи ақлдир. Биринчи ақл фаол бўлиб ҳар бир сайёрага хос ақлларни вужудга келтиради. Энг сўнгги самовий ақл натижасида Ердаги ақл-руҳ ва барча моддий жисмларнинг асоси бўлмиш тўрт унсур-гупрок, сув, ҳаво ва олов пайдо бўлади. Мана шу тўрт унсур негизида ўсимликлар, ҳайвонот олами, инсон зоти ва нотирик табиат юзага келади. Органик оламга ўсимлик руҳи, ҳайвоний руҳ ва инсоний руҳ ҳосдир. Нарсалардаги ҳаракат ибтидо ва интиҳо билан чегараланмаган, деб кўрсатади, Форобий.

Форобий инсон томонидан оламдаги нарса ва ҳодисалар, жараёнларнинг моҳиятини билиш муаммоларига алоҳида эътибор билан қарайди. Мутафаккир инсон томонидан воқеликни билиш мумкинлигини, бунинг учун у кўпгина восита ва усуллар билан, яъни сезги, идрок, ҳотира, тасаввур, мантикий тафаккур, ақл, нутқ ва бошқалар билан таъминланганлигини таъкидлайди. Айни шу воситалар орқали инсон илм-фанни яратади, деб кўрсатади. Билиш жараёни чексиз бўлиб, у инсоннинг жонли мушоҳадаси ва тафаккурининг билмасликдан ноаниқ нарсани билишга, ҳодисадан моҳиятни билишга томон боришини кўрсатиб ўтган.

Форобий дунёқарашида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий фикрлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Алломанинг “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”, “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Фуқаролик сиёсати” ва бошқа асарларида жамият ва унинг келиб чиқиши, уни бошқариш, ахлоқ-одоб, таълим –тарбия масалалари баён қилинган. Жумладан, Форобий шаҳар-давлатларни фозил ва жоҳилга ажратади. Фозил шаҳар ўз халқини бахт-саодатга элтиши, унинг бошлиғи эса адолатли, юксак ахлоқли, маърифатли, ўзида бутун ижобий фазилат ва ҳислатларни тўплаган бўлиши лозимлигини уқтиради. Жоҳил шаҳар аҳолиси нафсга берилган, бутун фикри- зикри бойлик тўплаш бўлади. Жоҳил шаҳарда ҳар турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, бир-бирини кўролмаслик, бир-бирини талаш, душманлик, низо ва жанжаллар авж олган бўлади, деб таъкидлайди.

Форобий фикрича давлатни идора этувчи шахс ўзининг 6 та фазилати ва ҳислати билан ажралиб туриши, уни эгаллаган бўлиши лозим, яъни адолатли ва доно бўлиши, бошқаларга ғамхўрлик қилиши, қонунларга тўла риоя қилиши ва қонунларни ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билиши керак.

Форобий ўрта асрда мукамал ҳисобланган илмлар таснифини яратди. У “Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида”, “Илмларнинг таснифи ҳақида” номли рисоаларида ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин бўлган илм соҳасининг тавсифи ва тавсилотини баён қилиб берди. Форобий илмларни куйидагича таснифлайди: 1. Тил ҳақидаги илм: грамматика, орфография, шеърийят, тўғри ёзув ва бошқалар; 2. Мантиқ: 8 бўлимдан иборат бўлиб, тушунча, муҳокама, хулоса, силлогистика, диалектика, софистика ва бошқалар; 3. Математика: арифметика, геометрия, астрономия, механика, оптика, сайёралар, мусиқа, оғирлик ҳақидаги илм; 4. Табиий илмлар, илоҳий илмлар ёки метофизика; 5.

Шаҳар ҳақидаги илм: сиёсий, фикҳий, педогогик, ахлоқшунослик ва калом илми.

Форобий фанларни бундай таснифлашда борлиқ хусусиятларининг таҳлилидан ва уларни фанда акс этишидан келиб чиқади.

Шундай қилиб Форобийнинг дунёқараши, унинг жамият ва ахлоқ тўғрисида яратган яхлит таълимоти илк ўрта асрлар ва кейинги даврларда ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ахлоқий фикр ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта асрнинг буюк даҳоларидан бири, ўзбек мутафаккири, қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048й.)дир.У ўз замонасининг ҳамма фанларини, биринчи навбатда фалакиёт (астрономия), физика, риёзиёт (математика), илоҳиёт, маданиятшунослик фанларини пухта эгаллаган.Бу фанлар тараққиётига қўшган хиссаси билан унинг номи дунё фанининг буюк сиймолари қаторидан жой олди. “Берун”сўзи ташқи шаҳар, “Беруний”эса “Ташқа шаҳарда яшовчи киши”маъносини билдиради. У ўша даврнинг машхур олимлари Абу Наср ибн Ироқ Мансур, Али Саҳл Исо ал-Масихийлардан фалакиёт, риёзиёт, фалсафа, тиббиёт ва бошқа фанлардан таълим олган.

Беруний замонасининг буюк олими Ибн Сино билан табиат фалсафаси, физика бошқа фанлар борасида савол-жавоб тарзида ёзишмалар олиб борган, шулардан 18 таси бизгача етиб келган. Бу ёзишмаларда икки машхур олим фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқликдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда илмий мунозара олиб борган. 1005-1017 йилларда “Хоразм маъмун академияси”да ўша даврнинг машхур илм аҳллари билан ҳамкорликда фаолият юритди. Беруний қолдирган илмий мерос 152 китоб ва рисоладан иборат.Шулардан 70 таси фалакиёт, 20таси риёзиёт, 12 таси география ва геодезия, 3 таси маданиятшунослик, 15 таси тарих ва элшунослик, 4таси фалсафа,18 таси адабиёт, 4таси харитография, 3 таси иқлимшунослик, физика, доришунослик ва бошқа фанларга бағишланган. Булар қаторига “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минерология”, “Маъсуд қонуни”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”, “Сайдана” ва бошқа асарлари киради.

Берунийнинг фалакиёт соҳасидаги хизмати айниқса каттадир. У ўз илмий асарларида дунёнинг тузилиши масаласида Птоломей назариясига суянса ҳам, лекин Ернинг ҳаракати ҳақида ўша даврда ҳукмрон назарияга зид келадиган фикрларни айтган. Беруний ёритқичларнинг ҳаракатини хандасавий изоҳлаш асосида оламнинг тузилишини тушунтирадиган геоцентриқ ва гелиоцентриқ система тенг кучга эга, деган хулосага келади. У дунёнинг гелиоцентриқ тузилиши ҳақидаги назарияни ишлашга катта ҳисса қўшди. У биринчилардан бўлиб Қуёш тожини тушунтиришда қизиқарли хулосаларга келган. Беруний 1029 та юлдузнинг координатлари ва юлдуз катталиклари қайд этилган юлдузлар жадвалини тузган.

Беруний “Ҳиндистон” ва “Маъсуд қонуни” асарларида Европа олимларидан 450 йилча олдин ғарбий ярим шарда катта қуруқлик мавжудлиги тўғрисидаги фаразни айтган. Бу фаразнинг тўғрилиги 1492

йилда Христофор Колумб томонидан Америка қитъасининг кашф этилиши билан ўз илмий тасдиғини топди. У Ер айланаси узунлигини ўлчашда янги усул ишлаб чиқди ва Ер меридиани ёйининг бир даражаси 110275 метрга тенг деб топди. Бу ҳозирги замон маълумотларига жуда яқин.

Олим минерология фанида ҳам муҳим кашфиётлар қилган. У минерологик текширишда қимматбаҳо тошларнинг рангини, ялтироқлигини тасвирлаш, қаттиқлигини аниқлаш, уларнинг магнит ва электр хусусиятларини кузатиш, эритиб синаш каби усуллардан фойдаланган. Беруний 50дан ортиқ минералларнинг солиштирма оғирлигини тартибли равишда аниқлаб, минерологиянинг амалий ишларида жорий қилди. Унинг “Минерология” асари Марказий Осиё ер ости бойликларини аниқлаш учун қимматбаҳо манба ҳисобланади.

Беруний Марказий Осиё ва умуман Яқин Шарқда биринчи илмий глобусни бунёд этган. Бу глобусда аҳоли яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган.

Табиий фанлар тарихида Берунийнинг абадий қоладиган хизмати шундаки, илмий тадқиқот ишларида ўзи ишлаб чиққан илмий тадқиқот усулига, тажриба ва кузатишларга асосланади. Кузатиш ва тажриба усулини мисли кўрилмаган даражада юқори кўтаради.

“Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар” асари Исломгача бўлган Хоразм тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Бу асарда турли байрам, урф- одатлар муфассал тасвирланган. Зардуштийлик дини ва “Авесто” ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Беруний ривожланиш ва йўқ бўлишига сабаб бўлган табиий ҳодисаларни тадқиқ этар экан, табиатда қотиб қолган, ўзгармайдиган нарса йўқ, дунёдаги ҳамма нарса маълум вақтдан сўнг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради, деган нуктаи назарда туради. Дунёнинг тузилишини тушунтиришда атомизмга яқин турган. Шунингдек олим дунёлар кўплиги, уларнинг моддийлиги тўғрисидаги фикрларни ҳам илгари сурган.

Беруний оламни билиш масаласида ҳам қимматли қарашларни илгари сурган. Бизнинг дунё ҳақидаги билимларимиз манбаи сезги аъзолари орқали олинган билимлардир, илмий билимлар эса ақл-идрок туфайли содир бўлади, деб кўрсатади. Мутафаккир Ибн Синога ёзган эътирозларида ҳамма нарсаларнинг ер маркази томон тортилиши ҳақидаги фикрни олға суради. Бу тортилиш кучи ҳақидаги назарияни ишлаб чиқишда қўйилган муҳим кадам. Беруний ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда географик муҳит, кишиларнинг моддий эҳтиёжи каби омилларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб изоҳлайди. Чунончи, тилнинг келиб чиқишига одамларнинг бир-бири билан муомала қилишдаги эҳтиёжи, турли фанларнинг пайдо бўлишига эса уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари сабаб бўлган, деб кўрсатади.

Хулоса шуки, ватандошимиз Берунийнинг илмий даҳоси умуминсоният илмий билимлар ривожига қўшилган муҳим ҳиссадир. Уни Европада ал-Барон номи билан юритилиши ҳам бежиз эмас. Ўзимизнинг юртимизда Беруний илмий меросини ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Фан ва техника соҳасидаги эришилган ютуқлар учун Беруний номидаги давлат мукофоти таъсис этилган.

Абу Али ибн Сино (980-1037й.) - буюк ҳаким, қомусий аллома ва машхур мутафаккир. Тиббиёт, фалсафа, мантиқ, психология, физиология, ахлоқшунослик, табиатшунослик, педагогика, муסיқашунослик ва бошқа илм соҳалари билан шуғулланган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган. Лекин бизгача 250 га яқини етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 50 таси тиббиётга, 40 тадан ортиғи табиат ва гуманитар соҳаларга, 3 таси муסיқага ва илмнинг бошқа соҳаларига бағишланган. Унинг асосий асарлари “Тиб қонуни”, “Китоб аш-шифо”, “Китоб ан-нажот”, “Китоб ан-инсоф”, “Донишнома”, “Рисолаи ахлоқ”, “Рисолаи ишқ” ва бошқалар.

Ибн Синонинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга: фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин. Олим шуларнинг ҳар бирида чуқур из қолдирган. Ибн Синонинг фалсафага оид энг йирик ва муҳим асари “Китоб аш-шифо” бўлиб, у 4 қисмдан: Мантиқ, табиёт, риёзиёт, метафизика (илоҳиёт) дан иборат.

Ибн Синонинг дунёқараши Аристотель таълимоти ва Форобий асарлари таъсирида шаклланган. Олимнинг фикрича, фалсафанинг вазифаси мавжудотни-яъни барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, бир-бирига ўтишини зарурият, имконият, воқелик, сабабият омиллари асосида ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Ибн Синонинг фикрича оламдаги барча мавжудотнинг асоси ва ибтидоси “вужуди вожиб” яъни “зарурий вужуд” бўлиб, у энг иродали, қудратли ва доно тангридир. Вужуди вожиб –барча нарсаларнинг биринчи моҳияти, жавҳари, яратувчисидир. У мустақил ва ягона моҳият. Унинг зотида камчиликлар ва нуқсонлар йўқ, доимий фаоллик унинг муҳим хусусияти. “Вужуди вожиб” нинг оқибати “вужуди мумкин”- яъни “имконий вужуд” бўлиб, унга оламдаги барча нарсалар киради. Зарурий вужуд билан имконий вужуд муносабати сабаб ва оқибат муносабатидир. Зарурий вужуд оламдаги барча нарсалар юзага келишининг сабабчисидир. Оламдаги ҳамма нарсалар эманация тарзида, яъни қуёшдан чиқаётган нур шаклида аста-секин амалга ошади. Имконият тарзида мавжуд бўлган ақл, жон, жисм улар билан боғлиқ осмон сфералари келиб чиқади. Худо абадий, унинг оқибати бўлиши материя ҳам абадийдир. Уни ўзи бошқа аниқ нарсаларнинг, жисмларнинг асосидир. Нрсаларнинг моддий асоси ҳеч қачон йўқолмайди. Материянинг энг содда бўлинмас шакли тўр унсур: ҳаво, олов, сув ва тупроқдан иборат. Уларнинг турлича ўзаро бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Бу мураккаб нарсалар шаклан ўзгариши мумкин, лекин уларнинг моддий асоси бўлган тўр унсур йўқолмайди, абадий сақланади.

Мутафаккир нарса ва ҳодисалардаги ҳаракат “вужуди мумкин”нинг ички моҳиятидан келиб чиқиб у осойишталик, сокинлик билан бирга мавжуд бўлади. Ҳаракат бу нарса ва ҳодисаларда содир бўладиган ўзгаришдир. Ҳаракат жисмларнинг ўзаро ўрин алмашувигина бўлмай, балки кенг маънода уларнинг ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишидир, деган фикрни илғари суради.

Ибн Сино бошқа табиий фанлар қатори кимё билан шуғулланганлиги ҳам диққатга сазовордир. Унинг кимё соҳасида айтган фикрлари ўша

даврдаги алкимё учун ниҳоятда илғор эди. У алкимё вакилларининг оддий металлларни кимёвий йўл билан олтин ва кумушга айлантириш мумкинлиги ҳақидаги қарашлари ва уринишлари беҳуда эканлигини назарий жиҳатдан исботлашга уринди, тўғрироғи, ўз тажриба ва кузатишлари асосида рад этди. Олимнинг бундай қарашлари ўрта аср кимёсининг илмий кимёга ўсиб ўтишида муҳим роль ўйнади.

Аллома ўз давридаги илмлар таснифи билан ҳам шуғулланиб 29 та илмнинг тармоғини кўрсатиб ўтган. Барча фалсафий фанларни икки қисмга: назарий ва амалий фалсафага бўлади. Назарий фалсафани 3 га бўлади:

1. Қуйи даражадаги илм яъни табиатшуносликнинг кимё, физика, астронимия ва бошқалар;

2. Ўрта даражадаги илм-математика, геометрия, арифметика, астронимия, мусиқа ва бошқалар;

3. Олий даражада илм-метафизика (илоҳиёт) ҳақидаги илмлар. Мутафаккир амалий фалсафани ҳам ахлоқ, иқтисод ва сиёсатдан иборат уч қисмга бўлади.

Ғарбда Авиценна, Шарқда “Шайх ур-раис” номини олган Ибн Сино табобат соҳасида ўчмас из қолдирган мутафаккирдир. “Тиб қонунлари” асари қадимги ва ўрта аср табобат фани тараққиётининг энг олий чўққисидир. У табобатнинг 1000 йиллик тарихига яқун ясаб, айна вақтда уни янги тараққиёт поғонасига кўтарди. Табобат соҳасида илгари сурган қарашлари ва бу борада ўзи қўллаган амалий ишлари Европада унинг вафотидан 500-700 йиллар кейин янгитдан кашф қилиниб амалда қўлланилди. Чунончи, Ибн Синонинг айрим касалликлар сув ва ҳаводаги “майда жониворлар” орқали тарқалади деган фарази саккиз асрдан сўнг буюк кашфиётчи Пастер томонидан микробларини кашф қилиниши билан илмий жиҳатдан ўз исботини топганлиги мисол бўла олади. Унинг “Тиб қонунлари” асари лотин тилида 40 маротаба нашр қилинган.

Ибн Синонинг билиш таълимотида кузатув ва тажриба муҳим ўрин эгалайди. Олим улар орқали жисм ва моддаларнинг солиштирма оғирлиги, одамларнинг хасталиги ҳолатларини, дори-дармонлар таркиби, меъёри, касалларга даво бўла оладиган миқдори, касалликнинг инқирози ва соғайиши аломатлари каби муаммоларни комил ишонч билан ҳал этган.

Аллома ижтимоий –сиёсий қарашларида, инсонни ижтимоий жонзот, деб таърифлайди. Кишиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги улар ҳаётининг ягона таянчи эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, Ибн Сино ўзининг бой ва серқирра илмий мероси билан кейинги давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

1999 йилда Ўзбекистонда “ Ибн Сино халқаро жамғармаси” тузилди. Ўзбекистон ерида 1966 йилда топилган янги минерал Ибн Сино номи билан Авиценнит деб аталди.

**3-масала.** Амир Темур ва темурийларнинг Марказий Осиёда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ривожланишидаги беқиёс

ўрни, роли ва аҳамиятини тўғри англамоқ учун XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярмида бу ўлка ҳаётидаги қора кунларга эътибор қаратиш лозим.

Марказий Осиё халқларининг XIII асрдаги ва ундан кейинги ҳаёти, маданияти, ижтимоий-фалсафий фикри ҳолати Чингизхон истилоси ва унинг даҳшатли оқибатлари билан боғлиқ ҳолда кечган. Чингизхон босқичи галалари Хуросон, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Балх ва гуллаб турган, обод бошқа шаҳар ва қишлоқларда ваҳшийлик қилдилар. Санъат кошоналари, бой кутубхоналар, саройлар, масжид-мадрасалар, юксак қишлоқ хўжалиги ер билан яксон қилинди. Муғуллар босқинчилигини ўз кўзи билан кўрган тарихчи Ибн ал-Асир қуйидагиларни ёзган эди: Муғул босқинчилари ҳеч кимга раҳм қилмас эдилар. ... Уларнинг дастидан омон қолган шаҳар йўқ. Улар ҳамма жойни хароб қилардилар, бирор нарсанинг олдидан ўтсалар, уни талон-тарож қилар, кўзларига ёмон кўринган барча нарсани ёндирадилар.

Тарихчи Рашидадиннинг гувоҳлик беришича Бухорони босиб олган Чингиз қўшини шаҳарнинг омборхоналарини очиб ғаллаларини ташиб олдилар, битма Қуръонлар сақланадиган сандиқларни отларига охур қилдилар.

Чингизхоннинг истилоси Марказий Осиё халқларининг асрлар мобайнида яратган маданият ёдгорликларини, илмий-фалсафий мероси ва адабиёт, санъат асарларини йўқ қилиб, унинг маънавий- маърузий ҳаётини ўнглаб бўлмас даражага келтирди. Илм даргоҳлари ер билан яксон қилиниб, ўлкада саводсизлик, жаҳолат, тушкунлик кучайди. Аммо истилочилар Марказий Осиё халқларининг асрлар мобайнида илм-фан, маданият, маънавий ҳаёт соҳасида эришган ютуқларини бутунлай емириб ташлай олмади.

Узоқ курашлардан сўнг Амир Темур ўз рақибларини енгиб ҳокимиятни қўлга олди. У майда, тарқоқ феодалликларни бирлаштириб, марказлашган давлат барпо этди, ўлка иқтисодий ва маданий юксалиш сари юз тутди. Темур ва темурийлар даврига келиб Самарқанд, Хирот, бухоро, Андижон, Балх каби шаҳарлар илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт ривож топган марказга айланди. Амир Темур ва унинг ворислари саъй-ҳаракатлари билан кўплаб мадрасалар, масжидлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, каналлар, қалъалар ва бошқа иншоотлар барпо этилди. Бибихоним, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги ота, Оқсарой каби меъморий мўъжизалар бевосита Амир Темур раҳнамолигида қад кўтарди.

Тарих бу кўхна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти Чингизхонга ўхшаб фақат бузган, вайрон этган. Амир Темурнинг улардан фарқи у умр бўйи бунёдкорлик, ободончилик билан шуғулланган. Унинг “Темур тузуклари” даги қуйидаги сўзлари: “Қай бир ердан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”, -биз учун ибратдир.

Жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини теран англаган Соҳибқирон илм-фан, маданият, санъат ривожига алоҳида аҳамият берди.

Амир Темур ва унинг ворислари даврида фанларнинг кўп соҳалари- тарих, тиббиёт, риёзиёт, хандаса, жўғрофия, фалакиёт, мантиқ, фалсафа,



ахлоқшунослик ва бошқа илм соҳалари ривожланди. Улуғбек асос солган фалакиёт мактаби табиий-илмий фикр тараққиётида муҳим роль ўйнади. Улуғбек асос солган илмий мактабда Мансур Коший, Мирим Чалабий, Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид каби илм-фан фидойилари фаолият юритди.

Темурийлар даврида Марказий Осиёда рўй берган маданий юксалиш ўзининг хусусияти ва йўналиши жиҳатидан IX-XII асрлардаги илк Ренессанс (уйғониш) даврининг қонуний давоми саналади. Зеро Темурийлар даври фан ва маданият ривожига ҳам ренессанс даврига мос келадиган иқтисод, маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида бекиёс тараққиёт, антик юнон илмига қизиқиш, инсонпарварлик ва юксак фазилатни куйлаш каби хусусиятлар ҳам хосдир.

Марказий Осиёда темурийлар даврида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ривожига Амир Темурнинг севиқли набираси Мирзо Улуғбек (1394-1449й.)нинг хурмати бекиёсдир. У илм - ривожига алоҳида аҳамият берди. Мирзо Улуғбек 1417-1420 йилларда Самарқандда, 1417 Бухорода 1433 йилда Ғиждувонда Мадрасалар, 1424-1428 йилларда Самарқандда Шарк меъморчилигининг ажойиб намунаси бўлган расадхона барпо этди.

Мирзо Улуғбек хандаса (геометрия), риёзиёт, илми нужум, тарих, адабиёт, мантиқ ва мусиқа илмларини эгаллаган мутафаккирдир. У Самарқанд мадрасаларида илоҳий илмларни ўқитишдан ташқари дунёвий ва табиий фанлар: риёзиёт, хандаса, тиббиёт, тарих, жўғрофия, мухандислик, фалсафа каби фанларни ўқитишга ҳам алоҳида аҳамият қаратди. У мадрасаларда ўқиш ва ўқитиш ишларида том маънода ислоҳатлар ўтказди. Мирзо Улуғбек қурдирган расадхона, мадраса, кутубхона ўз даври учун тенги йўқ илмий марказ ролини ўйнади. 1437 йилда Мирзо Улуғбек расадхонада олиб борилган кузатиш ишларини якуни сифатида “Зижи жадиди Курагоний” (“Курагонийнинг янги астраномик жадвали”) асарини ёзди. Бу асар 1437 йилда ёзиб тугатилган бўлсада, унга муаллиф умрининг охирига қадар расадхонада бажарилган илмий-тадқиқот натижалари асосида тузатиш ва қўшимчалар киритиб борди. Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича “Улуғбек геометрия борасида Эвклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди”.

Аллома яратган “Зижи жадиди Курагоний” асари 4 қисмдан иборат бўлиб, унда астраномик жадваллардан ташқари математика ва алгебранинг турли соҳаларига оид масалалар ҳам кенг ўрин олган. Асар сўзбоши, назарий қисм, Зиж (жадваллар) ва астрологияга оид қисмлардан иборат 430 саҳифани ўз ичига олади. Сўз боши икки бетли бўлиб, унда расадхонанинг ташкил қилиниши ва Зижни тайёрлашда иштирок этган илм аҳллари ҳақида маълумотлар берилган. Назарий қисм эса тўрт мақоладан иборат. Биринчи мақола ўша даврда асосий тақвимлар ҳисобланган-Хижрий, Яздигард, Жалолоий, Хитой ва Уйғур тақвимлари ҳамда уларнинг биридан иккинчисига ўтиш ҳақидаги ҳисобларни ўз ичига олади. Сферлик ва амалий астрономия масалаларидан таркиб топган иккинчи мақолада ёритқичларнинг азимутларини, уларгача бўлган масофаларни, макка томонга йўналишларни аниқлаш ҳамда аҳоли яшайдиган жойларнинг жўғрофий узунлама ва

кенгликларини ҳисоблаш усуллари баён этилган. Учинчи мақола Қуёш, ой ва сайёраларнинг ҳаракат назариясига бағишланган бўлиб, уларнинг астрономик узунлик ва кенгликлар бўйича ўринларини аниқлаш ва у билан боғлиқ ҳодисалар, хусусан Қуёш ва ой тутилишлари ҳақида сўз боради. Ниҳоят тўртинчи мақола, унча катта бўлмай, бошқа астрономик масалалар ҳақидаги маълумот ва астрологияга оид жадваллар тузишга бағишланган.

Шундай қилиб 430 саҳифалик “Зижи жадиди Курагоний”нинг 5 фоизи юлдузлар жадвалидан иборат бўлиб, унда 1018 юлдузнинг ўрни ҳамда ҳолати аниқланиб берилган жадваллардан иборат. Улуғбекнинг астрономик жадвали ўша даврдаги шунга ўхшаш бошқа жадваллар орасида юксак даражадаги аниқлиги билан ажралиб туради. Чунончи, Улуғбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аниқ ҳисоб-китобларга солиштирсак, у бор-йўғи 1 минуту 2 сонияга фарқ қилади. Булар XV аср учун ғоят юксак аниқлик саналиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир. Асардаги жадвалларнинг қарийб 80 фоизи Қуёш, ой ва бешта сайёрага бағишланган.

Мирзо Улуғбек “Зижи жадиди Курагоний” дан ташқари “Тўрт улус тарихи” номли асар ҳамда мусиқа илмга оид рисоалар ҳам ёзган.

Мирзо Улуғбек Темурийлар салтанатининг олий ҳукмдори бўлиши билан бирга, замонасининг қомусий олими бўлишга эришди ва замондошларини ҳам бу йўл сари етаклади. XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астрономия илмининг ривожига Улуғбекнинг хизматлари беқиёсдир. Унинг зижи XVI асрда энг кенг тарқалган астрономик жадвал бўлган.

Мирзо Улуғбек ва унинг атрофига уюшиб Самарқанд расадхонасида меҳнат қилган олимларнинг илмий кашфиётлари ўз даврида Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср ва бошқа Шарқ мамлакатлари илм аҳллари томонидан эътироф этилган.

Мирзо Улуғбекнинг илмий меросини инглиз олими Т.Хейд, француз астрономи Ш.Даламбр, немис олимлари К.Петерс ва К.Броккелманлар атрофлича ўрганиб уни уни турли тилларда чоп эттирдилар. Юртимизда мустақиллик туфайли Мирзо Улуғбек кадр топди. 1994 йилда таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланди.

Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожига Алишер Навоий (1441-1501) алоҳида ўрин тутди. Алишер Навоий фан, адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига доир 40 дан ортиқ асар яратган ўзбек халқининг буюк мутафаккиридир. “Чор девон”, “Ҳамса”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муҳокаматул луғатайн”, “Мажолис-ун нафис”, “Лисон-ут тайр” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий борлиқ ва унинг моҳиятини давр диний-фалсафий нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда изоҳлайди. Унинг фикрича бутун борлиқнинг ягона моҳияти бордирки, у ҳам бўлса оллоҳдир. Унинг на аввали на охири бор. Навоий Оллоҳ мутлоқ борлиқдир, деб қарайди. У бутун мавжудотни, бутун коинотни ўз ичига олади. Унинг на чегараси, на тамом бўладиган нуқтаси бор. У ўлчовга сиғмайди. Табиат камолга эришган, қанча мумкин бўлса шунча гўзалликка эга бўлган худодир. Оллоҳ ваҳдати вужуддир.

Навоий фикрича, табиат ўзидан ўзи йўқдан бор бўлган эмас. У аввал имконият тарзида мавжуд бўлган, Навоий сўзлари билан айтганда у ниҳон эди, яъни ҳали воқеликка айланмаганди, “мавжи аён” этмаганди. Табиат узоқ жараён натижасида имконият ҳолатидан воқеликка айланган. Воқеликка айланган табиат доимо янгилашиш, ўзгариш, ривожланиш жараёнини бошдан кечиради, деб айтади. Бу ерда Навоийнинг борлиқ ҳақидаги диалектик фикрлашини кўрамиз. Шу билан бирга Навоий бу ўзгариш табиат, борлиқнинг моҳиятига тегишли эмас. Моҳият-яъни Оллоҳ ўзгармас, мутлоқдир, деб билади.

Навоий олами билиш масалаларида ҳам қимматли фикрларни билдирган. Инсон мавжуд нарсаларни ўзининг сезгилари, тафаккури орқали билади. У билишнинг ҳиссий ва ақлий томонларини бирликда тушунади. Бу катта амалий ва назарий аҳамиятга хос хулосадир.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳам катта аҳамиятга моликдир. У золим, мустабид, нодон, тадбирсиз, маишатпараст шоҳларни қоралайди. Уларга қарши ижобий шоҳ образини қўйиб, уларни гўзал фазилатли шоҳ сифатида тасвирлайди.

Навоий ижодида инсонпарварлик ғоялари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг айтган қуйидаги байтлари:

Одами эрсанг, демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами,- Навоий дунёқараши ва инсонпарварлигининг ўзаги ҳисобланади. Барча замонларда ҳам мутафаккирлар инсонни улуғлаб, унинг барча мавжудотлар орасида азизу-мукаррам эканлигини эътироф этганлар. Навоий ижодида бу мавзу алоҳида ўрин эгаллаганлиги таҳсинга сазовордир. Мутафаккир ўзининг фалсафий-дидактик мазмундаги “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхшиларнинг ҳайратланиши”) асарида инсонни жаҳондаги энг шарафли, каромат тожиги эга бўлган зот сифатида тасвирлайди. Оламдаги барча гўзал нарсалар, жаннатмакон боғлар, муҳаббат бахти инсон учундир, дейди.

Хулоса шуки, Навоий барча даврлар учун ўзининг халқпарварлиги, инсонпарварлиги ва илғор фалсафий ғоялари билан қадрли, буюк ва ардоқлидир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фаннинг тиббиёт, риёзиёт, хандаса, тарих, адабиёт, жуғрофия, педагогика, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик соҳалари кенг ривож топди. Тарих соҳасида Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий кабилар етишиб чиққан бўлса, адабиёт ва санъат соҳасида Лутфий, Жомий, Атоий, Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод ва бошқалар камолот чўққисига эришдилар.

Фалсафа, ахлоқшунослик, мантиқ илми соҳасида Саъдиддин Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Ҳусайн Воиз Кошифийлар ўзларининг баракали ижодлари билан мазкур илм соҳаларининг ривожига ҳисса қўшдилар.

Шундай қилиб, XIV-XV асрларда Марказий Осиёда маданий-маърифий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври ҳам деб атамоқдалар.

**4-масала.** Ўзбекистон фани ривожда 1943йил 4 ноябрда ташкил топган. Ўзбекистон фанлар академияси ва унинг таркибига кирувчи 30 дан ортиқ илмий тадқиқот муассасалари шу билан бирга Республика Олий ўқув юртлари қошидаги илмий тадқиқот бўлимлари муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Академия муассасаларида 5300 га яқин илмий ходим фаннинг турли йўналишларида илмий тадқиқот ишларини самарали суратда олиб бормоқда. Фанлар Академиясида “Геиотехника”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Ўзбекистон биология журнали”, “Ўзбекистон кимё журнали”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” ва бошқа илмий журналлар, “Фан ва турмуш” илмий-оммабоп журнал нашр этилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг табора ортиб бораётган талабаларидан орқада келаётган илмий-тадқиқот институтлари тугатилди. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Фан тузилмаси кескин ўзгарди. Чунончи маънавий фанлар ҳисобланувчи тасаввуф илми тикланди, ҳадис билимларига йўл очилди, зиёлилар, талабаларнинг руҳий дунёси анча бойиди, янги олий ўқув юртлари, университетлар ташкил қилинди. Илм аҳли чет элдаги олимлар билан мустақкам ижодий алоқалар ўрнатди. Бунинг натижасида табиатшунослик ва техника-технология фанлари жаҳон андозаси даражасига кўтарила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фаннинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида”ги қарори мамлакатимизда фанни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Республика олимларини хорижий мамлакатларига тажриба оширишга юборишга катта аҳамият берилди. 1992 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси ташкил этилиши Ўзбекистон фани ривожда муҳим босқич бўлди. Ҳозирги кунда Республика илмий-тадқиқот мажмуи академия, олий таълим ва бошқа тармоқлардаги 350 дан ортиқ муассасани, жумладан, илмий –тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларидаги илмий-тадқиқот бўлинмалари, лойиҳа конструкторлик ташкилотлари, илмий ишлаб чиқариши бирлашмалар ва тажриба корхоналари, ахборот-ҳисоблаш марказларини ўз ичига олади. Уларда 34 мингдан ортиқ илмий ходим фаннинг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 2400 киши фан доктори, 8400 киши эса фан номзодидир.

Мамлакатимиз олимлари замонавий фаннинг кўп йўналишлари бўйича муҳим ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жаҳон даражасидаги илмий мактаблар шаклланганлиги фан соҳасидаги катта ютуғимиздир.

Математика, эҳтимоллик назарияси табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, инфарматика, ҳисоблаш техникаси, математик статистика, дифференциал ва математик, физика, функционал таҳлил, астрономия, осмон ёриткичлари ҳаракати кимё, биология, физика ва бошқа

фан соҳалари бўйича қилинган ишлар фани ютуқлари сирасига киради. Минерал хом ашё ресурслари ҳосил бўлишига олиб келадиган геологик жараёнлар қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар, шунингдек, геофизика, сейсмология ва ер тўғрисидаги фаннинг бошқа соҳалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар тақсинга сазовар. Республика геологларининг ер қатламини геологик, геофизика ва геохимё нуктаи назаридан комплекс ўрганиш бўйича олиб борган ишлари Ўзбекистонда кучли минерал хом ашё базасини вужудга келтириш имкониятини яратди.

Қишлоқ хўжалиги, микробиология саноатини, атроф муҳит муҳофазасида илмий-техника тараққиётини таъминлашнинг зарур асоси ҳисобланган молекуляр генетика, ген хужайра инженерияси, биотехнология бўйича кенг кўламда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлар мажмуини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Республика ядро ва элементар зарралар физикаси радиоцион физика ва материалшунослик бўйича йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Янги релятивистик ядро физикаси илмий йўналиши шаклланди. Ўзбекистон ҳозирги вақтда радиацион материалшунослик ва гелиоматериалшунослик йўналишлари бўйича жаҳон миқёсида юқори мавқега эга. Ўзбекистонда юқори энергиялар физикаси бўйича илмий мактаб юзага келди. Бу мактаб доирасида юқори даражадаги ўта чидамли соф материалларни олиш, ейилишга ўта чидамли, иссиқбардош, коррозиябардош ҳамда қимматбаҳо конйрукцион материалларнинг ўрнини босиш хоссасига эга бўлган юқори ҳароратли материалларни ишлаб чиқишининг янги технологиясини яратиш бўйича илмий асос вужудга келди.

Энергиянинг ноанъанавий турини яратиш- қуёш энергиясини комплекс ва самарали энергияга айлантириши ҳамда ўзлаштириш бўйича ишлар фаол олиб борилмоқда. Фаннинг янги соҳаси нанотехнология бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Математика соҳасида Т.А.Саримсоқов, С.Ҳ.Сирожиддинов, М.С. Салоҳиддинов, Т.Ж.Жўраев, Ш.А.Аюпов каби математик олимларнинг илмий мактаблари шаклланди.

Физика соҳасида П.Қ.Қирғизбоев, С.А.Азимов, Р.Б.Бекжанов, У.О.Орипов ва бошқаларнинг илмий мактаблари иссиқлик физика, ядро физикаси, гелитехника, физик электроника, юқори энергиялар физикаси, қийин эрувчи материаллар физикаси, ярим ўтказгичлар физикаси соҳаларида самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кибернетика соҳаси бўйича В.Қ.Қобулов илмий мактаби алгоритмлаштириш, ҳисоблаш математикаси, сунъий тафаккур, биология ва тиббиёт кибернетикаси, ахборот назарияси, ҳисоблаш техникаси, техника кибернетикаси, лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари, иқтисодий кибернетика ва бошқа йўналишларда муҳим илмий натижаларга эришилди.

Қурилиш ва механика фанлари соҳасида М.Т.Ўразбоев илмий мактаби вакиллари зилзилабардош бинолар, сув тўғонлари барпо этишнинг илмий асосини ишлаб чиқишда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда топилган темирчилик, чўян, шиша, сопол буюмлари халқимизнинг қадимдан кимёга оид масалалар билан шуғулланганлигини кўрсатувчи ашёвий далил ҳисобланади. Кимёвий моддалардан фойдаланиб тайёрланган безаклар, қоғозлар ёзувлар, эфир мойлари, сурма, ўсимликлардан тайёрланган дори – дармонлар ва бошқалар бунинг исботи саналади. Ўтра асрларда ал-кимё ривож топди. Бунда Закариё ар Розий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар ўз хиссаларини қўшдилар.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда кимё фани тез ривожлана бошлади. 1930 йилда Ўрта Осиё университети қошида кимё факультетининг ташкил этилиши бундан кейинги даврларда кимё фанининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Бу даврда дикетоэфирлар реакциялари, газ реакциялари кинетикаси, электр кимёси, табиий ва синтетик коллонд системалари, алкиллаш реакциялари, чигитдан мой олиш, Ўзбекистон корхоналари учун зарур бўлган, арзон маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги учун керакли ўғитларни олиш ва янги технологик тизимлар яратиш каби масалалар устида илмий изланиш ишлари олиб борилди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб кимё йўналиши бўйича илмий текшириш институтларида пахта, полимерлар, пластмасса, ўғит, нефт, газ, газ конденсати, алколоидлар, силикатлар ва бошқа минерал хом ашёлар устида кенг кўламда тадқиқот ҳамда таҳлил ишлари олиб борилди. Ўзбекистон академик олимлари О.С.Содиқов, С.Ю.Юнусов, Ҳ.У.Усмонов, К.С.Аҳмедов, М.Н. Набиевларнинг илмий ишлари дунё миқёсида тан олинди, инглиз, француз, рус, немис ва бошқа тилларга таржима қилинди.

Ҳозирги кунда кимё фанининг қуйидаги соҳалари бўйича йирик тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

**Физик кимё** - йўналишида чигитдан мой олиш, ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлаш ва хушбўй моддалар ажратиш олиш, аммиак синтези, электр капилляр ҳодислари, катализ, реакциялар кинетикаси, юқори октан ионига эга ёқилғилар олиш ва уларни ичдан ёнар двигателларда ишлатишда юз берадиган реакциялар механизмини аниқлаш, фенолнинг ацетон билан конденцияси ва бошқа соҳаларда илмий ишлар олиб борилмоқда. Физик кимё соҳасида институтимиз олимлари Ҳ.Р.Рустамов, Ф.Қ. Қурбонов ва бошқаларнинг ишлари республикамиз кимё заводларида ва халқ хўжалигида қўлланиб келмоқда.

**Органик кимё** - йўналишида тўйинмаган бирикмалар, эфирлар, металл катализаторларнинг таъсир механизми, металлларнинг галогенли тузларидан алкиллаш реакцияларида катализаторлар сифатида фойдаланиш, физиологик фаол моддалар синтези, феноллар ва уларнинг эфирлари алкилланди, органик бирикмаларнинг карбонилланиш реакциялари, альфа-фенил-винилфосфон кислоталарнинг полимерланиш реакциялари, декарбоксиллаш, декарбонсиллаш, гидрирлаш, карбонводородларни олтингугуртсизлантириш, полимерланиш ва бошқа реакциялар учун катализаторлар ишлаб чиқиш, ацетилнинг азотли бирикмалар билан катталик реакциялари, ацетонитрил, пиридин асослари ва улар ҳосилалари синтези, ацетокси этиланидларнинг аммиак, анилин, фенол, спирт ва сув

билан реакциялари ва бошқалар ўрганилиши йўлга қўйилган. Олинган натижалар кимё, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фармацевтика ва бошқа соҳалар учун хом ашё бўлиши тажрибаларда кўрсатилди. Ёғлар таркибидаги тўйинган ва тўйинмаган органик кислоталарни ажратиш олиш, уларни гидрирлашга оид муаммолар, совун олиш ацетилен асосида турли синтезларни амалга ошириш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Органик кимё соҳасида институтимиз олимлари А.Б.Қўчқоров, А.Б.Аловутдинов, Қ.Аҳмедов, Д.Юсупов, С.М.Туробжонов, А.Икромов ва бошқалар самарали тадқиқотлар олиб борган.

**Юқори молекулали бирикмалар кимёси** - соҳасида Х.А.Усмонов, М.А.Асқаров каби олимлар билан бир қаторда институтимиз олимлари Т.М.Миркомиллов, Т.А.Абдурашидов, Ф.А.Маърупов, А.Т.Жалилов, Р.Рўзиевлар халқ хўжалиги ва саноат тармоқлари учун зарур бўлган соҳалар пахта целлюлозаси кимёси, унинг физик кимёвий хоссалари, уларнинг тупроқ структурасига, об-ҳаво шароитига, намгарчилик омилларига боғлиқлиги, полимерлар кимёси ва физикаси, композицион материаллар яратиш, полимер гидрофил қопламалар, тиббиёт эҳтиёжлари учун зарур бўлган физиологик фаол синтетик полимерлар синтези, сувда ўта бўқувчи гидрогеллар синтези бўйича муҳим тадқиқот ишлари амалга оширилди ва олинган натижалар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланиб келинмоқда.

**Табий бирикмалар кимёси** - йўналишида ўсимликлар таркибига кирувчи моддалар ўрганилиб, улардан 500 дан ортиқ алколоид ажратиш олинишга эришилди. Ўсимлик оксиллари кимёси ўрганилиши кенг йўлга қўйилди. Таркибида мой сақловчи ўсимликлар ўрганилиб 160 га яқин ўсимликлар данак (мағиз) ларидан олинган мойлар тадқиқ қилинди. Ғўзапоя ва унинг баргларида ажратиш олинган моддалар- полифеноллар, ошловчи моддалар, органик кислоталар, витаминлар, карбонсувлар хоссалари ўрганилиб ҳаётга тадбиқ этилди. Бу борада дунё тан олган С.Ю.Юнусов, С.И.Искандаров ва бошқалар фаол иш олиб бордилар.

**Каллоид кимёси** йўналишида табиий газ, газ конденсати, саноат чиқиндилари ва бошқа маҳсулотлардан анион, катион, сирт-фаол моддалар, полиэлектролитлар олиш йўллари топилди.

Ноорганик кимё, аналитик кимё, биоорганик кимё, ўғитлар кимёси ва технологияси, кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари, кимё саноатини автоматлаштириш йўналишларида ҳам кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Олинган натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу борада М.Н.Набиев, Н.А.Парпиев, Н.Р.Юсупбеков, Ҳ.Р.Раҳимов, З.С.Салиҳов каби олимлар билан бир қаторда институтимиз олимлари Ф.М.Мирзаев, Т.А.Отақўзиев, Ф.Ҳ.Тожиев, Р.И.Исматова, А.Ҳ.Исмоилов, А.М.Эминов, А.А.Исмамов, Ҳ.С.Нурмухамедов, П.Р.Исматуллаев, А.Ортиқов ва бошқалар самарали ишлари билан ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мустақиллик йилларида биокимё, генетика, қишлоқ хўжалиги, зоотехника, тиббиёт ва фалсафий, ижтимоий-гумонитар, педагогика ва

психология, тарих, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, ўзбек тилшунослиги, санъатшунослик ва бошқа фан соҳалари янги ривожланиш босқичига ўтди.

#### **4-МАВЗУ: ФАНЛАРНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.**

##### **РЕЖА:**

1. Метод ва методология тушунчаси.
2. Фалсафий методология ва илмий билиш.
3. Тадқиқотнинг умумилмий методлари.
4. Илмий билиш шакллари.

**1-масала.** Ҳар бир фан соҳасида илмий изланишлар олиб боровчи тадқиқотчи объектни ўрганишга киришар экан, ўрганаётган предмет ва ҳодиса ҳақидаги билимларга бирданига эриша олмайди. Бунинг учун у бу предмет ёки ҳодиса устида маълум давр мобайнида тинмай турли хил йўллар, усуллар ва воситалардан фойдаланади, руҳий ва ақлий жараёнларни кечиради. Шу тариқа ўзи ўрганаётган предмет ва ҳодиса ҳақида янги билимларни ҳосил қилади. Тадқиқотчининг ўз тадқиқоти жараёнида янги билимларга эришиши учун қўллайдиган турли хил усул ва йўллари, воситалари илмий билишнинг методлари дейилади.

Метод-юнонча “методос” сўзидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржимада бирор нарсага олиб борадиган йўлни англатади. Оламни билишга нисбатан қўлланилганда билишнинг йўли, усули демакдир. Илмий билишнинг методлари тадқиқотчининг тадқиқот объектини билиши учун қўллаган амалий ва назарий фаолият усуллари дир. Илмий билишда методларнинг вазифаси тадқиқотчи ўрганаётган предмет ёки ҳодиса ҳақида, унинг табиати ва моҳиятини, уларни ифодалайдиган қонун ва қонуниятларни очишда ёрдам беришдан ва шу асосда тадқиқотнинг муваффақиятли бўлишини таъминлашдан иборат. Илмий тадқиқотнинг муваффақиятли бўлиши тадқиқотчининг ўз илмий изланиш ишларида тўғри танланган методга боғлиқ. Аксинча, нотўғри танланган ёки нотўғри қўлланилган методлар тадқиқотчини ўз илмий изланишларида боши берк кўчага киритиб қўйиб, тадқиқотнинг муваффақиятсиз, самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин.

Тўғри танланган илмий билиш методлари илмий изланишларда тадқиқот йўлини ёритувчи машъал, маёқ саналади.

Илмий билиш методларини ўрганиш фалсафада методологиянинг пайдо бўлишига олиб келди. Методология-юнонча “методос” ва “логос” сўзларидан ташкил топган бўлиб метод ва таълимот деган маъноларни ифодалайди, яъни методлар ҳақидаги таълимотдир. Қисқача айтганда методология илмий билиш методлари ҳақидаги фалсафий таълимотдир. Методология тушунчаси фалсафада кўп маънолидир. У бир ўринда борликни илмий билиш ва ўзгартиришнинг методлари ҳақидаги назарияни ифодаласа, иккинчи ўринда у бутун илмий билиш методларининг йиғиндиси маъносини ифодалайди. Учинчи ўринда эса, методология тушунчаси инсонни борликни



илмий билиш ва ўзгартиришнинг энг умумий методи маъносида қўлланилади. Фан методологияси эса илмий билишнинг табиатини, унинг генезисини, тарихини ва ҳозирги ҳолатини, илмий билишнинг ҳаққонийлиги асослари ва мезонларини ўрганади.

Шундай қилиб илмий билиш методлари-бу объектни ўрганишнинг асосланган изчил усуллари ва қоидаларидир. Метод-энг умумий маънода тадқиқотчининг мақсадга эришиш усули, илмий тадқиқот ва амалий ҳаракатнинг муайян тизимга солинган принциплари йиғиндисидир.

**2-масала.** Оламдаги ўзгариш, ривожланиш, умумий алоқадорлик ва тараққиётнинг қай тарзда амалга ошиши, қандай содир бўлиши каби масалалар ҳам фалсафанинг азалий муаммолари қаторига киради. Фалсафада ана шу муамоларга муносабат ва улар билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга қараб фарқланадилар бир неча таълимот, қараш, методлар бор. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика, догматика кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг тарихи ниҳоятда узоқ бўлиб, Антик Юнонистон ва Рим давридан бошланади. Кейинги йилларда синегергетика, тизимлилик, глобал эволюционизм, тарихийлик ва бошқалар ҳам фалсафий метод ва таълимот сифатида талқин этилмоқда. Юқорида қайд этилган фалсафий методлар кишиларга олам қонуниятларини тушунишга ёрдам беради. Фалсафий методология бутун борлиққа тегишлилиги билан ажралиб туради. Энди шулар ҳақида қисқача фикр юритамиз.

**Диалектика** – грек тилида баҳс, суҳбатлашиш санъати деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар.

Ҳозирги даврга келиб диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, тараққиёт ва ривожланишда деб тушунишдир. Унга кўра оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат йўналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадорликда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён бўлади.

**Метафизика** – грекча сўз бўлиб, луғавий маънода “физикадан кейин” деган мазмунни ифодалайди. Бу тушунча, фалсафа тарихида биринчи маротаба Қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи Аристотельнинг “Илк фалсафа” деб аталган асарларига нисбатан ишлатилган. Кейинчалик диалектикага қарама-қарши метод деб талқин этиб келинди. Метафизика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига диққатни кўпроқ қаратадиган усулдир (методдир). Воқеа ва ҳодисаларни, рўй берадиган жараёнларни доимий ўзгариш ҳолатида ўрганиш қийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўргармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар...

Метофизик усулнинг ҳам ҳаётда, илмий изланишларда ва фалсафий тадқиқотларда ўз ўрни бор. Бу ҳалигача бизда ўрганилмаган.

Эндиликда метофизикани диалектикага бутунлай қарама-қарши қилиб қўйиш ва улар ўртасидаги фарқни мутлоқ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас...

**Софистика-** юнонча сўз бўлиб, атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ўзи учун маъқул хулосалар чиқариш усули. Қадимги юнон фалсафасида бирон-бир хунарни ёки бирон-бир билим соҳасини мукаммал эгаллаган кишилар софистлар деб аталган бўлса, ўрта асрларга келиб нотиклик, донишмандлик, билимдонлик билан ном чиқарган кишилар ҳам, турли омоним сўзлар асосига қрилган турли фикрлар билан кишилар бошини қотирадиган, устаомонлик билан улар фикрларини чалғитадиган кишилар ҳам софистлар, деб аталабошлади.

Шундай қилиб, сафистика муҳокама жараёнида билиб туриб, атайлаб ёлғон асослардан ёлғон хулосалар чиқариб, унга кишиларни ишонтириш усулидир. Шу сабабли Фаробий софистикани “ёлғондакам донолик” деб изоҳлайди. Сафистика усули ҳақиқатни атайлаб бузиб, ёлғон фикрни ҳақиқат деб кўрсатишдир.

**Эклектика-** юнонча сўз бўлиб, турли қарама-қарши назария ва қарашларини аралаш – қуралаш қилиб юборувчи тафаккур усули. Бу усул ҳам дастлаб антик юнон фалсафасида юзига келган.

**Догматика-** юнонча сўз бўлиб, ўзгармас, қотиб қолган, ақида маъносини билдиради.

**Синергетика-** ҳам ҳозирги даврда оламни билишнинг умум фалсафий усули сифатида тан олинмоқда. У асосан XX асрнинг 2-ярмида шаклланган таълимот бўлиб, унинг асосчиси Нобель мукофатининг совриндори Н.Пригожиндир. Синергетика- оламнинг ўз-ўзини ташкил этиш, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуи.

Ўз-ўзини ташкил қилиш деганда материянинг, борлиқнинг эволюция натижасида ўз-ўзича мураккабланиб бориши натижасида мураккаброқ таркибан тузилишга эга бўлишни тушунилади.

Синергетика - мураккаб тизимни бошқаришда нималарга суяниш кераклигини, уни самарали бошқариш ўз-ўзини ташкил қилиш асосида бориши кераклигини уқтиради.

Ҳозирги кунда оламни ўрганишда тизимлилик методидан ҳам фойдаланишга аҳамият берилмоқда. **Тизимлилик методи** деганда фанда фундаментал қонуниятга асосланган ҳолда текширилаётган объектни қайта тиклаб уни тартибли деб қарашдир.

Тизимлилик методи асосида элементларини бирлашуви уларнинг жиддий, муҳим алоқадорлиги кўрсатилади. Бир бутун тизимда мавжуд бўлган нарсалар ўзаро алоқада бўлади. **Масалан:** Инсон- биосфера-Ер планетаси-куёш тизими- галактика ва бошқалар ўртасидаги муносабат бунга мисолдир. Олам ва ундаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан тизимли қараш XX асрнинг 50-60 йилларида кенг тарқалди. Натижада оламдаги барча нарса ва жараёнларга нисбатан тизимли қараш юзага келди. Социал, биологик,

механик тизимлар. Ана шу тизимларнинг ривожланишида глобал эволюционизм методининг аҳамияти катта.

**Глобал эволюционизм** - бутун борлиқ, коинот, ундаги катта – кичик тизимлар ривожланиш, эволюция натижасидир деб қарайдиган методдир. Эволюция ғояси XIX асрда яратилган Ч. Дарвиннинг турларининг келиб чиқиши тўғрисидаги таълимотида ўз ифодасини топган бўлсада ноорганик дунёга, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилмаган эди. Эндиликда социал ҳаётда, физика, кимё, геология ва бошқа соҳаларда эволюция ўз ўрнини топди.

Оламдаги, бутун борлиқдаги нарса ва ҳодисалар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини ўрганишда бошқа методлар билан биргаликда тадқиқотчи тарихийлик методига ҳам аҳамият бериши талаб этилади. **Тарихийлик** умумий фалсафий метод сифатида ҳар қандай ўрганилаётган жараён давомлиги, ҳозирги билан яқунланмаганлигини билдириб, бу жараён борлиқнинг ҳар қандай илмий манзарасига таалуқли эканлигини билдиради. Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги инсоният эришган илмий билимлар илгари тарихий давр яратган қарашлар, билимлар давомидир. Тарихийлик- ўрганилаётган объектнинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва емирилиш жараёнлари бирлигин, унинг тарихий тараққиёт жараёнида бошқа воқеалар билан алоқадорлигини назарий билишга қаратилган усулдир. Тарихийлик методи борлиқдаги барча жараёнларнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш билангина чекланмай, балки бу жараёнларнинг келгуси йўналишини аниқлаб олишга ҳам ёрдам беради.

Шундай қилиб, оламдаги нарса ва ҳодисаларни илмий ўрганишда қўлланиладиган фалсафий методлар дунёнинг умумий илмий манзарасини ўрганадиган, у ҳақда илмий билимлар берадиган методлардир. Воқелик нарса ва ҳодисаларини ўрганиш жараёнида уларни тафаккурда қайта ҳосил қилиш усулидир.

**3-масала.** Методологияга кўра илмий тадқиқотларда қўлланиладиган методлар бир-бирларидан ўз табиати, характери, қўлланиш соҳалари, қўлланиш кўлами, даражалари жиҳатидан фарқ қиладилар. Аввало улар бир-бирларидан илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражаларига боғлиқлиги жиҳатидан фарқ қиладилар. Шу билан бирга ўз қўлланиш кўламига кўра илмий методларнинг баъзилари ҳамма илмий тадқиқотларда қўлланилса, бошқа бир хиллари кўпчилик фан соҳаларида олиб бориладиган тадқиқотларда, айримлари эса алоҳида, айрим фан соҳаларида олиб бориладиган тадқиқотлардагина қўлланилади.

Тадқиқотнинг умумилмий метод ва усуллари тузилмасида фан методологиясида кўпинча қўлланиш, фойдаланиш даражасига кўра методлар куйидаги уч даражага ажратилишини кўришимиз мумкин:

- **Эмпирик тадқиқот методлари:** кузатиш, эксперимент, таққослаш, тавсифлаш, ўлчаш ва бошқалар.

- **Назарий билиш методлари:** фармаллаштириш, аксиоматик метод, гипотетик- дедуктив метод, мавҳумдан конкретликка юксалиш ва бошқалар.

-Тадқиқотнинг умумий мантикий методлари ва усуллари: анализ ва синтез, мавҳумлаштириш, моделлаштириш, анология, системали ёндошув, структуравий –функционал метод, эҳтимолий статистик метод ва бошқалар. Илмий билиш методларининг хилма-хил ва кўп бўлиши инсоннинг дунёни билиб олиш имкониятларини янада кенгайтиради ва уни чуқурроқ билишга имкон яратади.

Энди юқоридаги тадқиқотнинг умумилмий методларининг баъзиларининг ўзига хос жиҳатларини кўриб ўтамиз. Субъектнинг, хусусан тадқиқотчининг ўзи ўрганаётган объектни, унинг томонлари, сифатлари ва хоссаларини билиши икки даражада –эмпирик ва назарий даражаларда содир бўлади. Воқеликнинг ҳодисалари ва жараёнларини билиш жараёнида тадқиқотчининг тафаккури ҳодиса ҳақида дастлабки таассурот ҳодисани ҳиссий идрок этишдан ҳодисанинг асослари ва моҳиятини янада теран, чуқур тушуниш сари ҳаракат қилади. Амалда бу тадқиқотчининг билиш фаолияти дастлаб эмпирик даражада бошланиши, шундан кейингина кўриб чиқиладиган объектнинг моҳиятини билишнинг назарий даражасида илмий умумлаштириш ва тушунтириш босқичга кўтарилишини англатади.

Тадқиқотнинг эмпирик даражаси бевосита ўрганиладиган объектга йўналтирилади ҳамда кузатишлар, тажрибалар ва экспериментларнинг натижаларига таянади.

**Эмпирик билиш кузатишдан**, яъни тадқиқотчининг ташқи оламни махсус анализдан ўтказилган, мақсадга мувофиқ ва анланган тарзда, изчил идрок этишдан бошланади. Кузатиш объект, унинг томонлари ва хоссалари ҳақида дастлабки, «хомаки» маълумот беради. Илмий тадқиқот кузатишлардан бошланади. Кузатувчи тадқиқотчи мўлжалланган кузатиш объекти ҳақида аниқ ва қатъий тасаввурга эга бўлиши, бор диққатини объектни кузатишга қаратиши, ишга ижодий ёндошиши, кузатувчи режалаштириш ва уни амалга оширишда ўзининг бор маҳорати ва истеъдодини ишга солиши керак. Масалан, космик объектлар, қуёш тутилиши, юлдузлар, астероидлар ва шу кабиларни ўрганишда кузатувчи телескоп билан қуролланиши, микроблар, вируслар, бир ҳужайрали организмларни, кимёвий моддаларнинг молекулаларини кузатиш учун эса микроскоп ва бошқа замонавий техник воситалардан фойдаланиши шарт.

**Кузатиш**- илмий билишнинг шундай бир методидирки, бунда тадқиқотчи ўзи текширадиган объектнинг тузилиши ва ривожланишига аралашмайди. У тадқиқот объекти мавжуд бўлган шароитларни ўзгартирмайди, унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Асбоб ва турли хил илмий техник мосламалар ва механизмлар тадқиқотчига кузатишларида ёрдам беради, кузатиш доирасини кенгайтиради.

Кузатишнинг илмий билиш методи сифатида афзаллиги шундаки, у ўрганиладиган объектнинг анча объектив манзарасини бериши мумкин. Кузатиш объекти тадқиқотчи кузатувчига ўзининг барча хоссалари ва сирларини ошкор этишга интилмайди. Шунинг учун тадқиқотчи кузатиш жараёнида янги, қизиқарли ва ҳали билинмаган нарсани кўриш учун ўз ақл-идроки, хотираси, интуицияси ва сезгисининг бор ижодий имкониятларини сафарбар этиши лозим. Илмий кузатиш- бу тадқиқотчи учун чинакам ижод,

хақиқий маҳорат ва санъат ҳисобланади. Кузатиш жараёнида тадқиқотчининг фаолияти икки ёклама хусусият касб этади: биринчидан у объектга нисбатан пассив, иккинчидан эса кузатиш жараёнини ташкил этиш, бунинг учун мувофиқ шарт-шароитлар яратишга нисбатан фаол, ижодий бўлади.

Шундай қилиб, кузатиш—бу ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдаги маълум объектни табиий шароитда у қандай бўлса, шу ҳолича диққат билан, белгиланган вақт ичида, маълум мақсад асосида кўздан кечириб бориш, олинган маълумотларни қайд этиб боришдан иборат илмий билиш жараёнидир.

Эксперимент- эмпирик билишнинг муҳим жиҳати бўлиб, у сунъий яратилган шароитда олиб бориладиган кузатишдир. Эксперимент-тадқиқотчининг ўрганилаётган жараёнга фаол ва изчил аралашishi, экспериментнинг мақсадларига мувофиқ махсус яратилган ҳамда назорат остига олинган шароитларда тадқиқ қилинаётган объектни тегишли тарзда ўзгартириш ёки уни акс эттиришдир. Тажриба ва экспериментлар жараёнида тадқиқотчи экспериментал мосламаларда илмий тадқиқот мақсадларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни онгли равишда яратади, моделлаштиради, ўрганилаётган ҳодисанинг оқимини мақсадга мувофиқ ўзгартиради ва мазкур тажриба учун зарур йўналишга буради. Эксперимент тадқиқотчига билиш учун кузатишга қараганда кенгроқ имкониятлар очади. Тадқиқотчи эксперимент ўтказиб, объектга дадил ва ижодий ёндошиб, тажриба объектини теран тушуниб етади, унинг хоссаларини ва объект мавжуд бўлган муҳитни ўзгартиради.

Эксперимент кузатиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, у кузатишсиз мавжуд бўлмайди, улар бир-бирларини тўлдиради. Кузатиш ва эксперимент методлари асосида тўпланган фактлар, маълумотлар илмий билишнинг эмпирик даражасини ҳосил қилади.

Экспериментларнинг турлари жуда хилма-хилдир. Вазифаларига қараб эксперимент тадқиқот- қидириш, текшириш-назорат ва акс эттиришга бўлинади. Ўрганилаётган объектларнинг хусусиятига нисбатан физик, кимёвий, биологик, ижтимоий ва ҳоказо экспериментлар бўлади.

Кузатишлар, тажрибалар ва экспериментлар жараёнида олинган объект ҳақидаги маълумотлар пухта қайта ишланади ва саралаб олинади. Шундан сўнг олинган маълумотларни тавсифлаш босқичи бошланади.

Тавсифлаш турлари хилма-хил бўлиб, ҳар бир фан ўз тавсифлаш турларига эга. Бунда ҳар бир фан ўз тушунчалар аппарати ва методологиясига таянади. Тавсифлаш ўрганилаётган объектнинг хоссаларини тизимга солиш ва туркумлашни назарда тутаяди. Бундан эмпирик даражада олинган илмий маълумотларни яхшироқ ва теранроқ тушуниб этиш мақсади кўзланади. Тизимга солиш деганда, масалан, батаникада ўсимликларнинг хоссаларини, кимёда кимёвий элементларнинг хоссаларини, микроолам квант физикасида элементар зарраларнинг хоссаларини тартибга солиш тушунилади.

Шундан сўнг объектнинг тавсифланган хоссалари ва белгилари туркумланади. Туркумлаш тавсифлаш усули сифатида воқелик ҳақида оддий тизимга солишга қараганда кўпроқ билим беради.

Хулоса шуки, эмпирик тадқиқот методлари ҳеч қачон «кўр-кўрона» амалга оширилмайди, балки ҳар доим назарий жиҳатдан белгиланган, маълум концептуал ғоялар ва мақсадлар билан йўналтирилган бўлади.

Назарий билиш мақсади ўрганилаётган объектнинг қонуни, қонуниятларини очиб беришдир. Илмий экспериментларнинг натижаларини тавсифлаш, тушунтириш, талқин қилиш назарий умумлаштиришларга олиб боради, билишни ҳодисаларни кузатишдан уларнинг моҳиятини тушуниб етиш ва анализдан ўтказишга йўналтиради.

Назарий билиш методларидан бири-формаллаштириш ва моделлаштириш саналади. Фомаллаштириш - бу текширилаётган предмет ёки ҳодисаларнинг маълум конкрет томонлари, хосса ва хусусиятларининг мазмунини мавҳумлаштириб, уни маълум абстракт ифода, формула, белги ёки схемалар билан ифодалашдир. Мазкур метод ёрдамида тадқиқ этилаётган объектлар ўртасидаги алоқадорлик, уларнинг муносабатлари маълум ифодаларда белгиланади. Масалан алгебрада математик ифодалар:  $a+b$ ;  $a < b$ ;  $a^2+2ab+b^2$ ; кимёда  $H_2O$ ;  $H_2SO_4$  ва бошқалар. Миқдорий муносабатларнинг формаллаштирилган кўринишларидир.

Формаллаштирилиш усули энг кўп даражада математика, физика, кимё, инженерлик ва техника соҳаларида олиб бориладиган тадқиқотларда қўлланилади. Формаллаштириш усули ўз навбатида моделлаштириш усули билан чамбарчас боғлиқдир.

Моделлаштириш дастлаб математика фанларида юзага келган бўлиб, ҳозирги вақтда физика, биология, кибернетика каби кўпчилик фанларда олиб бориладиган тадқиқотларда кенг қўлланиб келинмоқда. Моделлаштириш усули ўрганилаётган объектнинг тузилиши ёки функциясига кўра унга ўхшаш, лекин унинг ўзи эмас, унинг нусҳасини яратиб, шу нусҳа орқали ҳақиқий объектнинг тегишли хосса ва хусусиятларини ўрганишдир. Илмий билишда бу усулнинг вазифаси текширилаётган предмет ёки ҳодисани бевосита, оригиналда ўрганиш иложи бўлмаган пайтда унинг оригиналлигига ўхшаш, унга мос моддий ёки фикрий нусҳасини, яъни моделини ясаб, шу модел асосида оригинални ўрганишдан иборатдир. Моделлаштириш усули ўрганилаётган объектда юз берадиган жараёни унинг нусҳасида бевосита тадқиқ қилиш имконини бериш билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Моделлаштириш ва моделнинг ўзига мисол қилиб, биз глобусни олишимиз мумкин.

Моделлаштириш кўп босқичли жараёндир. Унинг биринчи босқичи моделни қуришдир. Қурилган моделнинг оригинал билан мослигини аниқлаш моделлаштиришнинг иккинчи босқичидир. Моделлаштиришнинг учинчи босқичи-бу модел асосида ҳосил қилинган билимни оригиналга нисбатан татбиқ қилишдир. Моделлаштиришнинг охириги босқичи эса бу модел орқали эга бўлинган янги билимнинг ҳақиқатлигини аниқлашдир.

Илмий билиш жараёнида ҳар хил моделлар қўлланилади. Ўз табиатига кўра бу моделларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Улар: 1. Моддий моделлар; 2. Фикрий моделлар.

Моддий моделлар- булар моддий жисмлардан қилинган моделлардир. Фикрий моделлар эса тил белгилари, тилдаги символлар, ҳар хил кодлар,

ЭХМ дастурлари ва бошқалардир. Мазкур усул илмий тадқиқот жараёнини енгиллаштиради, объектнинг ўзини бевосита тадқиқ этиш мумкин бўлмаган, қиммат ва қийин бўлган, жуда узоқ вақт талаб қиладиган ҳолатларда моделга эҳтиёж пайдо бўлади.

Шундай қилиб, моделлаштириш методида объект ўрнига унинг модели ўрганилади.

Ҳозирги замон иқтисод назариясида бозорнинг ривожланиши, талаб ва таклиф, товарнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракатланиши ва ҳаказоларнинг сифат жиҳатидан ҳар хил моделларидан фойдаланилади. Шу асосда Америка, Швеция, Япония, Гонгконг, Сингапур, Тайван, Жанубий Корея сингари индустриал мамлакатларнинг иқтисодий моделлари шаклланди.

Жумладан Америка модели тадбиркорнинг шахсий ташаббусини рағбатлантириш, унинг ижодкорлиги, таваккалчилиги ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида кескин рақобат, омманинг меҳнатининг юксак даражада унумдорлиги ва бунинг натижаси ўлароқ, юксак турмуш даражасига эришишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бунда иқтисодий ривожланишда минимум ресурслар ва максимум малака талаб қилувчи энг янги технологиялар амалга жорий қилинган соҳаларни ривожлантиришга устувор аҳамият берилади.

Шведча «аралаш» иқтисод модели эса кучли ижтимоий сиёсат билан бошқа моделлардан ажралиб туради. Бунда жаъми мулкнинг атиги 4 % ига эгаллик қилувчи давлат миллий даромаднинг қарийб 70 % ини давлат бюджети орқали қайта тақсимлайди, давлат ҳаражатларининг ярми эса ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида бозорга ўтишнинг беш тамойилига асосланган «ўзбек модели» ижодий ишлаб чиқилган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди мазкур моделнинг негизини ташкил этади. Бу модел бутун жаҳонда ялпи эътироф этилди ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

Назарий билишда яна аналогия, аксиоматик, гипотетик-дедуктив, мавҳумдан конкретликка юксалиш ва бошқа шу каби методлардан ҳам фойдаланилади.

Илмий билишнинг мантиқий методлари- индукция ва дедукция, анализ ва синтез, мавҳумлаш ва умумлаштириш ва бошқалар умумилмий методнинг таркибий қисми саналади.

Индуктив метод ёки индукция илмий билишнинг шундай усулики бунда тадқиқотчи ўз тафаккурида ўрганилаётган предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги айрим билимлардан умумийроқ билимларни ҳосил қилади. Илмий билишнинг мазкур методи инглиз файласуфи, фалсафада эмпиризм методининг асосчиси Ф.Бэкан томонидан кенг ривожлантирилди. Индуктив методнинг моҳияти хусусий фикрлардан умумий фикр чиқаришга асосланади.

Ф. Бэкондан фарқли ўлароқ, француз файласуфи ва фалсафада рационализм методининг асосчиси Р.Декарт илмий билишда дедуктив методни ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. Дедуктив методнинг моҳиятини умумий илмий билимлардан хусусий билимларни келтириб чиқариш ташкил

этади. Бинобарин дедукция илгари олинган умумлаштирувчи билимлардан янги билимларни мантикий келтириб чиқаришдир.

Индукция ва дедукция ўзаро боғланган ҳамда бир-бирини тўлдирувчи умумфалсафий ва умумилмий методлар саналади. Илмий тадқиқотларнинг барча босқичларида фойдаланиладиган умумилмий мантикий методлари сирасига анализ ва синтез киради.

**Анализ** - бу бир бутунни қисмларга, бўлақларга, томонларга, элементларга ажратиб, уларнинг ҳар бири нима эканлигини билишдир. Анализ усули орқали бутунни ташкил этган қисмлар, томонлар, бўлақлар, элементлар, уларнинг бутун таркибидаги ўрни аниқланади. Анализ орқали предмет ва ҳодисаларнинг структураси, тузилиши ўрганилади.

**Синтез** - бу предметнинг билинган томонлари, белгилари, хоссалари ва ҳоказоларни фикран бирлаштириш ва шу орқали уларнинг бутун билан бўлган алоқа ва боғланишларини билишга қаратилган методдир.

Анализсиз синтез, синтезсиз эса анализ бўлмайди. Синтез анализ натижаларини умумлаштиради. Кимёвий жараёнларни ўрганишда анализ ва синтезнинг ўрни ва роли каттадир.

**4-масала.** Илмий билиш методологиясини ўрганишда илмий билишнинг шакллари ҳам билиб олишнинг аҳамияти катта. Зотан илмий билиш метод ва методологияси ва илмий билиш шакллари ўзаро боғланган. Хусусан тадқиқотчи ўзи тадқиқ этаётган объектларни ўрганишда илмий билишнинг турли методларидан фойдаланиш асосида маълум янги билимларни ҳосил қилади. Бу янги билимлар ўзларининг пайдо бўлишидан то назарий билимлар тизимлари- фанларга кириб келишигача, ҳар хил кўринишларда бир қанча тараққиёт босқичларини босиб ўтади. Илмий тадқиқотлар асосида пайдо бўлган янги билимларнинг ривожланишидаги турли кўринишдаги бу босқичлар илмий билишнинг шакллари дейилади. Илмий билишнинг бундай шаклларининг асосийлари илмий ғоя, муаммо, гипотеза, назария ва илмий башорат ва бошқалардан иборат. Энди шулар ҳақида қисқа тўхтаб ўтамиз.

**Илмий ғоя-** илмий билишнинг дастлабки биринчи шаклидир. Ғоя –бу тадқиқот мақсадини, унинг йўналиши ва моҳиятини ифодалайдиган илмий билиш шаклидир. Ғоя ўз табиатига кўра олиб борилаётган тадқиқот объекти ҳақидаги бирор фикрдир.

Илмий билишда ғоя муҳим рол ўйнайди. Маълум бир аниқ ғоя туғилмагунча бирор соҳада тадқиқот олиб бориш мумкин эмас. Ҳар бир ғоя тадқиқотнинг маълум бир соҳасида фикр юритиш, мушоҳада этиш асосида пайдо бўлиб, унда тадқиқотчининг амалий ва назарий тажрибалари умумлашган бўлади. Ғоялар ўз акс эттириш объектига қараб илмий ғоялар, бадий ғояларга, жамиятдаги ўрнига кўра прогрессив ва реакцион ғояларга ва бошқаларга бўлинади.

**Илмий муаммо** - илмий билишнинг ҳали билиб олинмаган ва ҳал қилинмаган, лекин билиниши ва ҳал қилиниши лозим бўлган билим шаклидир. Муаммо тадқиқотчининг бирор тадқиқот соҳасига оид янги фактларни тўплаган, лекин бу фактлар эски билимлар тизимига сиғмай,



Ўзининг янги баёнини, изоҳини талаб қила бошлаганда туғилади. Муаммонинг туғилиши ва қўйилиши илмий билиш жараёнининг энг муҳим моменти саналади. Муаммонинг тўғри қўйилиши тадқиқотнинг самарали яқунланишига олиб келади.

Илмий билиш жараёнида бир муаммо бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишимиз муаммосини кўрсатиш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоси мамлакатимиз иқтисодий ва маънавий, ижтимоий ҳаётида янги-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бунга кам таъминланган оилаларни, нафақахўр кишиларни, ёлғиз, қаровчисиз қолган фуқароларни, талабаларни ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари мисол бўлади.

Илмий билиш жараёнида муаммоларни ҳал қилишда кўплаб гипотезалар тахминлар пайдо бўлишига олиб келади.

**Гипотеза** - ўрганилаётган объект тўғрисида илгари сурилган, илмий жиҳатдан асосланган, илмий факт ва маълумотларга зид бўлмаган, лекин ҳақиқатлилиги ҳали исботланмаган илмий билиш шаклидир. Илмий билиш жараёнида ўрганилаётган объект хоссалари, хусусиятлари, тузилиши ва бошқалар тўғрисида кўплаб гипотезалар пайдо бўлиши мумкин, улар бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига зид, бир—бирини инкор қилувчи гипотезалар бўлиши мумкин. Бундай қарама-қарши, бир-бирини инкор этувчи гипотезаларни ижодий анализдан ўтказиш, таққослаш муҳим методологик хулосага олиб келади.

Гипотезалар тадқиқотчини доимо маълум илмий изланишга йўналтиради, унинг эътиборини нимага қаратиши, нимани излашини аниқлаб беради. Гипотезалар тадқиқотчининг доимий иш қуролидир.

Гипотезалар мазмунининг умумийлиги даражасига қараб: хусусий, умумий, умумилмий гипотезаларга бўлинади: Гипотезаларда акс этган объектлар даражасига қараб: Макроолам, микроолам, мегаобъектлар ҳақидаги гипотезаларига бўлинади. Масалан, метagalacticанинг келиб чиқиши ҳақидаги «Катта портлаш» гипотезаси фанда эътироф этилган. Вақт омилларига қараб гипотезалар: ўтмиш ҳодисалари ҳақида, бўлғуси ҳодисалар ҳақида ва бошқалар тўғрисидаги гипотезалар ва ҳақозаларга бўлинади.

Шундай қилиб гипотеза илмий билишда билимсизликдан билимга, номукаммал билимдан мукаммал ва ҳаққоний билимга, фактларни ўрганишдан объект мавжудлигининг ички мантиғини билишга ва шулар асосида илмий назарияни шакллантиришга, бир назариядан билимнинг юқори даражасидаги бошқа назарияга ўтиш шаклидир.

Хулоса шуки, гипотезанинг ҳақиқатлиги исботланса, бундай гипотеза назарияга айланади.

Назария-илмий билишнинг энг юқори шаклидир.

**Назария** - ҳақиқатлиги амалий ва назарий жиҳатдан исботланган, борлиқнинг бирор соҳасига оид маълум ғоялар, қарашлар, қонунлар ва принципларнинг муайян тизимидир. Назариянинг асосий жиҳатлари – объектив ҳаққонийлик, мантиқан тўлиқлик ва расман зиддиятсизлик, ўз-ўзини ривожлантиришга қодирлик, нисбатан мустақиллик, амалиётга фаол таъсир кўрсатиш ва бошқалар. Илмий билишда назариянинг асосий вазифаси –

амалиёт берган янги фактларни изоҳлаш, ўрганилаётган объектнинг моҳиятига чуқурроқ кириш, рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларни олдиндан кўра олишдан иборат.

Ҳозирги даврнинг энг теран илмий назариялари сифатида Ч.Дарвиннинг эволюция назарияси, И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти назарияси, Э.Шредингер, В.Гейзенберг, Н.Борнинг квант назарияси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақида Опарин назарияси ва бошқалар эътироф этилган.

Шундай қилиб илмий назария – билимнинг энг ривожланган, мукаммал, етук шакли бўлиб, у воқеликни теран ва тўлақонли акс эттиради, фан ва техника тараққиёти натижасида келажакда рад, инкор этилмайдиган шаклидир.

**Илмий башорат** - билишнинг ўзига хос шаклидир. Ўтмиш ёки бугунги куннинг воқеа –ҳодисалари ҳақидаги маълумотлардан иборат оддий билимлардан фарқли равишда, илмий башорат келажакда содир бўлиши ёки кашф этилиши мумкин бўлган нарсалар ҳақидаги ахборотни ифода этади. **Илмий башорат** бу бўлғуси ҳодисаларни, шунингдек, у ёки бу ҳодисалар, воқеалар, жараёнларнинг оқибатлари хусусиятини олдиндан айтиб бериш реал имкониятидир. Илмий башорат илмий фактларга, барча ҳолатлар ва шарт-шароитларни қатъий эътиборга олиш негизига қурилади. Илмий башорат жараёни келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар, ҳодисаларни олдиндан айтиб беришни ўз ичига олади.

Илмий олдиндан кўриш- яъни илмий башорат илмий тадқиқотда, ҳар қандай илмий фаолиятда, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда бебаҳо аҳамиятга эгадир. Чунончи, илмий башорат бугунги кунда информатика ва электроника, глобал компьютер тармоғи ва глобализация асри инсоният олдида қўяётган кўпгина муаммоларни ҳал қилишга қодир. Илмий башорат ва прогноз ёрдамида инсон ҳаётининг фаолияти ривожланишининг номақбул, зарарли, хавфли, боши берк йўналишларини олдиндан айтиб бериш, шунингдек уларнинг оқибатларини юмшатиш ёки тўлиқ бартараф этиш мумкин.

Табиат ва жамият ҳодисаларини илмий олдиндан кўриш бизнинг Мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги шароитида давлат ва халқнинг келгусида мамлакат ҳаётида содир бўлиши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисаларга ҳар томонлама тайёр бўлиши, бу ҳодисаларнинг ижобий оқибатларини кўпайтириш, салбий оқибатларининг эса олдини олиш, ҳеч бўлмаса уларни камайитириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Умуман фанда, хусусан кимёда янги билимни ижодий, теран башорат қилишнинг ёрқин мисолларини кўриш мумкин. Масалан буюк химик Д.И.Менделеев кимёвий элементларнинг даврий системасини кашф этиб, ўша даврда фанга маълум бўлмаган кўпгина элементларнинг мавжудлигини башорат қилди. Кимё фанининг кейинги ривожини Д.И.Менделеев башоратининг тўғри эканлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Табиат ва жамият ривожланишининг объектив қонунлари ва тенденцияларини ижодий ва илмий билиш асосидагина келажак ҳодисаларини тўғри башорат қилиш мумкин.

Илмий олдиндан кўриш- фолбинлик қилиш, диний каромат қилиш, кишилар тақдирини осмон жисмлари-юлдузлар ва сайёралар ҳаракатига қараб белгиловчи астрологлар (мунажжимлар) дан фарқ қилади. Лекин шуни айтиш лозимки, астрологиянинг илмий эканлиги, бўлаётган ёки келгусида бўлишини айтиб бериш механизми шу кунгача тўлиқ асосланмаган, илмий жиҳатдан ўрганилмаган.

Илмий башоратларнинг астрологик башоратлардан туб фарқи уларнинг ҳақиқийлиги доимо илм-фан ютуқлари билан, табиат, жамият ва инсон тафаккури қонунлари билан илмий асосланганлигидадир.

### **Таянч сўз ва иборалар.**

Метод, методология, диалектика, метафизика, софистика, эклектика, синергетика, тизимлилик, глобал эволюционизм, тарихийлик, эмпирик, назарий, кузатиш, эксперимент, формаллаштириш, моделлаштириш, анализ, синтез, “Ўзбек модели”, илмий ғоя, илмий муаммо, гипотеза, назария, илмий олдиндан кўриш.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Метод ва методология нима?
2. Фалсафий методлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.
3. Эмпирик тадқиқот методларига нималар киради?
4. Назарий билиш методларига нималар киради?
5. Илмий билишнинг умумий мантиқий методларини изоҳланг?
6. Илмий билишнинг қандай шалларини биласиз?

## **5-Мавзу: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Ҳозирги замон фанининг асосий хусусиятлари.
2. Табиатшуносликнинг моҳияти ва асосий тамойили.
3. Табиатшунослик фанларининг фанлар тиимида тўтган ўрни.
4. Ҳозирги замон табиатшунослигида макон ва замон муаммолари.

Фан инсоният яшаётган дуёни ангалаш, фаҳмлаш жараёнидир. Бу жараён инсониятни ўраб турган атроф-муҳимни, қолаверса инсониятнинг ўзини турли даражалардаги моделлаштиришларга асосланган билим даражасида акс этади. Билишнинг вазифаси боликдаги предмет ва ходисаларнинг илки табиатини, улардаги алоқадорлик ва боғланишларни, улардаги амал қиладиган қонунлар ва қонуниятларни, хуллас, уларнинг моҳиятини билишдан иборатдир. Билиш шу билан бирга предмет ва ходисаларни «ўз ҳаракатида», «жонли» ҳолатда, «ҳаёт ҳолатда», ўзгариб ва ривожланиб туришда билишни талаб қилади. Илмий билиш натижасида

ҳосил қилинган билимларнинг маълум тизимлари фанларни вужудга келтирди.

Фан илмий билишнинг шаклидир. Фанлар борлиқ ва унинг турли кўринишлари: табиат жамият, инсон, инсон тафаккури тўғрисидаги илмий билиш жараёнида юзага келган билимлар тизимларидан иборатдир. Улар инсоннинг борлиқни билиши, ўрганиши ва ўзлаштиришининг ўзига ҳос назарий шакллари бўлиб, ўзларида моддий ва маънавий омилларни бирлаштирувчи кўп қиррали ижтимоий ҳодисалар.

Фанлар жамият тараққиёти моддий ва маънавий жиҳатдан маълум етукликка эришган даврда, инсоният илмий билиши борлиқ ҳақида маълум миқдордаги билимларни ҳосил қилиш натижасида вужудга келади.

Фанни кенг қамровли ҳодиса сифатида қараб чиқар эканмиз унинг кўйидаги учта функциясини санаб ўтишимиз мумкин.

1. Маданиятнинг алоҳида бир соҳаси. Тармоғи ҳисобланади;

1. Болиқни, атроф-муҳитни ўзлаштириш (илмий-назарий) услуги;

2. Маҳсус институт.

Бошқа соҳалар сингари, маҳсус ўзига ҳос институт сифатида фанининг ўзига специфик белгилари мавжуд.

1. Универсаллик – инсон томонидан кашф этилган универсумга ҳос бўлган билимларни бериш.

2. Фагментарлик – борлиқ яхлит ҳолда эмас, балки унинг алоҳида бир параметрлари ёки фрагментлари таҳлил этилади. Фан фалсафа сингари борлиқни алоҳида умум категория сифатида қабул қила олмайди. Фаннинг ҳар бир соҳаси оламнинг алоҳида бир соҳасининг проекцияси бўлиб шу соҳани ёритишича асосланган бўлади.

3. Умумаҳамиятга моликлик – фан эришган ютуқлар барчага баробар аҳамиятга эга бўлади. М. Филология; физиология ва ш.к.

4. Эгасизлик (обезличенность) – кашфиётчининг индивидуал хусусиятлари, миллати, келиб чиқиши илмий билиши жараёнининг натижасида аҳамиятсиз.

5. Тизимлилик (систематичность) – фан турли хулосалар, қисмларнинг оддий механик йиғиндиси эмас. У ўзига ҳос тўзилишга эга.

6. Номукамаллик (незавершенность) – илмий билиш чексиз даражада ўсаётган бўлсада у ҳеч қачон мутлоқ, тугал ҳаракатга эориша олмайди.

7. Ворисийлик – эришилган ҳар бир илмий ютуқ, янгилик, кашфиёт мавжуд база заминида вужудга келади.

8. Танқидийлик – фан ҳар доим ўзи эришган чин билимларга, натижаларга шубҳа билан қарашга, қайта текширишга тайёр бўлиши.

9. Одоб-ахлоқ доирасидан чекиниш.

10. Рационалистик.

11. Ҳиссиёт (чувственность).

12. Ишончлилик.

Табиатшунослик фалсафаси олий таълим тизимидаги янги фанлардан ҳисобланади. Бу фанни ўрганишга киришишдан олдин ўз-ўзига битта саволни бериши лозим: алоҳида бир тор соҳа ходимининг дунёни англаш, фаҳмлаш даражаси қай даражада бўлиши лозим? Инсонни ўраб турган олам тўғрисидаги замонавий қарашлардан қай даражада хабардор бўлиши лозим? Поппер фикрича табиатшунослик ютуқларидан беҳабар, унга нисбатан қизиқиши суст инсонни ўқимишли, зиёли ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки фан маълум соҳага оид оддий қарашлар йиғиндиси эмас. У кунимизнинг маънавий-маърифий ҳаракатидир.

Табиатшунослик – табиатдаги ҳодисаларни, ўзгаришларни эмпирик умумлаш ва назарий асосларини ишлаб чиқишни эмпирик кўзатишлар асосида амалга оширадиган фаннинг махсус қисмидир. Табиатшуносликнинг предметини инсоннинг сезги органлари билан қабўл қилинадиган фактрлар ва ҳодисалар ташқил қилади.

Олимнинг вазифаси – табиат ҳодисаларини бошқарувчи қонунларни очиб бериш, унинг назарий моделини яратиш, эришилган факт ва хулосаларни умумлаштиришдан иборат. Табиат фанлари табиатдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва уларда мавжуд бўладиган ўзгаришларни ўрганади. Бу фанлар маълумотларини ўрганиши билан бизнинг табиат ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайиб боради.

«Ҳозирги замон табиатшунослиги концепцияси» олий ўқув юртларидаги ўзига ҳос янги йўналиш ҳисобланади. Бу фан доирасига киришишдан олдин инсон ўз-ўзига битта савол билан мурожаат этиши лозим: алоҳида бир тор соҳада хизмат қилаётган кишининг оламини фаҳмлаш. Идрок этиш даражаси қандай бўлиши лозим? Уни ўраб турган олам тўғрисидаги замонавий илм-фан ютуқларидан қай даражада таниш бўлиши керак? ФТТ ажойиб бир даражадаги ютуқларга эришган ҳозирги бир шароитда табиий билимларга қизиқиши бўлмаган инсонни илмли деб ҳисоблаш ноўрин. Чунки табиатшунослик соҳасида бўлсин, бошқа соҳада бўлсин илм-фан эришган ҳар бир натижада билим ва фактларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки у айна пайтда маънавий ҳаракат ҳам ҳисобланади. Ғоявий қарашлар тарихи ўз саҳифасидан илмий ғоялар трихини асло чиқара олмайди. Тажриба фактлари билан назария ва эмпирик умумлашмаларни ажрата билиш зарур. Турли хил ҳодисалар, масалан, бутун олам тортишиш қонуни тўғридан-тўғри тажрибага берилган. Бу қонуннинг ўзи эса ушбу ҳодисани изоҳлашнинг назарий қурилмаси ҳисобланади.

Фанда ҳақиқат муаммосини ҳал этишда ақл ва ҳиссиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Амалиётда тажриба йўли билан ўз аҳамиятини, чинлигини исбот эта олган билимгина ҳақиқат ҳисобланади. Табиат ҳақидаги билимлар асосга эга бўлиши лозим – бу қоида табиатшуносликнинг сосий тамойили ҳисобланади. Бу дегани ҳар алоҳида олинган хулоса, фикр эмпирик равишда кўзатилиши лозим дегани эмас, балки тажриба қабўл этилаётган ҳар бир назария учун ассий аргумент, асос бўлишини аниқлатади.

Табиатшунослик фанининг хулосаларинатижалари, ахамияти ҳар бир инсон учун умумийдир. Жамиятшунослик фанлари эса одатда маълум гуруҳ аъзоларининг манфаатлари, уларнинг субъектив қарашлари билан ҳам иш кўради. Техника фанлари олам манзарасини қайта қуришга, бунёд этишга ёрдам берса табиатшунослик уни билишга қаратилган бўлади.

### **Табиатшуносликнинг фанлар тизимида тўтган ўрни**

Ўзининг бир қатор муҳим белгиларига қараб табиатшунослик фанлари маданият бошқа соҳаларидан фарқ қилади.

Саноат жамиятдаги турли хил маънавий ҳодисаларни, инсониятга ҳос бўлиши унинг ички маънавий дунёсини маълум бир даврдан келиб чиққан ҳолда шу даврнинг устқурмаси сифатида образлар мисолида акс эттиради. Табиатшунослик фанлари эса назарийлиги билан рационаллиги билан ундан фарқ қилади.

Табиатшунослик фанлари ва техника. Қадимги юнонларда «техне» сўзи куйидаги маъноларда ишлатила бошлаган эди: устамонлик, деҳқончилик, санъат, яратишни билиш кашфиётчи, ишлаб чиқариш жараёнига бирон-бир восита орқали таъсир кўрсата билиш. Чунки инсон ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун бирор предметга биронта предмет ёрдамида таъсир кўрсатади. Техника меҳнат воситаси сифатида инсон вужудга келганидан бери мавжуд. Оддий физик қонунлар асосида техникадан деҳқончилик, ирригация, кемасозлик, қурилишнинг бир қатор соҳаларида фойдаланишган. Хейдеггер таъбири билан айтганда инсоннинг ўз ички имкониятларини намоён этиш услуги бўлиши техника ҳар доим такомиллашиб борди. Бу техникадан табиатшунослик фанлари фарқи шундаки фан фақатгина табиат тўғрисида олинган билимлардан фақатгина дунёни қайта ўзлаштириш учунгина фойдаланмайди. Балки уни ўрганишга асосий эътиборни қаратади.

Табиатшунослик фанлари ва мафкура. «Мафкура» атамаси бир қатор аспектларда ишлатилади. Дастлаб уни францўз мутафаккирлари ғояларнинг моҳияти, келиб чиқишини ўрганувчи таълимотни тавсифлаш учун ишлатишган эди. Кейинчалик мафкура турли хил ижтимоий гуруҳлар, институтларнинг манфаатларини акс эттирувчи дастурий ғоялар тизими сифатида қараш бошланди. У жамият аъзоларини маълум мақсадлар йўлида уюштириш, сафарбар этиш, тарбиялаш, ишонтириш вазифаларини бажаради. Табиатшунослик фанлари бундай хусусиятларга эга эмас. Унинг ютуқлари умумаҳамиятга эга.

Табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожининг умумий қонуниятларини ўрганувчи фалсафа фанидан ҳам табиатшунослик фанлари фарқ қилади. Бу фарқ шундаки табиатшунослик фанларининг хулосалари эмпирик асосга таянади. Табиатшунослик фанлари ҳар доим «нима учун» деган эмас, балки «қандай қилиб» деган саволларга жавоб излайди. Табиатшунослик фанлари ва фалсафанинг ўзаро муносабати хусусида гап борар экан эътиборни битта масалага қаратиш зарур: яқин-яқингача баъзи бир фалсафий тизимлар «олий фан» мақомини даъво қилиб келди. Олимлар

Ўзининг шахсий илмий ва фалсафий фикрлари ва башоратлари ўртасига кўринмас чегара кўйиб келишар эди. Фан спецификаси шундаки у фалсафа сингари оламни яхлит ҳолда ўрганмайди. У ҳар бир соҳага оид эмпирик асосга эга бўлган билимларни акс эттиради. Шу билан бирга улардан амалиётдан фойдаланиш мумкин. Фан соҳасида юксак чўққи сари интилиш машаққатли меҳнат талаб этади. Давримизнинг энг асосий фожеаси шундаки аҳолининг маълум бир қисми замонавий фан тўғрисида, унинг имкониятлари хусусида тушунчага эга эмас.

Мифология, мистика ва табиатшунослик фанлари мифология оламдаги ўзгаришларни яхлит ҳолда мифлар асосида тушунтиришга ҳаракат қилади. Табиатшунослик фанлари эса табиат ривожини қонуниятларининг назарий асосларини ишлаб чиқишга уринади.

Дин ва табиатшунослик фанлари ҳиссий билимларга ва ақлга таяниш эътиқодга таянишдан устун туради. Дин ва фан ўртасидаги муносабатлар турли хил оқимларда, таълимотларда турлича ҳал этилди.

### Илмий атеизм - ... Неотомизм.

Илм-фанда тадқиқотларда улар ўртасидаги ўзаро фарқ ҳар икковининг ақл ва эътиқодга бўлган муносабатида кўзга ташланади. Паплас. Лекин бу фанда ақлга эътибор юқори, ишончга ўрин йўқ деган маънони англатмаслиги лозим.

Ясперс «Смысл и назначение истории» асарида фан шаклланишининг босқичларини санаб ўтади.

Неотомистлар фикрича фан ва диннинг ҳар иккаласи ҳам инсониятни эзгулик сари етаклайди. Улар шу мақсад сари инсонни етакловчи икки хил йўлдир. Ушбу хулосадан келиб чиққан ҳолда улар фан ва динни келиштиришга ҳаракат қилишган.

Жамиятнинг маълум қатламларининг манфаатларини эмас, балки унинг хулосалари умумий аҳамиятга эгаллиги боис у мафкурадан ҳам фарқ қилади.

Шунингдек у фалсафа, дин, мифология ва мистикадан ҳам фарқ қилади.

Атсистик адабиётларда илмий билимлар ва диний туйғу чиқа олмаслиги таъкидланади. Фандаги ҳар бир илмий ютуқ динга зарба ифатида эътироф этилади. Фан чуқур ақлни пайтда мустаҳкам ишонч ва эътиқодни талаб этади.

Фан фалсафа сингари олам ривожининг умумий қонуниятларини эмас, балки шу соҳага оид маълум бир қисмни қамраб олади ва ундан эмпирик асос талаб этилади.

Ҳозирги замон табиатшунослиги оламнинг илмий манзараси масалаларини чуқурроқ тадқиқ қилиб, унинг янгидан-янги ҳоссаларини ифодалаб бермоқда. Табиатдаги кашфиётларнинг фалсафий характери борлиқни тўзилиши ва ҳоссалари ҳақидаги ҳар бир илмий фикр

тахминий, нисбий характерда эканлигини, табиатда мутлоқ суръатда белгиланган чегаралар йўқлигини исботламоқда. Табиатнинг комплекс таракқиёти фанда қилинадиган фалсафий умумийлаштиришнинг аҳамиятини янада яққолроқ кўрсатмоқда.

### **Ҳозирги замон табиатшунослигида макон ва замон муаммолари**

Фалсафанинг фундаментад тушунчаларидан бири макон ва вақтдир. Фалсафа тарихи материясиз ҳамда ҳаракатсиз макон ва вақт бўлмаслигини тўла-тўқис исбот қиланлигини, унинг моҳиятини унинг гуруҳга бўлиб ўрганганлигини алоҳида таъкидлаш лозим:

1. Бу тушунчаларнинг гносеологик моҳияти қандай?
2. Бу ташунчаларнинг материяга муноабати?
3. Бу тушунчаларнинг ўзига ҳослиги нимада?

Саволлардан учинчиси нарсалар макон ва вақт хусусиятлари ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларнинг ривожидан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фан тарихида маконнинг хусусиятлари: борлиқ (Демокрит, Эпикур), сукунат, жисмни, қамраб олиш, ҳажмга эга жисм (Ибн Сино), жисм кўломи (Беруний) турли жисмларнинг жойлашуви (Лейбниц).

Вақтнинг ҳоссалари: борлиқнинг субъектив сезгилари (юнон олимлари), ҳаракат илан боғланган нарса (Фаробий), воқеаларни жойлаштириш мумкин бўлган ва фақат олға (Ньютон), сабаб-оқибат тарзидаги тартиб (Лейбниц).

Бир ўлчовли макон ва вақт ўзларига ҳос характеристикаларга эга.

Бир объектнинг бошқа объектга яъни боғланган санок ўқларига нисбатан ҳолатга координаталар орқали ифодаланади. Агар объект моддий нуқта бўлмай, жисм бўлса, бурчак координаталари ҳам эътиборга олинади. Маконнинг ушбу мураккаб характеристикалари маълум ҳолда битта оралиқ ёки бурчак билан ифодаланади. Вақт эса икки хил маънода – он ёки лаҳза ва интервал – оралиқ маъносида ишлатилади. Макон ва вақтнинг бу характеристикалари миқдорий ўлчамга эга.

Бўлардан ташқари макон ва вақтнинг топологик характеристикалари ҳам мавжуддир.

Изланаётган объектларнинг бир-бирига тегиб туриши, йўналишлари сони макон ва вақтнинг топологик ҳаракатлар алоқадорлигининг, ички, туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Маконнинг топологик хусусиятлари: ўзлуксизлик, ўлчамлилик, чегарасизлик ва хоқозо.

Вақтнинг топологик хусусиятларига: ўзлуксизлик, олдинга ҳаракат қилиш, тартиблилик киради. Макон ва замоннинг юқорида баён этилган тўлиқ бўлмаган хусусиятларидан келиб чиқиб, бир гуруҳ файласуфлар макон ва замонни борлиқнинг объектив хусусияти сифатида имзоласалар, бошқалар оламни ҳиссий қабўл қилишимизга имкон берувчи соф субъектив тушунчалар тарзида тушунадилар. Учинчи тоифада фикр юритувчилар эса



маконнинг объективлигини тан олсалар-да, вақт категориясига субъектив мақом беришади.

Энди юқорида қўйилган иккинчи саволга жавоб: Ҳозирги фалсафий қарашларда макон ва вақтнинг материяга муносабати хусусида икки хил нуқтаи назар мавжуд: субстанционал ва реляцион.

Субстанционал концепцияга мувофиқ макон ва замон материя каби, мустақил равишда, мавжуд бўлган моҳиятлардир.

Реляцион нуқтаи-назар тарафдорлари макон ва замонни мустақил моҳиятлар деб эмас, балки ўзаро таъсирда бўлган моддий объектлар туфайли ҳосил бўладиган муносабатлар тизими деб тушунадилар. Ўзаро таъсирларнинг тизими бўлмаса, макон ва замон ҳам бўлмайди, деб ҳисоблашади. Демак, макон ва замон моддий тўзулмаларнинг ўзаро таъсири хусусиятларига боғлиқ экани ҳам фараз этилади. Макон ва вақт моддий объектлар ҳолатларини муайян координация усулини ифодалайдиган шакллардир. Ушбу шаклнинг мазмуни ҳаракатдаги материя, моддий жараёнлардир ва айнан шуларнинг хусусиятларини белгилаши керак.

XX аср бошларида яратишган нисбийлик назарияси, макон ва вақтга нисбатан анъанавий қарашларни қайтадан кўриб чиқишга ва субстанционал концепциядан воз кечишга мажбур этди.

Нисбийлик назарияси ўзаро боғланган икки назарияни: маҳсус нисбийлик назариясини (МНН) ва умумий нисбийлик назариясини (УНН) ўз ичига олади. Иккала назариянинг ҳам асосий ғоялари А.Эйнштейн томонидан (1905 ва 1916й) таърифлаб берилган.

Маҳсус нисбийлик ва умумий нисбийлик назарияларига оид баъзи бир ва қоидаларни кўриб чиқайлик.

- Нисбийлик назарияси фандан абсалют маконнинг ва абсалют вақт тушунчаларини чиқариб ташлади. Шунинг билан у макон ва вақтни борлиқнинг материяга боғлиқ бўлмаган мустақил шакллари дея субстанционал талқин этиш нотўғри эканлигини очиқ беради.

- Нисбийлик назарияси – маконий-замоний хусусиятларнинг ддий тўзилмалар ҳаракатни ва ўзаро таъсири табиатига боғлиқ эканини очиқ беради.

Нисбийлик назариясининг моҳияти шундаки, илгарилари мўъжиза берса-ю, барча моддий тўзулмалар бирдан йўқ бўлса, макон ва замон қолган бўларди, деб ҳисоблашарди. Нисбийлик назариясига кўра эса, ҳамма нарса билан бирга макон ва замон ҳам йўқолган бўларди (Эйнштейн).

Умумий нисбийлик назарияси маҳсус нисбийлик назариясининг бевосита давоми бўлиб ҳисобланади. Ушбу назария ҳар қандай тортилиш майдонини макон ва вақт метрикасининг ўзгариши деб, яъни массалар ва улар ҳаракатининг тақсимланишига кўра реал макон ва вақт катталиклари геометрик ҳоссаларининг ўзгариши деб тушунтирилади.

Умумий нисбийлик назарияси ҳам қуйидаги икки қонунга асосланади:

1. Умумий нисбийлик қонуни: санок тизимлари қандай ҳаракат ҳолатида бўлмасин, уларда физик жараёнларнинг рўй бериши, кечиши бир хил қоидаларига асосланади.

2. Янги гравитацион қонун: маон ва вақт муносабатларининг геометрик ҳоссалари ва хусусиятлари жисмнинг ҳоссаси ва гравитацион майдон тақсимоти билан ўзаро конкрет қонуний боғланган.

Ҳозиргача макон ва вақтнинг умумий ҳоссалари қуйидагилардан иборат деб келинади. Маконнинг ҳоссалари: кўламлилиқ, бир жисмлилик ва изотроплиқ, уч ўлчамлилиқ. Вақт эса бир ўлчамлилиқ, қайтмаслиқ, бир жинслилик ҳоссаларига эга деб келинди.

## **БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ**

Фалсафа урганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ муаммоси билан боғлиқ эканини кураимиз. Ҳақиқатан ҳам борлиқ, унга муносабат масаласи фалсафий қарашларда марказий уринни ташкил этади. Чунки борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқараш ва методологик муммоларнинг асоси ҳисобланади. Турли дунёқарашлар уртасидаги баҳслар борлиқ муаммоси юзага келаётган тортишувларга, яъни борлиқ ибтидоси масаласига бориб такалади.

Онтология – бу борлиқ ҳақидаги қарашларни урганувчи фалсафанинг маҳсус қисмидир. Файласуфлар қадим замондан бошлаб “борлиқ” ва “йўқлик” ҳақида баҳс юритишган. Улар борлиқни вужудга келиши, моҳияти, хусусиятлари ва шакллари ҳақида кўпгина тадқиқотлар олиб боришган.

### **Борлиқ тушунчаси ва унинг асосий шакллари**

Ҳўш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий курингани билан унга шу чокқача барча кишиларни бирдай қаноатлантиридиган жавоб топилгани йўқ.

Бу ҳолат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотини изоҳлайдиган қисми-онтология деб аталади. Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу соҳаси урганади.

Йўқлик ҳеч нима демақдир. Ҳамма нарсани ҳеч нарсага айланттирувчи ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, ниҳоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чекинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, кушандаси ҳам йўқликдир. Борлиқ йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир. Йўқликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ.

Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ ҳақида турлича ғояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроғида вужудга келган зардуштийлик таълимотида борлиқ куёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган

олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташқил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу ғоя буйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа мавжудлик бахш этади.

Қадимги Юнон файласуфи Сукрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунга кенг борлиқни қамраб олади, деб ҳисоблайди.

Қадимги дунёнинг атомистик олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирилган. Унинг фикрича, борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

Ислом таълимотида эса борлиқ бу илоҳий воқелиқдир. Яъни у Оллоҳ яратган мавжудликдир. Бу борада ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд таълимотлари бўлган.

Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлиқ ҳақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар.

Масалан, Фаробий фикрича, илк борлиқ азалий Оллоҳнинг ўзидир. Беруний фикрича, борлиқ шундай умумийликки, у ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлиқ ҳамма нарсанинг асосидир. Европада ўтган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борлиқни сезгиларимиз мажмуаси деб талкин этишган.

Хегель эса борлиқни мавжудлик, мутлак руҳнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Кўпгина натурфалсафий қарашларда борлиқни ҳозирги замон билан, яъни шу актуал оламга боғлаб тушунтирадилар.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча бўлиб ўзига бутун мавжудликни, унинг утмиши, ҳозир ва келажакни ҳам қамраб олади. Файласуфлар борлиқни тушунтириш учун йўқлик тушунчасини унга антипод қилиб олишган ва шу асосда борлиқнинг зарурия моҳиятини очишга интиланлар.

Материалистик адабиётларда борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлиқ ўзига объектив ва субъектив реалликни, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, ўтмиш ва келажакни, ўлимни ва ҳаётни, руҳ ва жисмни қамраб олувчи умумий тушунчадир.

Атрофимиздаги олам, одам, табиат, жамият, тафаккур, ғоялар, уй-ҳаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига қиради.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгрок тушунчадир. Мавжудлик – борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ходисалар ҳам борлиқ тушунчасига қиради. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни

хам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг учта соҳаси ажратиб курсатилади. Уларга: табиат, жамият борлиғи, онг борлиғи киради.

Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиғи ва жамият борлиғининг қуйидаги шакллари ҳам фарқланади. Табиат борлиғи одатда табиатдаги нарсалар, жараёнлар, ҳолатлар борлиғи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиғи (ёки табиий борлиғи, у инсондаги илгари ва унинг иштироксиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиғи. Иккинчи табиат борлиғи эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда учрайди:

- инсон борлиғи (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиғи ва одамнинг ўзига ҳос бўлган инсоний борлиғи);
- маънавий борлиқ (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);
- социал борлиқ (жамият борлиғи), у ижтимоий борлиқ ҳам деб аталади.

Борлиқнинг моддий шакли материя ўзига барча жисмларни, ҳодисаларни, жараёнларни ва уларнинг хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари у тафаккурни ҳам, оламда мавжуд бўлган барча алоқадорликни ва муносабатларни ҳам қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига ҳос умумийликни ахтаришнинг бир йўналиши моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш йўли бўлиб, юқорида қайд эганимиздек, субстанцияни аниқлаш йўлидир. Иккинчи йўл эса - моддий оламнинг асосий таркибига кирувчи «қурилиш элементларини»-субстратни ахтариш йўли. Учинчи йўл-ҳамма нарсанing вужудга келтирувчи бош сабабчисини, ота моддани, яъни праматерияни ахтариш йўли. Мана шу йўл ҳақида маҳсус тўхтаб ўтамиз.

Оламнинг субстанциясини ахтаришнинг бу усули гўёки мева истеъмол қилаётган киши, унинг келиб чиқишини ахтариб, дастлаб дарахт, сўнгра унинг гулига, баргига, кўчатига ва уруғига назар солганидек, атрофимиздаги моддий оламнинг ўзагида дастлабки яратувчи модда сифатида нима ётишини, яъни илк материяни, азалий материянинг «бобколониини», «праматерияни» ахтариш усулидир.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятини ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг майдонга келишига ва ривожланишига сабабчи бўлди. Материя тушунчаси моддий унсурга нисбатан ҳам атомга нисбатан ҳам, праматерияга нисбатан ҳам умумийроқ бўлган тушунчадир. Материя оламдаги барча моддий объектларни, бутун объектив реалликни ифода этувчи энг умумий тушунчадир. Файласуфлар «Том маънодаги материя фақат фикрнинг маҳсули ва абстракциясидир» деб ёзишади. Файласуфлар барча моддий объектларга ҳос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча материя дейилади. Демак, материя моддий объектларга ҳос энг умумий тушунча, фалсафий категориядир.

XX асрнинг ўрталрига келиб, квант механикаси, нисбийлик назарияси ва ҳозирги замон космологияси соҳаларидаги илмий ютуқлар кишиларнинг

объектив олам ҳақидаги тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборади. Натижада, табиатшунос олимлар сезгиларимизга бевосита таъсир этишининг имкони бўлмайдиган реалликлар ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб бора бошлади.

Оламнинг классик механика нуқтаи назаридан келиб чиқиб, нисбатан кичик тезликда ҳаракатланувчи системалар ҳақидаги илмий манзараси ўрнини янги илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя ҳақидаги тасаввурларнинг янада ривожланишига шароит туғдирди. Бу ўзгаришларни ҳисобга олиб, марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки билвосита таъсир этувчи, деган кўшимча киритишди. Шундай қилиб, ба таъриф гўё материянинг модда ва антимодда кўринишларини қамраб олувчи таърифга айланади.

Материалистлар материяни объектив реаллик, деб таърифлашади. Объектив реаллик инсон сезгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида мавжуд бўлган воқелиқдир. Объектив реалликнинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, борлиқнинг ажралмас хусусиятларини ўрганишга тўғри келади. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти лотинча «атрибут» сўзи билан аталади.

Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари бўлади. Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. Улар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар. Борлиқ ўзининг ҳоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари ҳақида тўхтаб ўтайлик.

**Ҳаракат.** Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усуслини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки, яхлитлигини сақлай олмайди.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предметлар ва ҳодисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улғайиш, раванқ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташқил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракат бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракат, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилди.

Демак, Ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

Ҳаракатнинг турлари ҳақидаги мулоҳаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тартиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларга такомиллашиб борган. Шу туфайли ҳаракатга фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик ҳаракат нуқтаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Механик, химявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар ҳаракат шакллариининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг куёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлди. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилди.

Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафда ривожланиш деб аталади. Ривожланиш бу-муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайди, илгариланма йўналишига эга бўлган, моддий ва сифатий ўзгаришдир.

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган ҳолда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда бетўхтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекулалар ва атом тўзилиши даражасида ҳам бетўхтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисмларнинг ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташқи таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг турғунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана

шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш дейилади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташқил этган материянинг сифатий тўзилиши даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари ҳам ўрганилади.

Материалист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлагинида қуйидаги мулоҳазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бир материянинг ташқилий тўзилиши даражаларининг муайяна босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жиҳатидан кетма-кет боғланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шакллари билан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шакллари ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулоҳазаларга таянган ҳолда, ҳаракатнинг бешта шаклини ажратиш олиш мумкин. Улар-механик, физик, химявий, биологик ва ижтимоий ҳаракатлардир.

Фалсафада ҳаракат шакллари туркумлашнинг бир қанча бошқа кўринишлари ҳам бор. Айрим олимлар ҳаракат шакллари ҳар бир фаннинг номи билан боғлаш керак, деб ҳисоблашади. Бундай қарашнинг хатолиги шундаки, фанларнинг кўпчилиги ҳаракат шаклини эмас, балки миқдорий муносабатлар ва ҳатоларни акс эттиради. Масалан геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизикли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганади?

Ҳаракат шакллари турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий концепция ҳам диққатга сазовардир. Мазкур концепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати), химявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади, 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади;

2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг таракқиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташқилий тўзилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда ҳаракат шакллари табиатда-элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда-ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда-одамнинг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади.

Борлиқнинг асосий яшаш шакллари фаза ва вақт киради. Фаза нарсаларнинг кўламини, ҳажмини, ўзаро жойлашиш тартибин ўзлукли ёки ўзлуксизлигини ифодаласа, вақт ходисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, ҳажмга эга. Фаза-вақтнинг муайян лаҳзасидан оламни ташқил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ходисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фаза ва вақт тушунчалари, кўп ҳолларда, форсий тил таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон деб ҳам аталади. Бу тушунчалар фаза ва вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, холос. Фаза нарсалар, вақт эса ходисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фаза ва вақтни тушуниш бўйича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса фаза ичига жойлаштирилган. Фаза ўзига нарсаларни сиғдирувчи субстанция. Ҳеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фаза ҳам бўлиши мумкин, дейилади. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий ўлчамига эга, дейишади.

Ҳеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни кўз олдингизга келтиринг. Илгариги, Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

Фаза ва вақтнинг хусусиятлари.

Фаза ва вақт борлиқ миқдорий ва сифатий жиҳатларни ифодалашига қараб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фаза ва вақтнинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятлардир. Уларга кўлам, бир жинслилик, изотропик каби хусусиятлар киради.

Фаза ва вақтнинг топологик ҳусусиятлари эса, борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга ўзлуксиз, боғланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради.



Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик каби хусусиятлар кушилади.

Фазо, вақтнинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуқтасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиғдириш мумкин бўлади. Улчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам бўлган системага нисбатан қуринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятларини кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуқтасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиғдириш мумкин бўлади. Улчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам бўлган системага нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятларини кучли ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг бир боғланган фазога айланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги вақтга келиб ҳам файласуфлар борлиқ тушунчасини турли туман изоҳламоқдалар.

### **Таянч тушунчалар**

Дунёнинг янги илмий манзараси. Табиатшунослик ва фалсафа боғлиқлиги. Фан-техника инқилоби. «Фан этикаси». Олимнинг маънавий қиёфаси.

### **6-Мавзу: ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ**

#### **РЕЖА:**

- 1.«Техника» тушунчасининг моҳияти.
- 2.Қадимги халқлар маданиятида техника пайдо бўлиши ва ривож.
- 3.Техника билимининг табиати.
- 4.Техника фалсафасини ўрганишдаги муаммолар.

Техника инсон фаолиятининг соҳаси сифатида қадимги даврдан бошлаб файласуфларни қизиқтириб келган. Қадимги Юнон ва Рим, уйғониш даври ва янги давр файласуфлари техникани назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар, унинг фалсафий маъносини очиб бериши учун анчагина фаолият кўрсатганлар. Бироқ, «Техника фалсафаси» атамаси

Э.Каннинг 1877 йилда Германияда чиққан «Техника фалсафаси асослари» китобида илк бор ишлатилган. Техника юнонча «техне» деган сўздан олинган бўлиб, санъат, устакорлик, бажара олиш каби маъноларни англатади.

Техника фалсафасининг мустақил предметга айланишига сабаб шу бўлдики, ҳозирги даврга келиб техника умумий характерга эга бўлди. Ҳаётнинг барча соҳаларига таъсири кучли бўлиб иқтисод, сиёсат, экология, фан, социал ҳаёт, турли таълим тизими каби соҳаларда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Техник тараққиёт бутун жамият ҳаётида ҳал қилувчи ролни ўйнай бошлади.

Техникани таҳлил қилиш бугунги кунда икки фалсафий йўналиш нуқтаи назаридан бормоқда:

1. Фаннинг методологияси нуқтаи назаридан, яъни техник билимларни таҳлил қилиш ва янги техника тафаккурни шакллантириш.

2. Антропология фалсафаси нуқтаи назаридан, яъни бунда техниканинг маънавий ахлоқий, маданий муаммоларини, шунингдек техникани инсонийлик қадрият нуқтаи назаридан талқин қилиш.

Инсоният мавжуд экан техника ва технология доимо мавжуд бўлган. Чунки тарихнинг ўзи, одамлар меҳнат қуролиларини яъни содда техникани ишлатишдан олдин пайдо бўлмаган. Бундан ташқари инсоният тарихи ривожини техника ва технология ривожини билан чамбарчас боғлиқдир. Янги тарих даврига бир-бирини ўрнини босиб келган цивилизациялар турлича бўлгани билан яъни турли диний, дунёвий қарашлар бўлгани билан, улар бир хил механизм, техника ва технологияларни ишлатилган. Ҳозирги у ёки бу давлатнинг техник салоҳияти ривожини шу давлатнинг кучини намоён қилади. Ҳеч қайси бир давлат дунёдаги технологик ривожланиши рад этилмаган. Техника ва технология эътибор бермаслик оқибатида бир давлатнинг иккинчи бир давлат мустамлакасига айланиши мумкин. Мисол учун Хиндистон техникага эътибор бермаганлиги учун техник юксак ғарб давлатларига бўйин эгган. Фақат шу йўл билангина техника инсониятнинг янги тарихида юқори универсал феномик бўлиб қолади.

Техника фалсафаси – фалсафашуносликнинг янги тармоқларидан ҳисобланиб, умумий фундаментал муаммолар билан шуғулланувчи соҳа ҳисобланади. Очиғини айтиш керакки, техникага бўлган фалсафий қарашлар яқиндан пайдо бўлган. Хатто Арасту ҳам техникага фақат кашфиёт назари билан қараган. Фақатгина, техника жамиятда умумий бир демиург бўлиб қолгандан кейингина техниканинг фалсафий қарашларига қизиқиш ортиб кетди. Техниканинг фалсафий маммоларига бағишланган биринчи китоб, ишлар юз йил олдин пайдо бўлган. 1877 йилда Э.Каллонинг «Техника фалсафасининг асосланиши» китоби дунёга келади. П.К.Эйнштейннинг «Техника фалсафаси» китоби 1910-1913 йилда чиққан.

Лекин бу ишлар фақатгина бошланиши эди. Техниканинг фалсафий муаммоларига бўлган ҳақиқий қизиқиш халқаро файласуфлар конгрессларидан бошланади. Бундай конгресслар 1988 йили Венада, 1973 йили Варне, 1972 йили Дюссельдорфда бўлиб ўтган. Ўша вақтдан техника фалсафасига оид бўлган нашрлар тез суратда ўсди. Фақатгина 1960 йилларда техника фалсафаси фалсафанинг мустақил тармоқ сифатида кашф топади.

Техника фалсафий тушунча сифатида «Технико» тушунчасига фалсафий аниқ бир таъриф тушунча ҳозирги вақтгача ҳам берилмаган. Бир қарашдан «техникага» соддагина таъриф ҳам маълум бир қаршилиқлар учрайди. Мисол учун техника деб сунъий яратилган буюмларни тушуниш мумкин.

В.В.Аверциев ва бошқа маданиятшунослар айтилишича, ўрта асрлар маданияти асосий нарсдан бошланган. Табиат тушунчаси уч маънони ташкил этади. Табиат «яратилган», «яратадиган» ва «инсон учун табиат» деб тушунилади. Мазмунига кўрадиган бўлсак табиатни худо яратган. Худо табиатни жуда қилиб яратган. Яратадиган массасини кўрадиган бўлсак, табиатдаги барча ўзгаришлар ижобий принципга эгадир. Ўзгаришларни Худо табиат орқали амалга оширади. Ўрта аср файласуфлари фикрича табиат нафақат Худо тамонидан яратилган балки инсонлар ўз ҳаётида қўлланиши учун қўлланилган.

Илм тушунчаси бу нафақат мантиқ ва онтологияни қаноатлантирувчи тушунчадир. Балки мақсад сари йўналтирилган фаолиятдир. Яратилган ва яратувчи сифатида ўрта асрларда илм, табиатдаги ҳодисалар шакллантирилган эди.

#### **Қадимги давлатлар маданиятида техникани шаклланиши.**

Қадимги Миср, Вавилон, Хиндистон ва Ҳитойда эр. ав. У1-У минг йиллардан эр.ав. II-1 минг йилгача йирик-йирик империалар мавжуд бўлган, техника санъат, математика фалсафа ҳам шу давлатларда пайдо бўлган. Қадимда одамлар табиат ҳодисаларни маълум бир Худо хоҳиш иродаси деб ишонганлар. Шу билан бирга улар Худоларни ўз пашқоқлари аксида кўрганлар. Подшоҳлар ҳазинасига солиқлар тўлашар эди, улар эса ўз навбатда тартиб интизомни ушлаб турар эдилар. Агар маълум бир тартиб интизом бўзилса, уни дарров тўғрилашга интилишар эдилар. Шу интилишлар асосида содда-содда фанлар, бунда астрология, санъат пайдо бўлди ва ривожланди. Маълумки катта давлатлар армиясиз маъмурий органларсиз мавжуд бўлмайди. Шу нарсалар қадимги давлатлар маданиятида ётган. Ўша даврнинг муҳим бир хусусиятларидан бири бу белгилар системаси (сонлар, ҳисоблашморитмалар) шаклланишидир. Шу система тизимида турли туман мосламалар ҳал этилган.

Инсоният тарихи техниканинг такомиллашиб бориш тарихи билан ўзвий боғланган. Техника ўзининг бугунги ҳолатига келгунга қадар кўп вақт ўтди. Индустириал жамиятгача техника хунармандчилик шаклида нмоён бўлди. Техника хунармандчилиги устадан шогирдга, устахона кўринишида ёки яқка тартибда отадан болага, авлоддан-авлодга ўтиб келди. Бу лоҳида кишилар тамонидан тор доирада амалга оширилди. Натижада юксак ижтимоий баҳо бериш даражасига етиб бормади. Бундай ҳолат ишлаб чиқаришни ҳам, ижтимоий ҳаётни ҳам тубдан ўзгартиришга қодир эмас эди.

ХУП-ХУШ асрларга келиб вазият тубдан ўзгарди. Европада манифактура ўрнига машина даври бошланди. Жамиятнинг анча қисми қўл меҳнатини ўз фаолияти имкониятларини кўпроқ очишга қарата борди. Устачор ўрнини техника сирларини англаб етган шахслар-инженерлар эгаллади.

Муҳандис техник тизимларнинг нормал ишлашини таъминлабгина қолмай, унинг лойиҳасини тўзади, ихтиро қилади, илмий методлардан, фан ютуқларидан фойдаланади, техник янгиликлар киритади.

Янги даврда техника бутун ишлаб чиқариш воситалари, жараёни ҳамда ҳаракатининг мажмуи сифатида қаралди. Техника тушунчасига меҳнат курулларини ишлаб чиқариш ва машина киртилган эди. Демак техниканинг ривожланиши билан унинг мазмуни ўзгарди. Немис файласуфи техника манзарасининг ўзгаришини қуйидагича ифодалайди: «Техника меҳнат курулларини ишлатиш сифатида инсонларнинг яшаши ва мвжудлиги билан боғлиқ» (Яспрес).

Техника ривожланиши учун ХУП-ХУШ асрларда илмий замин яратилди. Юқорида айтганимиздек машина даври бошланди. XIX аср охири ва XX аср бошларида ИТИ индустриал жамиятнинг ривожланиши учун асос бўлди. Техника тараққиёти технологик жараёнларни изоҳлашни талаб этади. Техника фалсафасининг баъзи масалалари билан бир қатор олимлар шуғулланишган. Улардан баъзиларининг ушбу соҳага оид ишларини кўриб ўтамыз.

Эрст Колл (1808-1895) биринчи бўлиб ўз онг сарлоҳасида фалсафа ва техника тушунчасини умумлаштирди. Унинг «техниканинг сосий флсафий йўналишлари» китобида «оргоно» асоси ётади: одам ўз фаолияти давомида тушунмаган ҳолда ўз органларини яратиб. Каллнинг бу принципи танқидни кўтармайди. Фақатгина болта, болғани одамзоднинг маълум бир органга ўхшатиш мумкин. Лекин ғилдирак Калл принципига тўғри келмайди. Чунки ғилдирак одамзотнинг ҳеч қайси бир органига ўхшамайди. Калл айтишича «Бу машинасининг умумий кўриниши одамзотга ўхшамасда, лекин маълум бир қисмлари ўхшайди. «Антропологик критерий» ва «орсополракция принципи» Каллнинг техника фалсафаси асослари ҳисобланади. Калл таърифлашича, инсон ўз баданини истамаганҳолда табиат учун мослаштиради.

А.Эспинас ўзининг «технологиянинг пайдо бўлиши деган китобида технология тушунчасини ишлатади. Эспинас таърифича - «технология бу шундай санъат тўғрисидаги билимларни бу билимлари ўрганиш давомида янги билимлар ҳосил бўлади ва улар инсоният ривожига туртки беради.

А.Эспинас маълумотида ҳеч қайси бир янгилик бўшлиқда пайдо бўлмайди, инсон янгиликни маълум бир нарсани такомиллаштириш орқали яратиш мумкин. Ҳар бир шундай санъат ўз технологиясига эса, бу технологиялар йиғиндиси эса умумий систематик технологияни яратади.

Эспинас фикрича технология ўз ичига 3 та муаммони киритади. 1- Ҳунарни аналитик таҳлил қилиб, систематик классификация ёрдамида маълум гуруҳга ажратиш мумкин. Техниканинг статистик назариясига тўғри келади.

Бу файласуфлардан ташқари.

Техника билимининг табиати.

Олдин таъкидлаганимиздек инженерлик фаолият учун алоҳида билимлар керак. Гап алоҳида кашфиётлар ҳақида борганда муаммолар йўқ эди. Лекин XVIII асрдан бошлаб ишлаб чиқариш, қайта ишлаш кенг бўла

бошланди. Бу даврдан маълум бир кашфиётлар оммавийлаша бошлади. Космонавтлар, пораход ва парвозлар учун двигателлар, ҳисоблаш ва конструкторлаш ҳажми тез суръатда ошиб кетди, чунки инженер нафақат янги кашфиёт билан машғулот бўлади, балки кашфиётга, яратишга ҳаракат қилади. Бошқа сўзлар билан айтадиган бўлсак инженер янги бир инженерлик объектини тўзиш билан бирга, шу объектга ўхшаш бўлган бутун инженерлик объектларини ҳам тўзади. Натижада аниқ фанлар объектдан инженерлик схемалари ажралиб чиқиб: бутун бир жараёни бирлаштиради. Бўлар техник билимларнинг шаклланмаган кўринишларидар. Бу жараёнга онтология ва математизация жараёнлари қўшилади.

Онтология бу инженерлик қурилмаларни босқичма-боқич схемалаштириш жараёнидир. Бунда бу объектлар мосида бир қисмларга бўлиниб, ҳар бир маълум бир кўринишда ифодаланган. Бундай ифодалаштириш инженерлик объектга ҳам математик, ҳам техник билимларини қўллаш учун фойдаланилган.

Инженерлик объектини математик моделлар билан алмаштириш кашфиёт учун зарур шароит бўлиб конструкторлаш ва ҳисоб-китоб учун анча изланишлар яратди.

Техник билимлари ривожланишни бир қанча факторлар таъсирида рўй берган. 1-фактор барча янги ҳодисаларни ўрганилган, мавжуд техник билимлар доирасида таҳлили этиш.

Бундай таҳлил кўзатилаётган жараён ҳақида янги маълумотларни яратиш мумкин. Техник билимлар шаклланиши билан барча фундаментал билимлар тизими таъсир кўрсата бошлади. Билимларни шундай идеаллаштириш ёрдамида муносабатлар ҳамда ёки теорема деб таърифланган бўлсалар, уларни исботлаш деб таърифланган исбот усуллари ёрдамида ўтказиш уларни бўлақларга бўлиб ўтказиш талаб қилинади. Бу эса ўз навбатида соҳага оид янги қонуниятларни ишлаб чиқишда ёрдам беради. Техник фанлар ривож ва шаклланишида иккинчи муҳим бир жараён бу математизациядир.

Техник фанларни маълум бир ривожланган босқичида кўзатишлар, илмий ишларда математик жараёнлар қўлланила бошланди. Бунга маълум бир кашфиёт жараёнида маълум бир жараён нафақат таҳлил балки синтез жараёнида таҳлиллар асосида ҳисоб-китоблар талаб қилади.

Техник соҳада математик жараёнларни қўллаш учун нима қилиш керак? Биринчидан идеал техник объектларни шу объектларга математик тилга ўтказиш керак ва унга математик жиҳатдан маълум бир бўлимларга бўлиб ўрганиш керак. Шу даврдан инженер кўзатувчи қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

А) таҳлил-синтез масалаларини ҳал эта олади. Б) объектни – барча империалистик соҳаларини назарий томондан ўрганиш мумкин. В) идеал инженер қурилмалар теориясига чиқиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, соноат миқёсида соноат миқёсида инженерни объектлари ривож кашфиётларни шу соҳада қўлланиши техник фанлар шаклланиши туртки бўлди.

Бирор бир кашфиёт борсида маълум бир математик билимларни эмас, балки умумий математика қўлланиш техник фанлар ривожининг кейинги босқичига олиб келади. Яъни, янги идеал техник билимлар яратилиб, уларни математик онтологияга киритса бўлади, бўлар асосида техник билимлар системаси шаклланиб «идеал инженер қурилма» яратилиш теориясига олиб келди. Техник факторнинг охирги шаклланиш босқичи эса маиший ва теорик билимлар билан боғлангн.

Реноссанс даврининг муҳим бир хусусияти янги тушунишидир. Реноссанс даври -----Худо бандаси деб кўрмайди, балки дунё марказида турувчи бир эркин уста сифатида кўради. Маълум маънода инсон ўзининг илоҳий ярлганлигини тан олсада, ўзининг ҳам яратувчи сифатида кўради. Реноссанс файласуфлари айтишича табиат қонунларни инъом этмайди, балки оддий одам тушуниб етади.

Янгиланиш қўпол айтилганда бу шундай у ерга катта инсонни учун барча табиат ҳақидаги тушунчалар янги файласуфлар маҳсули сифатида намоён бўлади.

Асосий ўринни бу ерда Ф.Бэкон эгаллаган. Ф.Бэкон табиатни янги илмининг асосий объекти деб эълон қилади.

Ф.Бэкон ёзишича инсон табиатни маълум бир қисмларни ажратиш ёки йиғиндаги балки ҳеч нарса қилолмайди дейди.

Ф.Бэкон бир занжирга уч нарсани боғлаб қўйди: илмий балки ҳақиқат тушунчалар: иненерлик фаолияти ва табиат ҳақида шу даврдан бошлаб табиатни маълум бир чексиз маҳсулот, куч энергия сифатида қаралиб, одамзод бу ҳаёт фаолиятида ишлата бошланади.

Ренессанс даврида инженерлик фаолияти жуда тез ривожланди. Бунга мисол қилиб буғ машинаси яратилган.

Умумий янги фанлардаги инженерлик фаолиятидаги янгиликлар кашф этмайди, балки Ренессанс давридан бошлаб табиатни ёпиқ бир табиий жараёнлар йиғиндиси сифатида қарала бошланди.

Классик бўлмаган техник фанлар хусусиятини кўрадиган бўлсак, уларда илмий база йўқ ягона бир теория ёки принцип йўқ. Классик техник фанларда бўлар мавжуд.

Масалан, ноклассик техник фан сифатида информатикани қарайдиган бўлсак, бу фан шаклланиш ва ривожини учун нафақат инженер кибернетиклар, балки тилшунослар, руҳшунослар, социологлар, иқтисодчилар, файласуфлар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Ноклассик техник фанлар ноананавий бўлган инженерлик фаолиятида қўлланилади. Классик бўлмаган психик фанлар шаклланишини бир неча босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқичда мураккаб инженерлик объектлар шаклланади. Бунда таҳлил бир неча техник теориялар асосида олиб борилс, синтез эса блок схемалар асосида олиб борилади. Иккинчи босқичда эса турли системалар, жараёнларда ўхшашликлар кўзатилади. Бўлар эса ўз навбтида янги мисолларни ҳал этишда ёрдам беради.

Масалан: радиолакация ривожиди ва пайдо бўлиш асбобнинг математик информация ўзатиш ва кибернетика асосида бўлган бўлса радиолакация асосида бошқа информация ўзатиш йўллари ҳам пайдо бўлди.

Иккинчи босқичда классик бўлмаган техник назариялар шаклланди. Бу назариялар эса кибернетика, информатика ривожидида қўлланилади.

Учинчи босқичда идеал инженер қуроллар теорияси шаклланади. Бу теория нафақат классик бўлмаган техник фан теорияси балки, змонавий техник билим асоси сифатида ҳам қаралди. Сўнги йилларда бу теория «техниканинг умумий теорияси» сифатида қарала бошланди. Фарбада, айниқса Германия ва АҚШ да бу йўналиш кескин суратда ривожланди. Бу йўналиш чиқиндисиз технологиялар, инсонга дўстона бўлган технологиялар бу технологиялар ривожиди ва шаклланишига қаратилгандир.

### **Техника фалсафасини ўрганишдаги муммолар.**

Техника фалсафасининг методологик муаммоларидан бири-техника билимининг ўзига ҳос тамонини таҳлил қилишидир. Ҳозирги замон техникасининг кенг маънода, яъни:

- билимлар соҳасида-эмперик ва назарий билимларни ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш:

- инсон фаолияти соҳасида (ҳамма восита ва бажариладиган иш тартиби билан) – тбиат ҳодисаларини инсон манфаатларига ҳизмат қилдириш:

- инсон фаолиятини касб – хунарга қаратиш, ҳозирги замон техника кўникмасига эга бўлиш ва инсон ўз маҳоратини кўрсатиш соҳасида-малака ва кўникмалар мажмуаси сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек техникани таҳлил қилиш бугунги кунда иккита фалсафий йўналиш нуқтаи назаридан бормоқда:

1. Фаннинг методологияси нуқтаи назаридан, яъни техник билимларни таҳлил қилиш ва янгича техник тафаккурни шакллантириш:

2. Антропология фалсафаси нуқтаи назаридан, яъни бунда техниканинг маънавий-ахлоқий, маданий муаммоларини, шунингдек, техникани инсонийлик-қадрият нуқтаий назаридан талқин этиш.

Мавжуд муаммолар доирасида техника фалсафасини ўрганиш масалалари қўллаш жуда кенг.

***Техника фалсафасини ўрганишдаги фалсафий муаммолар жумласига шунингдек компьютеризация натижасида, сунъий онг яратиш натижасида ҳосил бўладиган муаммолар киради. Компьютеризация, сунъий онг яратиш борасиди ҳосил бўладиган муаммоларни кўрадиган бўлсак компьютерлаш натижасида дунё ҳаритаси кўриниши, давлатларни бошқаришдан то таълим тизимигача ўзгаришлар содир бўлади.***

Бу ўзгаришлар оқибатида бир қанча муаммолар келиб чиқади. Бундай муаммолардан бири инсониятнинг информацион тизимини глобал «ресурс»га айланишидир. Кўп маълумотларда ёзилишича сунъий онг яратиш оқибатида инсоннинг руҳий олами билан машина орасидаги

чегара буткул йўқолиб кетиши мумкин. Бу эса янги бир муаммоларни келтириб чиқаради.

Замонавий программалар тизими нафақат ўргатиш ва ўрганишга кодирлар, балки одамлар хатосини тўғирлашга ва мустқил информация беришга кодирдир. Фалсафий жиҳатдан компьютер ўрганганда вирусдн ҳам мураккаброқ муаммолар келиб чиқади. Бу вируслар бу ўзидан кўпайтириш, нусха олиш ва одамзод фаолиятига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳаракат қилади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, бундай маҳсулотлар онгга эга бўлиши мумкин. у эса табиий нарсалар билан сунъий нарсалар орасидаги чегарани бўғиб чиқаради. Замонавий фалсафа адабиётларида техникани баҳолашга оид кўп эътибор қаратилган.

Агар техникани баҳолайдиган бўлсак у нейтралдир, яъни на яхши, на ёмон бўла олади. Мисол учун: автомашинани инсоният кашфиётларидан фахри, транспор, ўзқни яқин қилувчи восита ҳамда одамларни ўлдирувчи, атроф-муҳитни зарахловчи воситадир.

Агар шунинг учун, техникани баҳолашда нафақат методологик, социологик балки фалсафий асос керак бўлади. АҚШда бу муаммо фалсфий даражада В. Байер, К.Парсса, Г.Портер ишларида кўрилган.

Яна бир муҳим фалсафий муаммолардан бири бу техникани келиб чиқиши ва уни табиат, жамият билан боғлиқлигидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, табиат илми техниканинг, техника эса табиий илмлар асоси сифатида қаралиши керак.

### **Таянч тушунчалар**

Техника. Технология. Техникани автоматлаштириш ва компьютерлаштириш. Техника фалсафаси. Техниканинг пайдо бўлиши, эволюцияси ва унинг замонавий таҳлили. Техник билимларнинг тузилиши, унинг динамикаси. Техника тараққиёти дастури. Техника ва технологиянинг методологик социал, сиёсий, эстетик, аксиологик таҳлили. Технологик билиш. Технократик қарашлар. Техникани инсонийлаштириш.

## **7- Мавзу: БИОЛОГИЯ, КИМЁ, ФИЗИКА ВА КИБЕРНЕТИКАНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида концепциялар.
2. Ерда ҳаётнинг бошланиши ва тирик мавжудотнинг тузилиш муаммоси.
- 3.

Бу масалани қараб чиқишга киришдан олдин, авваломбор тирик мавжудод билан нотирик мавжудоднинг фарқи, хусусиятлари билан боғлиқ масалани қараб чиқиш лозим.



Тирик мавжудот нима ва у тирикмас мавжудотдан нимаси билан фарқ қилади. Бир қанча фундаментал фарқлар моддий, тўзилиш ва функционал планларда мавжуд. Моддий планда тирик мавжудот таркибига албатта юқори тартибли макромолекуляр органик бирикмалар, жумладан, биополимерлар-оксил ва нуклин кислоталар (ДНК ва РНК) киради. Тўзилиш планда тирик мавжудот тирикмас мавжудотдан хужайра тўзилиши билан фарқ қилади. Функционал планда тирик жисм учун ўз-ўзини қайта тиклаш характерилидир. Турғунлик ва қайта шаклланиш тирикмас системаларда ҳам мавжуддир. Аммо, тирик жисмларда ўз-ўзини қайта тиклаш жараёни бор. Уларни нимадир қайта шакллантирмайди, улар ўзи-ўзини қайта шакллантиради. Бу принципиал янги мамент.

Яна шунингдек, тирик жисмлар, тирикмас жисмлардан, модда алмашинуви, ўсишга ва ривожланишга мойиллиги, харакатланиши ва муҳитга мослашиши билан ҳам фарқ қилади. Тирик мавжудотнинг ажралмас хусусияти бу ҳаёт фаолияти ва активлигидир. Ҳамма тирик жонзотлар яшаши ёки ўлиши керак.

Ушбу соҳага оид тадқиқотлар, таҳлиллар шуни кўрсатадики ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги концепцияларни қуйидагича изоҳлаб ўтиш мумкин.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги бешта концепция мавжуд:

- креационизм (илоҳият);
- нотирик табиатдан тирик табиат такрор ишлаб чиқариш натижасида вужудга келади;
- стационар ҳолат концепцияси, бунда мос равишда ҳаёт ҳамма вақт мавжуд бўлганлиги тўғрисида;
- панспермия концепцияси,-ҳаётнинг пайдо бўлиши ердаги сабаблар билан белгиланмайди;
- ерда ҳаёт физик-кимёвий қонунларнинг тарихий ривожини натижасида вужудга келди.

Биринчи концепция диний бўлиб, фанга алоқадор эмас. Иккинчи концепцияни бактерияларни фаолиятини ўрганувчи францўз микробиологи Луи Пастер инкор этди.

Учинчи концепция оригинал ваажабтовур бўлганлиги сабабли бир неча тарафдорларга эга.

XX аср бошида иккита охириги концепция ҳукумронлик қилди. Панспермия концепцияси - ҳаёт ерга бошқа планеталардан метиорет ва кометалардан кўчган деган назарияни илгари суради.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги концепциясида тарихда иккита вариант мавжуд. Ҳаётнинг пайдо бўлиши-тасодифан якка «тирик молекула»нинг ҳосил бўлиш натижасидадир, унинг тўзилишида тирик мавжудотнинг кейинги ривожланиши ётган. Францўз биологи Ж.Моно шундай деб, ёзади: «Ҳаёт-физик қонунлардан иборат эмас, лекин уларга боғлиқ. Ҳаёт-ҳодиса, унинг йўқлигини англамоқ керак». Иккинчи варианты

эса, ҳаётнинг пайдо бўлиши материянинг қонуний эволюцияси натижасидир.

XX аср ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги биринчи илмий моделларини яратилишига олиб келди. 1924 йилда А.И.Опарин китобида «Ҳаётнинг келиб чиқиши» ҳақида биринчи марта табиий-илмий концепция ёзилган, унда ҳаётнинг келиб чиқиши-ердаги эволюциянинг узок вақт давом этганлигидир, олдин кимёвий, кейин эса биокимёвий. Бу концепция илмий мухитда катта аҳамият касб этди.

Тирик системанинг ривожланиш босқичларни олдин оддий, кейин йўл йўлакай оддийдан мураккабга қараб аста-секин ривожланишни куйидагича келтириш мумкин. Моддий планда ҳаётнинг туриши учун ҳаммасидан олдин углерод керак. Ердаги ҳаёт ушбу элементга асосланган. Углероднинг водород, кислород, азот, фосфор, олтингугурт, темир билан ҳосил қилган бирикмалари каталитик, қурилиши, энергетик, ахброт ва бошқа хусусиятларга эга.

Кислород, водород ва азотни углерод билан бирга тирик мавжудотнинг «ғишти» деса бўлади. Хужайра 70% кислород, 17% углерод, 10%-водород, 3%-азотдан ташкил топган. Улар кенг тарқалган кимёвий элементлардир. Бу элементлар ўзаро кимёвий кичик бўлиб, бу бирикмалар сувда осон эрийди.

Радиоастрономик маълумотлар бўйича органик моддалар ҳаёт пайдо бўлгандан кейингина эмас, балки бизнинг планетамиз шаклланишга қадар ҳам мавжуд бўлган.

Ернинг космик чанглардан (темир заррачалари ва силикат моддалар) ва газлардан шаклланган фанга тўғрироқ, чунки қуёш системасининг ташқи қисмлардан конденсатланиши мумкин. Органик бирикмалар мана шу чанглар юзасида синтезланган бўлиши мумкин.

Ҳаёт фақатгина маълум физ-кимёвий шароитлардагина мавжуд бўлади. (харорат, сув бўлганда, тўз ва бошқалар). Ҳаётнинг жараёнлари тўхтатилганда ҳамма вақт ҳам организм ҳаёт фаолиятини бутунлай йўқотмайди. Масалан: уруғларни қуритганда ва майда организмларни мўзлатганда. Агарда тўзилиши бузилмасдан сақланса, нормаль шароитда чиққанда яна ҳаётнинг жараёнлари давом этади.

Шунингдек ҳаётнинг пайдо бўлиши учун коинотнинг маълум бир йўналишда ривожланиш ва вақт, радиация чегараси, босим, намлик, хароратнинг маълум бир диапазонлари керак. Галактикаларнинг ўзаро итарилиши шунга олиб келади. Агарда Галактикалар яқинлашганда эди, радиациялар зичлиги бутун коинотда шунчалик катта бўлиб, ҳаёт бўлмас эди. Углерод гигант юлдузларда бир неча миллиард йил олдин синтезланган. Агарда коинотнинг ёши кичик бўлганда эди, ҳаёт ҳам пайдо бўлмас эди. Планеталар атмосферани ушлаб туриш учун маълум бир массага эга бўлиши керак.

### **Ерда ҳаётнинг бошланиши**

Бизнинг планетамиз ҳаётнинг пайдо бўлиши қулайроқ бўлган қуёш системасидаги олтин марказдир». Ернинг ёши 5 млрд йилга яқин. Дастлабки даврда ер юзасида ҳарорат 4000-8000 С бўлган ва ернинг совиши натижасида углерод ва қийин суюқланувчан металллар конденсатланиб ер қобиқини ҳосил қилган. Атмосфера ҳозиргидан анча фарқ қилган. Енгил газлар-вофрод, гелий, азот, кислородлар атмосферадан чиқиб кетган, чунки ҳали унга зич бўлмаган бизнинг планетамиз гравитацион майдони кучсиз бўлган. Аммо бу элементларни тўтган оддий бирикмалар қолган. Бошланғич атмосфера водород ва углерод, азотнинг метон ва аммиак каби бирикмаларидан иборат бўлган. Атмосферада кислороднинг йўқ бўлиши ҳаётнинг пайдо бўлиши учун зарур шароит бўлган: лаборатория тажрибалари шуни кўрсатадики, органик моддалар кислородга бой бўлган атмосферага қараганда, қайтарилган яъни кислород кам муҳитда осонроқ ҳосил бўлади. Ердаги қадимий тоғ жинслари атмосферанинг шундай бўлганлигидан далолат беради.

Ердаги ҳаётнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ муаммода бир неча қарашлар мавжуд. В. И.Вернадский фикрича ҳаёт ернинг пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлган. А.И.Спарин эса ҳаётнинг ривожланиш даври олдида ернинг химявий эволюциясининг ўзоқ даври турган. Кимёвий эволюция пайтида (3-5млрд йил олдин) мураккаб органик бирикмалар ва протохужайралар ҳосил бўлган. Протохужайраларнинг пайдо бўлиши биокимёвий эволюцияни бошлаб берди.

Табиий органик моддаларнинг синтезланишини уч усули маълум. Углерод ва азот тугувчи моддалар ернинг чуқур суюқ жойидан вулқон натижасида ернинг юзасига чиқиб кейин денгизга ўтган бўлиши мумкин.

А.И.Опарин фикрича органик моддалар океанда оддий моддалардан ҳам ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Бу моддалар синтезланиш реакцияси учун энергия қуёш радиациясидан (асосан ультрабинафша), тушган. Уша пайтда озон қатлам бўлмаган. Озон қатлам ҳосил бўлгандан кейин ультрабинафша нурларнинг кўпчилик қисми ергача етиб келмаган. Денгизларда органик моддаларнинг йиғилиши натижасида ҳаёт пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Ва охири тахмин, органик моддалар коинотда неорганик космик ҳом-ашёлардан ҳосил бўлган бўлиши мумкин.

Ҳоҳлаган бир мураккаб тирик жисм таркибига кирувчи органик бирикма тўзилиши учун бир неча мономер қисмлар зарур: 29 та мономер (шулардан 20 та аминокислота, 5 та азотли асос) тирик организмнинг биокимёвий тўзилишини кўрсатади. Тирик организм аминокислоталар (улардан ҳамма оқсил ташқил топади), азотли асослар (нуклен кислоталарнинг таркибий қисми), энергия манбаси – глюкоза, тўзилиш материал – ёғлардан ва бошқалардан тўзилган.

Шундай қилиб органик моддаларнинг ҳосил бўлишда нафақат космик фазодаги моддалар, юлдўзлар энергиялари ҳам катта роль ўйнаган.

Ерда ҳаётнинг бошланиш – оксилларни қайта ишлайдиган нуклейн кислоталарнинг ҳосил бўлиши билан бошланган. Мураккаб органик бирикмалардан оддий тирик организмларга ўтиш ҳозирча аниқ эмас. Биокимёвий эволюция назарияси фақат умумий схемани таклиф қилади. Бу схемага мос равишда коацерватлар (органик моддалар қуйқаси) орасидаги чегарада мураккаб углеводлар молекуласи тўзилиши натижасида коацерватларни стабиллигини таъминлайдиган оддий хужайра мембранаси ҳосил бўлган.

Коацерватда ўзининг қайта шакллантириш хусусиятига эга бўлган молекулалардан ўсиш хусусиятига эга бўлган оддий хужайра пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Бу гипотеза учун энг қийини – тирик системаларни ўз-ўзини қайта яъни ўзи мураккаб органик бирикмалардан оддий тирик организмларга ўтиши.

Бўларни назария эмас, балки моделлар ва гипотеза дейиш ўринли.

Тирик организмнинг шаклланиши учун кейинги қадам мембраналар ҳосил бўлишидир, органик моддаларни ўраб турган муҳитдан ажратиб туриши учун уларни ҳосил бўлиши билан тирикмас организмдан тирик организмни асосий структуравий фарқи бўлган хужайра «Ҳаётнинг бирлиги» ҳосил бўлади. Тирик организмни фаолиятини аниқловчи асосий жараёнлар айнан хужайрада кечади. Хужайра ўзи учун керакли озук моддаларни олиши, маҳсус биополимерларни синтезлаши учун ва чиқиндиларни хужайра ташқарисига чиқиши учун хужайра бир пайтнинг ўзида мингланган кимёвий реакциялар кечади. Хужайрада кечадиган биологик жараёнларда ферментларнинг аҳамияти катта. Улар юқори сепцифик ҳоссага ва фақатгина бир турдаги реакцияни катализлаши мумкин. Шуниси билан кимёвий катализаторлардан фарқ қилади. Фермент таъсирининг моҳияти шундаки, фермент таъсир қилаётган молекула яъни субстрат ферментнинг актив марказига боғланишга интилади. Шунинг билан тўқнашиш эҳтимоллиги ортади ва бунинг натижасида кимёвий реакция тезлиги ҳам ортади.

Оқсилнинг синтези хужайра цитоплазмасида содир бўлади. Инсоннинг ҳар бир хужайрасида 1000 хил оқсиллар синтезланади.

Хужайрасида ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) иплари бор бўлган, аммо ядросиз хужайралар олдинги бактериялар ва кўк-яшил сув ўтларини эслатади. Бундай қадимий организмларнинг ёши тахминан 3 млрд йилга тенг. Уларнинг хусусияти турлича: ҳаракатчанлиги, озиўланиши ва озукани запас қилиши ва энергияни йиғиши, ташқи ёмон таъсирлардан ҳимояланиши, ташқи ўзгарувчан шароитларга мослашиши, ўсишга бўлган хусусиятлари. Кейинги босқичда (тахминан 2 млрд йил олдин) хужайрада ядро пайдо бўлган. Бир хужайрали ядроли организмлар оддий организмлар дейилади. Уларнинг 25-30 минг тури мавжуд. Улардан энг оддийси – амёбалардир. Инфўзияларда киприкчалар ҳам мавжуд.

Тахминан 1 млрд йил олдин дастлабки кўп хужайрали организмлар пайдо бўлиб, ўсимлик ёки ҳайвонот олами танланган. Ўсимликларнинг ҳаёт

фаолиятининг дастлабки асосий иши фотосинтез, хлорофилл ёрдамида тутиладиган қуёш энергияси иштирокида карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) ва сувдан ( $\text{H}_2\text{O}$ ) органик моддалар ҳосил бўлиши. Фотосинтезнинг яна бир маҳсулоти кислород атмосферага чиқиб кетади.

Ўсимликларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалиши атмосфера таркибининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Дастлаб атмосферада жуда кам кислород мавжуд бўлган. Углерод ва карбонат ангидридни ассимиляциялайдиган ўсимликлар атмосферани эркин кислород билан бойитдилар ва бу ўз навбатида озон қатламини пайдо бўлишига олиб келди. Озон қатлами тирик организмларга салбий таъсир кўрсатадиган қисқа ультробинафша нурларга тўсиқ воситаси бўлиб хизмат қилади. Осмонда «чакмоқ» чакнаши натижасида молекуляр кислороддан атомлар кислород ҳосил бўлиб, бошқа молекуляр кислород билан ҳосил бўлган атомар кислороднинг бирикиши натижасида озон ( $\text{O}_3$ ) – уч атомли кислород йиғилади.

Асрлар давомида йиғилган ўсимлик қолдиқлари ер остида улкан энергия захиралари органик бирикмаларни (кўмир ва торф) ҳосил қилди, Дунё океанида ҳаётнинг ривожланиши натижасида денгиз организмлари скелетлари ва қолдиқларидан тоғ организмлари скелетлари ва қолдиқларидан тоғ жинслари қолдиқлари пайдо бўлди.

Тирик системаларнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

1. Ихчамлик. Китнинг тухум хужайрасидаги  $5 \cdot 10^{-15}$  грамм ДНКсида ҳайвоннинг оғирлиги  $5 \cdot 10^7$  граммга тенг бўлган кўпчилик белгиларини ахборот жойлашган.

2. Молекулаларнинг тартибсиз (хаотик) иссиқлик ҳаракатини тартиблаш хусусияти ва шу билан бирга энтропиянинг ортишига қарши таъсир кўрсатиш. Тирик организм манфий энтропияни истеъмол қилади ва иссиқлик мувозанатига қарши ишлаб, атроф муҳит энтропиясини оширади.

3. Атроф муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашинув хусусияти.

4. Метаболитик (модда алмашинуви) функцияларда катта ролни тескари боғланиш занжирлари ўйнайди, автокаталитик реакцияларда ҳосил бўлади. Яъни структураларни ҳосил қилиш учун мусбат тескари боғланиш, турғун яшаши учун – манфий тескари боғланиш керак.

5. Тирик системалар юқори даражадаги тартиблилиги ва фазода ҳам вақтда ассиметриклиги билан ҳаракатланади.

Тирик системанинг ихчамлиги ва энергетик тежамлиги молекуляр даражада юқори тартиблиги маҳсулотидир.

6. Тирикмас системаларнинг ташкил этувчи молекулалари оддий, реакция механизмлари мураккабдир; тирик системаларнинг ташкил этувчи реакция схемалари оддий, молекулалари эса мураккабдир.

7. Тирик системаларда ўтмиш бор, тирикмас системаларда эса нарса йўқ. «Атом физикасининг бутун структуралари маълум сондаги элементар ячейкалардан, атом ядролардан ва электронлардан тўзилган ва вақт оралиғида ҳеч қандай ўзгариш кўзатилмайди, аммо ташқи бўзилишга

учрайди. Бундай ташқи бўзилишга жавоб қайтаради, агарда бўзилиш катта бўлмаса улар дастлабки ҳолатига қайтади. Тирик организмлар эса – турғун эмас».

8. Организмларнинг ҳаёти икки факторга боғлиқ – насл қолдириши ва ташқи факторлар билан индивидлар реакцияларига боғлиқ бўлган ўзгарувчанликка боғлиқ. Биринчи пайдо бўлган ҳаёт, доимий эволюция жараёнидадир.

9. Ортиқча ўз-ўзини қайта ишлаб чиқишга бўлган хусусияти. Кўпайишнинг прогрессияси шунчалик юқорики, у ҳаёт учун курашади ва бунинг натижасида табиий, сараланиш вужудга келади. (Ч.Дарвин).

### **Тирик мавжудотнинг тузилиш муаммоси**

Ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақидаги муаммодан, тирик мавжудотнинг тўзилиш муаммосига ўтишда, бу областдаги илмий аҳамият катта даражада молекуляр биологиянинг ютуқлари билан бообластдаги илмий аҳамият катта даражада молекуляр биологиянинг ютуқлари билан боғлиқ. Тахминан 100 чи йиллар ўрталарида биология фанида революция бизнинг асримизда иккинчи эди.

Ҳужайранинг моддий таркиби, структураси ва унда кечадиган жараёнлар XX асрнинг иккинчи ярмига келиб аниқлаштирилди. «Ҳужайра бу физика били билан айтганда биологиядаги атомдир». Бу аниқки, масалан ҳар-хил кимёвий бирикмалар атомлардан ташқил топгандир, тирик организмлар ҳам катта сондаги ҳужайралардан иборат. Физикларнинг ишларидан шуни биламизки, ҳамма атомлар бир-бирига ўхшашдир: ҳар бир атомнинг марказида массив, мусбат зарядланган ядро, ядро атрофида эса электрон бўлутлар айланиб юради. Ҳужайра ҳам атом сингари бир-бирига жуда ўхшашдир. Ҳар бир ҳужайра ярим суюқ цитоплазма деб аталувчи модда ўртасида сўзиб юрадиган зич ядродан иборат. Ҳаммаси биргаликда ҳужайра мембранасига жойлашган ( Ж.Кендрью. «Ҳаёт ипи»)

Ҳужайра асосий моддалари-оқсилдир. Оқсиллар бир неча юзта асосий ва ён занжирдан тўзилган. Ҳамма тирик организмларда генетик аппаратга мос бўлган ўзининг оқсиллари мавжуд. Хусусан ҳужайра, ядрога жойлашган қайта ишлаш аппарати учун ҳам керак. Ҳужайрасиз генетик аппарат мавжуд бўла олмайди. Агарда ҳужайрага бирон бир ёт организм тушса ҳужайранинг иммунитет системаси бунга қарши кураш бошлайди. (иммуниет назарияси рус олими И.И.Мечников томонидан ишлаб чиқилган).

Ж.Кендрью шундай деб ёзади: «Тасаввур қилинг биз одамни Буюк Британия Улчамига каттлаштирамиз. Унда одамнинг бир ҳужайрасининг ўлчами фабрика ўлчамига тенг бўлади. Ҳужайранинг ичида минглаб атомлар тўтган, молекулалар шу жумладан рукленп кислота молекулалари бўлади. Биз ҳужайра ўлчамини шунга катта тасаввур қилсак ҳам нуклеин кислота молекулалари электр симларига қараганда ҳам нозикроқ бўлади».

Бежизга ҳужайрани фабрика билан таққослаётганимиз йўқ. «Ҳар бир тирик организм ўзига ҳос бир фабрикадир, чунки унда турли хил кимёвий маҳсулотлар, энергия ва бошқаларни ишлаб чиқади. Яна оддий фабрикадан

фарқли равишда тирик организм ўз-ўзини қайта ишлаш қобилиятига эга. Олимлар бу фабрика қандай ишлаши ва унинг қайта шаклланиш механизмларини тушунтиришга ҳаракат қилаяптилар.

Организмнинг ривожланиши жараёни учта асосий таркибидан иборат:

- жинсий кўпайишдаги-уруғланиш;
- хужайрада маълум моддалар ва структураларнинг қолип бўйича шаклланиши;
- хужайранинг бўлиниши-бунинг натижасида организм битта уруғланган тухум хужайрадан ўсиб чиқади.

Хужайранинг бўлинишини икки усули мавжуд.

Митоз-бу хужайра ядросининг шундай бўлинишики, бунда хромосомлар йиғиндиси билан иккита қиз ядро ҳосил бўлади. Хромосомалар сони ота-она хужайрадаги каби бўлади.

Мейоз-бунда хужайра ядроси бўлиниб, тўрта қиз ядро ҳосил бўлади. Ота-она хужайрага қараганда бу қиз хужайраларда хромосомалар сони иккига кам бўлади. Биринчи усул жинсий хужайралардан ташқари ҳамма хужайралар учун ҳарактерли, иккинчи усул жинсий хужайралар учун ҳарактерлидир.

Одам организми хужайрасида ДНК 23 жуфт хромосомага бўлинган ва 1 млрд жуфтга яқин асосга эга; унинг ўзунлиги 1 м га яқин. Агарда одам организмидаги ҳамма хужайралар ДНК сидан занжир ҳосил қилсак бутун Қуёш системасини айланади.

Информация ташувчи нуклеин кислоталар азот тутади ва учта функцияни бажаради: Ўзини қайта шакллантириш; ахборот сақлаш; ва бу ахборотни реализация қилиш. Нуклеин кислоталарнинг мономерлари ахборот ташийдди, шу бўйича аминокислоталар тўзилади.

Организмнинг ҳоссалари ҳақидаги турли ахборотларни реализацияси турли хил оксилларни генетик кодга мос равишда синтезланиши натижасида амалга оширилади. Организмларни ўхшашлиги ва фарқи оксиллар йиғиндиси билан аниқланади. Организмлар қанчалик бир бирига яқин бўлса, уларнинг оксиллари шунчалик яқин бўлади.

ДНК молекуласини шундай фараз қилиш мумкинки организм типографияда нусхалангани каби нусхаланади. ДНКнинг маълум бир оксилга қолиб вазифасини бажарувчи қисми ген деб айтилади. Генлар хромосомаларда жойлашган.

Қайта тикланиш жараёни учта қисмдан иборат: репликация, транскрипция, трансляция.

Репликация – бу ДНК молекуласининг икқиланиши, хужайранинг кейинги бўлиниши учун зарур бўладиган хужайранинг қайта шаклланишининг асосида ДНКнинг ажойиб бир ҳосси ўзида нусхаланиш ва қатъий, бир қийматли бўлиниш. Шундан кейин хужайрага бўлинади.

Транскрипция – бу ДНКнинг бир ипига бир занжирли ахборот РНКни ҳосил қилиб, ДНК кодининг ўтиши (информацион РНК – ДНК молекуласи

қисмининг нусхаси бўлиб, оксилни тўзилиши хақидаги ахборотларни ташийди).

ДНКдан РНКнинг фарқи РНКдаги рибоза ўрнига ДНКда дезоксирибоза бўлади ва азотли асослардан урация ўрнига тимин бўлади.

Трансляция – рибосомаларда информация РНК генетик коди асосида оксилларнинг синтезланиши. Рибосомага транспорт вазифасини бажарувчи РНК аминокислоталарни ташийди.

Генетика ўзининг ривожланиш босқичида етита босқични босиб ўтди.

I-босқич. Грегор Мендель (1822-1884) ирсий қонуниятларни очди. Горохнинг силлиқ ва ғадир-будур навларини чаптириб, биринчи авлодда фақат текис уруғларни, иккинчи авлодида 1/4 қисми ғадир-будур уруғларни олди. У шуни аниқладики: зародиш хужайрасига ҳар қайси ота-она уруғидан битта эмбрион хужайра келиб тушади. Улар бир хил бўлмаса, гибрид уруғда битта белги яъни силлиқлик доминантлик қилади. Рецессиви яширин ҳолатда қолади. Кейинги авлодларда белгилар 3:1 нисбатда тақсимланади.

Этап II. Август Вейсмон кўрсатиб берадики, жинсий хужайралар организмдан алоҳида ва шунинг учун ҳаракатдаги соматик тўқималарга кўрсатмайди.

Этап III. Гугоде Фриз дискрет ўзгарувчанлик асосини ташкил этувчи ирсий мутацияни очиб берди. Фриз шуни айтадики янги турлар мутация натижасида пайдо бўлади. Мутация-бу ген структурасининг қисман ўзгаришидир. Мутацияни охирги эффекти кодланган мутант генлар ёрдамида оксилнинг хусусияти ўзгаради. Мутация натижасида пайдо бўлган белги йўқолмайди. Мутация радиация, ҳарорат ўзгариши, кимёвий бирикмалар таъсирида ва яна тасодифан содир бўлади.

Этап IV. Томас Морган-биологик турнинг маълум қатъий хромосомалар сони мавжудлиги асосида ирсиятнинг хромосома назариясини яратди.

Этап V. Миллер 1927 йилда генотип рентген нурлари таъсирида ўзгаришини очди.

Этап VI. Бидл ва Э.Татумлар 1941 йилда биосинтез жараёнларининг генетик асосини эълон қиладилар.

Этап VII. Жеймс Уотсон ва Френсис Криклар ДНК молекуляр структураси модели ва унинг репликация механизмини кўрсатдилар.

### **Таянч тушунчалар**

Ҳаётнинг келиб чиқиши. Тирик ва нотирик табиат. Креационизм. Стационар ҳолат. Панспермия; Опарининг табиий-илмий концепцияси Вернадский таълимоти. Фотосинтез. Генетика ривож. Материя, ҳаракат, фазо ва вақт. Кибернетика. Инсон мияси фаолиятини моделлаштириш.

Кимё фанининг қонунлари. Кимё ва глобал муаммолар.



## **8-Мавзу: ФАН ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА РЕСУРСЛАРДАН ФойДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Умумбашарий муаммолар: тушунчаси ва йўналишлари
2. «Жамият табиат» тизимидаги глобал муаммолар
3. «Инсон жамият» тизимидаги глобал муаммолар
4. Илмий башоратлар ва унга ёндашувлар
5. Ўзбекистондаги экологик вазиятнинг асосий йўналишлари.
6. Табиий ресурслардан фойдаланиш технологиясининг оқилона йўллари яратиш муаммолари.

**1 масала.** Одамзод насли XX-асрнинг иккинчи ярмида шундай муаммолар домига тортилди-ки, эндиликда уларнинг исканжасидан қутилиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX-асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умумбашарий муаммо-ядро халокатини олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, II-жаҳон урушидан кейин ахвол ўзгарди. Аҳоли табиий юқори даражаси сақланиб қолиши, фан ва техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишига ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли типдаги башоратлар келиб чиқди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл заковатли одам «Бундай йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимизни етарли даражада аниқ даражада тасаввур қиляпмизми?» - деган саволни ўз олдига кўндаланг қўйиши ва унга жавоб топиши зарур бўлиб қолди. Бу саволларни бутун жаҳон ҳалқларининг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди.

Табиатга кишиларнинг таъсири кучая борган сари табиий мувозанатнинг бўзилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиғи, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора халокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай тахликали ҳолатдан фақатгина, ҳар қандай сиёсий, минтақавий, иркий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар теварагида жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қўллаш орқалигина қутилиши мумкин. «Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қолдиришдир».

Ҳозирги пайтда инсониятга хавф солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Бундай муаммоларга қуйидагилар киради;

-термоядро уруши хавфини олдини олиш ва қуролланиши бартараф этиш;

-жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;

-табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;

-инсониятнинг бахти-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун ҳалқаро фаолликни янада фаоллаштириш; (энг хавфли касалликларга қарши кураш, космосни ўзлаштириш);

-дунё океани бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш; озон қатламнинг йўқолиши хавфини олдини олиш; ва х.к.);

-инсоният ва унинг келажаги тўғрисида ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш; киши организмнинг жуда тез суръатлар билан ўзгараётган сунъий ва табиий муҳитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шундай муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишнинг ўзидаёқ кишилиқ цивилизацияси ўта мураккаб, ўта қалтис бир жараёни бошидан кечираётганлигидан далолат беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир турлари мавжудки, уларнинг ҳал қилиниши ўзидаёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини аниқ чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади.

**Биринчидан**, ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўротасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва х.к.) бўлиб, улар шартли равишда «интерсоциал» муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу қабиларни ҳам қамраб олади.

**Иккинчидан**, «Инсон ва жамият» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, уларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият, аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши («Демографик портлаш», кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмни ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий муҳитга мослашиши) шунингдек, инсониятнинг келажаги каби муаммоларни киритиш мумкин.

**Учинчидан** «инсон - табиат» муносабатларига эса ҳам-ашё ресурсларини тежаш, аҳолини озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар таъсирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган ҳолдагина туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соф ижтимоий глобал муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита улашиб кетишини ҳам назардан соқилмаслик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар тамонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Бу эса ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта маъсулиятлар юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча ҳилларга бўлинади. Масалан, ҳалқимизнинг илк тарихий кадриятларидан бўлган муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўз даври учун катта аҳамият касб этган. «Авесто»да зардўшт ўлимидан кейин 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазада қудрати Ахриман ёвўзлиги устидан тўла ғалаба қозанади, дея ишонч билдирган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Фарб мамлакатларида кенг шуҳрат қозонаётган бир қатор Фарб футурологияси мазмунига эга. Фарб футурологияси машҳур намоёндаларидан фон Карман, Е.Шервин, Г.Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро халокатли ёки бошқа бир умумбашарий муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишига уринадилар.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1986-йилда А.Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж.Форрестер, Д.Медоўз, Я.Тинберган, А.Кинг ва бошқалар томонидан тайёрланган ҳисоботларнинг илмий аҳамияти ниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси шубҳа остида қолдираётган умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зугумнинг мудҳиш оқибатлари қандай бўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, ундан асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истиқболини белгилашда энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлари йўлида ҳамжихатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай муаммолар анчагина. Масалан, 1955-йил 31 январда Федерико жулио Кюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофати совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожат қилиб, ядро куролининг жуда хавфли тус олаётганини, бу фалокатни олдини олиш учун фан арбоблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б.Рассел Ф.Кюри таклифни қуллаб-қувватлаб, бу мурожатга имзо чекувчи вақиллар ҳар хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир ҳалият вақиллари иштироки зарурлигини таъкидлайдилар. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда «янгича тафаккур услуби» деб аталган ва жаҳоннинг энг олимлари А.Энштейн, Ф.Жулио-Кюри, М.Борн, Л.Полнинг ва бошқалар тамонидан имзо кўйилган манифестига асос қилиб олинган эди. Натижада 1955- йил 9-июл куни Б.Рассел тамонидан ўтказилган

пресс-конференциясидаги «Рассель-Энштейн» манифети номи билан шуҳрат қозонган, бутун ер юзи аҳолисига, сиёсий ва давлат арбобларига қаратилган маҳсус чақириқ эълон қилинган. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган эди. Манифестда «Биз янгича фикр қилишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимизни у ёки бу гуруҳ мамлакатларининг ҳарбий ғалабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг дахшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огоҳлантиришимиз учун нималар қилдинг деб сўрашимиз керак», - деган сўзлар бор эди.

«Рассель-Энштейн манифести» чоп этилганига ҳам мана 45 йил ўтди. Бу вақт мобайнида ядро қуролларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш кўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган ярим аср мобайнида қуролланишига 16-18 трл. доллар маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда ҳарбий соҳалар учун ҳар йилига 1 трл. доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бир кунда қурол яроққа ажратилган маблағ 3,4-3,5 млрд. долларни ташқил этмоқда. Таққослаш учун қуйидаги рақамларга мурожат қиламиз. Жоҳон соғлиқни сақлаш ташқилотининг безгакка қарши кураш тадбирлари учун бир йилда 28-30 миллион доллар ажратишини, Халқаро нуфўзли ташқилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик бюджети 959-980 миллион доллар миқдорида эканлигини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ҳарбий саноат ўз домига табиатни шундай ноёб бойликларини тортяптики, бу сарф-ҳаражатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида ҳомуш ҳаёллар оғушида қолмасдан, балки, ўта камёб ақл эгалари, талантли кишиларнинг ақл фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатларига қаратилган йўналишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Кишилиқ жамиятининг табиат билан муносабатлари ва уларнинг ифодаси бўлган фаолият турлар ғоят хилма-хилдир. Улар ичида белгиловчиси моддий ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Бу фаолият туфайли умумбашарий характери билан боғлиқ қуйидаги муаммолар содир бўлмоқда.

## **2. Энергия ва ёқилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоси.**

Даримизнинг энг муҳим белгиларидан яна бири жаҳон иқтисодиётининг суръатини белгилайдиган энергия истеъмол қилиш кўлами мутассил кенгайиб бораётганлигидир. Агар ҳозирги суръатда жаҳон иқтисодиёти давом этадиган бўлса, у вақтда саноат ва қишлоқ хўжалигини энэргияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида йилига 20 млрд. тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35-40 млрд, XXI аср охирига бориб, 80-85 млрд тоннани ташқил этиши тахмин этилмоқда.

Вужудга келаётган бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кўмир, газ ва хокозо) дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбаалар (ГЭСлар, АЭСлар, шамол электростанциялар, қуёш энергиясидан фойдаланиш, водород, гелий ва хокозо)дан олинадиган энергия миқдорини

мутассил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол электрстанциялар 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60 % қондириши мумкин.

Яқин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг қарийб 34 % ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ён атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг қурилиши ўз навбатида ана шу регионнинг, иқлим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардаги халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиши мумкин (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши мумкин). Атом электрстанцияларнинг чиқиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши мураккаб масалаларига айланди. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобл АЭС IV блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катта миқдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлди.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодиётини ўстириш учун энегияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзга чора йўқ. Бироқ, бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий муҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда электр энергиясини кўпроқ илаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажакини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятига молик муаммолар срасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

**Ҳом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси.** Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45%, темир рудаси 57%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шу ҳолатни ҳом-ашёнинг бошқа турлари тўғрисида гапириш мумкин. Таҳлилларга қараганда, 90-йилларда ишлаб чиқарилган ҳом-ашё миқдори 60-70-йиллардагига қараганда 1,5-2 баробар кўпайди.

Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсоният ҳом-ашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбааларининг камайиб бориши, шунингдек бошқа ҳом-ашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Вужудга келган экологик вазият, табиий муҳитнинг инсон организмига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа тамондан эса, фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини ҳом-ашё ресурслари, фойдали қазилмалари билан етарли миқдорда таъминлан муаммоси ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи

ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулотнинг 3-5% миқдориди маблағ ажратиши зарур. Демак, ҳар йили ўрта ҳисоб билан 650-850 млрд доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб қилинади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танқислигидан қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45 км<sup>3</sup> ҳажмда саноатдан чиққан оқова сувлар сув хавзалари, кўл, денгиз, океан сувларини ўзининг захарли таркиби билан бўлғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувларига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

**Дунё океаннинг ифлосланиши, жонли табиатнинг йўқотилиши янада хавфли тус олмоқда.** Ҳар йили океанларга 12-15 млн тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўқилмоқда, шаҳарларнинг кенгайишию. Саноат корхоналарини кўриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб экин далалари кенгайилмоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,28% тропик йўқолиб бормоқда, 200 минг км<sup>2</sup> террориядаги тропик ўрмонлар кесилиб қайта тикланмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн гектар, ёки минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун жуда зарур бўлган мўътадил муҳитнинг бўзилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг яна бир салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламнинг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда космосга ҳам таъсир эта бошлади.

**3. Озиқ-овқат муаммоси ва биосфера.** Ниҳоятда тез ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё халқларининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги ҳукм сураётган мамлакат халқлари хиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 гектарни ташқил этмоқда. Ҳолбуки, 1950-йилда бу кўрсаткич 0,5 гектарни ташқил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларни ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда ҳосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар қилиниб, 80-йилларнинг охирига келиб дунё миқёсида етиштирилган маҳсулот ўсишининг 90% ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига тўғри келади. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффақиятларга табиатга хаддан зиёд қилинган қаттиқ зуғум қилиш натижасида эришилади. Жуда кўп ерлар бундай тазйиқга дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бу ерлани табиий ҳолатига қайтариш учун имконият қолмади.

Бундай тахликали ҳолатлар сабабларини аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда тез суръатлар билан кўпайгани, уларнинг иш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши билан

табiiй муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш учун етарли маблағни топа олмайганлигидан излаш керак.

**Ривожланган ва кам тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш** ҳам давримизнинг энг жаҳоншумул муаммолари қаторидан ўрин олди. Ривожланган мамлакатларда замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий техника ютуқлари системалаштирилган билимлар захираси тўпланиб, шу билан бирга аҳолининг табiiй ўсиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан ўз мамлақати аҳолисининг иқтисодий яшаш тарзининг бекиёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг ўзига ҳос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индустрлаштириш жараёни асримизнинг 70-йиллари бошидаёқ тугалланиб, энг аввал АҚШ ва кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юқориқ босқичига ўта бошлади. Бунда илмий техника ютуқлари кўпроқ талабга мос ва юқори технологияни ривожлантиришга кўп эътибор берди, табiiйки, оқибатда жуда кўп фойда олина бошланди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида малакасиз ёки кам малака ва билимга эга бўлган ишчи кучларига эҳтиёж кескин камайиб кетади.

Бунда иқтисодий тарққиёт даражаси табiiй ресурслар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эмас, балки илмий билим, технология, мураккаб машина ва ускуналар билан ўлчанади. Ривожланаётган мамлакатлар бу даражага етишиш учун бир қатор жараёнлардан ўтган.

Биричидан, бу мамлакатлар табiiй бойликлари ҳисобига орттирилган миллий даромад миқдори мамлакат аҳолиси жон бошига тушадиган салмоғи кескин даражада кўпайди.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисини туғилишини егаралаш, уларга сарфланадиган маблағни юқори технологияни эгаллашда зарур бўлган мутахассислар етказиш учун сарфлаш кўзда тутилади.

Учинчидан, илмий-тадқиқот, олий ўқув юртлари ва маорифга тараққиётни таъминловчи асосий манбаа сифатида қараб, биринчи даражали аҳамият берилади. Чунки юқори технологияни эгаллаш юқори малакали илм эгаларини талаб қилади. Ижтимоий тараққиёт даражасини белгиловчи энг асосий омил илий тафаккур эса жамият аъзоларининг маърифатлилиқ даражасини белгилаб беради. Бу соҳада, бутун жаҳон миқёсидафан ва таълимга 3-4% ялпи миллий маҳсулотнинг миқдорида маблағ ажратилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,3% миқдорда эканлиги келажакка катта умид билан қарашга имкон туғдиради.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида баъзи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кўрсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб бораётганлигини кўзатиш мумкин. Агар XX асрнинг 60-йилларида Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий маҳсулот жон бошига 50-70 долларни ташқил этган бўлса, Афғонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АҚШда 3600-3800 доллар бўлган. 1994 йилги маълумотларга мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот жон бошига: Ҳиндистонда 370 доллар, Афғонистонда 80 доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангладешда 125 доллар,

Германияда 22 минг доллар, Италияда 14800 доллар, АҚШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг доллар, Японияда 37 минг доллар бўлган.

Демак, камбағал давлатларнинг камбағаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги демографик жараён эканлиги таъкидланмоқда. Аҳолининг фақат миқдорий ўсишининг ўзи кўркўрона яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг эътиқоди, миллий психологияси, кадрият ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фаол демографик сиёсат олиб бориш зарур.

**Демографик муаммолар ва унинг фалсафий таҳлили.** XX аср ўзининг бир қатор белгилари билан олдинги барча даврлардан кескин фарк қилади. Хусусан, XX асрни яна «демографик портлаш» давридир, деган қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бунда қолган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзасида аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилади. «Демографик портлаш» тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қисқа бир даврида, муаян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий тугилиш ҳисобига аҳоли миқдорининг ниҳоятда тез кўпайишини англатади.

Инсониятнинг олдида ана шундайхавф борлиги тўғрисида дастлаб инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766-1834йй) огоҳлантирган эди. У ўзининг «Аҳолишуносликнинг қонунияти тўғрисида тажрибалар» номили китобида аҳолининг геометрик прогрессия бўйича кўпайишини, унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматларининг кўпайиши арифметик прогрессия бўйича рўй беришини айтган эди. Мальтус бу жараённи олди олинмаса, яқин келажакда, планетар масштабда, табиий муҳит бериши мумкин бўлган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда кўпаяётган дунё аҳолиси эҳтиёжи ўртасида зиддият вужудга келишини башорат қилган эди.

Дарҳақиқат, бундан 6-8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн атрофида одамлар истиқомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу кўрсаткич эраизмнинг бошларида 230 млн, 1-минг йилликнинг охири 2-минг йилликнинг бошларида, **«КЕЙИНГИ ВАРРОҒИ ЙЎҚ!»** ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши кераклиги башорат қилинган. Ислом Каримов тўғри таъкидлагани каби: «Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақлий имкониятларимиз, халқимизнинг буюк маданияти буюк маданияти ва ахлоқий кадриятларимиз, заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саховатлилиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир».

Албатта, мамлакатимизда собиқ Иттифокдан мерос қолган энг глобал муаммо Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташаббусларни ўртага ташлаб келмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз аҳолиси ҳам муттасил ошиб бормоқда.



Республикамизда «демографик портлаш» асосан, XX асрнинг иккинчи яримида юз бериб, бу жараён (бошқа бирор жиддий омиллар таъсир этмаса) XXI асрнинг дастлабки ўн йилликлари охиригача давом этиши башорат қилинмоқда. Республикамизда ҳозирги вазиятда вужудга келган ўзига ҳос «демографик вазият ғоят муҳим хусусиятлардан биридир, - деб қайд қилинган эди Президент И.А.Каримов, - Жумҳуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ортиб бормоқда». Жумландан, 1980 йилда аҳолининг бир йиллик табиий ўсиш 421161 кишини ташқил этди, бу кўрсаткич 1989 йилда 480621 кишини, 1997 йилда 580673 кишини ташқил этди.

Ўзбекистон ўз аҳолисини ўсиши билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинки, муваффақиятли ҳал қилишга киришди. Президентимизнинг бозор муносабатларига ўтишда аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсати, республикамизда бўлиши мумкин бўлган ижтимоий тенгсизликни олдини олишга хизмат қилади.

Кейинги пайтларда республика ҳукумати оналарнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, туғилган ҳар бир чақалоқ олида ота ва онанинг, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини борасида, шунингдек фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда халқи олдидаги бурчларини чуқур англашлари учун жуда катта маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда «Соғлом авлод» жамғармасининг тўзилиши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши фикримизнинг далили бўлади.

Бугунги кунда ўзбек халқининг қадриятлари асосида ёш авлод дунёқараши шакллантирилганда, шубҳасиз аجدодларимизнинг ўз Ватани, табиий муҳитга бўлган меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муқаддас туғусининг авлоддан-авлодга мерос ўтаётганлигини ва бу мерос олдида чуқур маъсулият ҳисси бўлиши зарур эканлигини ҳисобга олиш лозим.

**Глобал илмий башоратлар: икки хил ёндашув.** Олимлар инсоният ривожланишининг яқин муддатли истиқболга мўлжалланган кўплаб глобал илмий башоратлари (прогноzlари)ни ишлаб чиққанлар. Унда принцип жиҳатидан бир-бирига зид икки хил ёндашув кўзга ташланади: бу ёндашувларни пессимистик (яъни, тушкунлик руҳидаги) ва оптимистик (яъни, келажакка комил ишонч руҳидаги) ёндашув деб аташ мумкин.

Пессимистик ёндашув 70-йиллар Рим клуби иштирокчилари ишлаб чиққан глобал лойиҳаларида ўзининг айниқса ёрқин ифодасини топган. Бу лойиҳа («сценари»)га кўра XXI аср ўрталарига келибоқ Ер юзининг кўп табиий ресурслари деярли тўла тугаб кетади, атроф-муҳитнинг ифлосланиши эса фожиали даражага етади. Натижада глобал миқёсда ресурслар, экологик, озиқ-овқат таназзули рўй берди, бошқача қилиб айтганда «дунё охирлайди» ва сайёрамиз аҳолиси кирила бошлайди. Бундай фикрдаги олимлар алармистлар (французча *alarme* – қуруқ, ташвиш, бонг) дейилади. Фарбда кўплаб алармистик адабиётлар пайдо бўлди.

«Шу жиҳатдан олиб қараганда буржуа футуролог олимлари китобларининг қуйидаги номи характерлидир: «Ўсиш чегаралари», «Ўлмай қолиш стратегияси», «Инсониятнинг бурилиш нуқтасида», «Охирлаётган

доира», «Олдинда тубсизлик», «Келажак билан учрашувдаги кўнгилсизлик», «Одамлар кўпайиб кетишидан портловчи бомба» ва хокозо. Бу асарларнинг умумий кайфияти ғарбий наширларнинг бирида босилиб чиққан куйидаги пародияда ўз аксини топган: «Яқин сўнгги одам сўнгги томчи нефтни сўнгги бир тутам ўтни қайнатиб, сўнгги каламушни қовуришга сарфлайди».

Бу олимларнинг тавсиялари аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини чеклаш, ҳам яхшиси – тўхтатишга бориб тақалар эди.

80-йиллар жаҳон футурологиясида келажакка бир мунча оптимистик баҳо бериш билан силжиш рўй берди. Бундай ёндашувга асосланувчи олимлар инсониятнинг глобал муаммолари жуда мураккаб эканлигини инкор этмайдилар. 1987 йил атроф-муҳит муаммолари бўйича тўзилган Халқаро комиссия ўзининг «Бизнинг умумий келажакимиз» номли докладада экологик таназзул ва ривожланиш таназзули борасидаги жиддий огоҳлантиришни билдирди.

Бироқ бундай огоҳлантиришга қарамай, улар Ер бағрига ва Дунё океани ҳали жуда кўп фойдаланилмаётган ва очилмаган бойликларни ўзида яшириб ётибди, анъанавий ресурслар турлари янги хил ресурслар билан алмашинади, фан-техника тараққиёти жамият билан табиат ўртасидаги экологик мувозанатни яхшилайти, ҳозирги вақтдаги демографик портлаш эса, абадий, яъни туганмас ҳодиса эмас. Улар глобал муаммоларни ечишнинг бош йўли аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг қисқартиришда эмас, балки инсониятнинг фан-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ социал тараққиётида, жаҳон сиёсий иқлимнинг илиши ва қуролсизланиш сиёсатида деб билладилар.

Жаҳон иқтисодиётини тубдан ўзгартириш, фан-техника тараққиёти, турли хил ахборотлар алмашинуви, инсон ва товарларнинг силжиши, қисқача айтганда, инсоният цивилизациясининг бутун ривож, ўз навбатида дунёнинг тобора ўсиб бораётган бирлигига, материклар, регионлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ўзаро кучайишига олиб келмоқда. Мана шунинг учун ҳам умуминсоний манфаатлар ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда ва ўзини тобора яққол намоён этмоқда. Бу манфаатлар биринчи навбатда инсониятнинг глобал муаммоларида намоён бўлмоқда. Глобал муаммолар эса, бизга маълумки, давлатлар ва халқларнинг амалий, яратувчан ҳамкорлигини бутун сайёрамиз миқёсида йўлга қўйилишини талаб этади.

Инсониятнинг глобал муаммолари-дунёвий муаммолари олимлар, сиёсий арбоблар ва кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб, уларни кўп фанлар, шу жумладан, фалсафа фани ҳам ўрганади. Фалсафа фани бу муаммоларни фалсафий жиҳатларини асослаб беради. Деярли барча фанлар глобал муаммоларни ўз ўрганиш доирасида талқин қилсада, бу глобал муаммоларни туб моҳиятини, уларнинг ечимини ҳал қила олмайди. Ҳозирги кунда шу нарса маълум бўлдики, глобал муаммоларни фақат «глобал» ва хатто «регионал» миқёсида ҳам ечиб бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам олимлар «Глобал (дунёвий) миқёсда фикрлаб, локал миқёсда иш юритиш» шиорини ўртага ташламоқдалар.

Юқорида кўрдикки, инсоният глобал муаммоларининг ҳар бири унинг аниқ мазмунига эга. Бироқ уларнинг барчаси ўзаро чамбарчас боғлиқ:

чунончи, энергетика ва ҳом-ашё муаммоси экологик муаммолар билан, экологик муаммо демографик муаммо билан, демографик муаммо эса озик-овқат муаммоси билан боғлиқ ва ҳақозо.

Энг асосий хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, глобал муаммолар бир қанча илмий, техникавий, иқтисодий ва бошқа хил масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлса-да, улар аввало социал масаладир. Тинчлик ва фан-техника инқилоби шароитида кишилиқ жамиятининг аҳоли ортиқчилиги, табиий ресурслар етишмаслиги ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли тугаб кетиш ҳавфи йўқ.

**5 масала.** Табиатни муҳофаза қилиш жараёнида вужудга келган муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал қилишда табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тирик организмларни мавжудлик шароитларини ва яшаш муҳити билан тирик организмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқларни ўрганувчи фан экология дейилади. Экология сўзи – грекча «ойкос» - уй, «логос» - фан сўзларидан ташқил топган.

Инсоннинг вужудга келиши ва унинг табиатига бўлган таъсири турли ижтимоий иқтисодий тўзумларда борган сари инсоннинг онги ошиб бориш жараёнида тирик мавжудотнинг янги принципиал шакллари таркиб топди. Инсон табиатда мавжуд бўлган тайёр озик-овқатларни истеъмол қилибгина қолмай, уларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланади ва шу жараёнда табиатга ҳам таъсир кўрсатди. Инсон ва табиат бир-бири билан ўзаро ўзвий боғлиқдир. Табиат ва жамият бир-бири билан боғлиқ ҳолда бир бутунликни ташқил қилади.

Экология терминини 1866 йил немес зоологи Э.Геккель фанга киритган ва бу фан жуда кераклигини, кейинчалик кенг миқёсда ўрганишини айтиб ўтган. Экология фани экологик системалар, понуляцияларни ўрганади ва уларни тадқиқ қилади. Экологик системаларни биогеоценозлар деб брители, бу биосферани алоҳида фаолият кўрсатувчи элементлари ҳисобланади.

Биогеоценоз нисбатан бир хил участкада жойлашган ва ўзоқ муддат давомида чиқиндисиз, ёпиқ ишлаб чиқариш жараёни амалга оширувчи ўсимликлар, ҳайвон ва микроорганизмлар понуляциялари йиғиндисига айтилади. Потенция – бу тирик организмларнинг у ёки бу биогеоценозда бирга яшаш учун қулай бўлган турларнинг бирликда ўзаро мослашган ҳолда яшаши.

Биогеоценозда организмлар озикланиши бўйича 2 та группага бўлинади.

1. Автотроф – ноорганик моддалардан органик модда ҳосил қилувчи яшил ўсимлик.

2. Гетеротроф – бу инсон ҳайвон, микроорганизмлар. Улар органик модда синтез қила олмайдилар.

Биосферада модда алмашинув жараёни мавжуд бўлиб, бу бир неча млрд йил давомида эволюцион ривожланиб келган моддалар айланма ҳаракатини эса 3 гуруҳ организмлар амалга оширади.

1. Продуцентлар – яшил ўсимликлар
2. Қонуниятлар – ўтхўр, йирткич, порозитлар
3. Редуцентлар – парчаланаётган организмлардан озикланувчи организмлар.

Бу айланма ҳаракатда ҳеч вақт чиқинди ҳосил бўлмайди ва экология бўзилмайди.

Бу айланма ҳаракатдаги организмларга таъсир кўрсатувчи муҳит элементлари бўлиб улар экологик факторлар дейилади ва бу факторлар 3 гуруҳга бўлинади.

1. Абиотик фактор – температура, босим, шамол...
2. Биотик фактор – организмларни ўзаро таъсир
3. Антропоген фактор – инсоннинг таъсири

Ҳозирги келиб моддалар айланма ҳаракатига антропоген факторлари таъсири ўсиб бормоқда. Антропоген факторлар таъсирида моддаларайланма ҳаракатининг очиқ цикли ҳосил бўлиб, натижада экологик муаммоларни юзага келтирмоқда.

XX асрга келиб инсониятни табиатга таъсири, яъни биосферага таъсири кескин даражада ўсди. Натижада Биосфера ўз-ўзини тиклаш қобилиятига улгура олмай қолди. Табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш имкониятлари эга бўлмаган саноат корхоналари бунёд этилди. Натижада барча заҳарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув хавзаларини, ерларни ифлосланишига олиб келди.

Инсоният ҳозир табиатга кескин ва интенсив равишда таъсир ўтказяпти. Бу кескин ва интенсив равишда кўрсатилаётган таъсир ҳисобига биосфера ички ўз-ўзини бошқа механизми бўзилади, яъни экологик инқироз содир бўлади.

Бу инқироз инсоният учу хавфли экологик муаммони келтириб чиқаради. Экологик муаммо эса ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб муаммо ҳисобланади.

Табиатга кўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон табиатни хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса Марказий Осиё минтақсида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожеага айланди. Уларни қирилиб кетиши, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши келтриб қўйди.

Бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда мутахассисларнинг баҳолашича хавфли вазият вужудга келмоқда. Бўлар қўйидагилар:

1. Ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Республиканинг 447,4 минг км<sup>2</sup> ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10% экин майдонини ташқил этади. Ўзбекистоннинг анча қисмини чўллар ташқил қилади. Марказий Осиё мамлакатлар орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб

1 км<sup>2</sup> га 51,4 киши тўғри келади. Бу кўрсаткич МДХ давлатлари ичида энг юқориси.

Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва хосилдор ерларни, уй-жой қуришга, корхоналар, транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда.

XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада бораётганлиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни штаб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Бу муаммони олдини олишга қарши чора тадбирлар олиб борилмаганлиги туфайли шамол ва сув таъсирида емирилиш тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир. Сўнги 50 йил мобайнида суғориладиган ер майдони 2,46 миллион гектардан 4,28 миллион гектарга етди.

Экин майдонлари таркибида сўнги вақтларга қадар пахта деярли 75% майдонни эгаллаган эди. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг сув физикавий хоссаларига, тупроқнинг бўзилиши ва нуруши жараёнлари ортишига олиб келди. Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гертицидлар ва пестицидлар қўлланиши ўнлаб баробар ортиқ эди.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан шиддадли тарзда ифлосланиши реал таҳдид туғдирмоқда.

Фойдали қазилмаларни жадал қазиб олиш кўпинча уларни қайта ишлашнинг технологик схемалари номукамаллиги кўп миқдорда чиқиндиларни тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Радиоактив ифлосланиш катта хавф туғдирмоқда. Мойлисув дарёсининг қирғоқлари ёқасида 1944-1964 йиллар уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилар кўмилган. Ҳозирги вақтда қолдиқлар сақланадиган 23 та жой мавжуд. Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив қумни шамол учириши хавфи бор. Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, тупроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат.

Бу ўринда гап энг аввол табиий захиралардан фойдаланишни тубдан яхшилаш ҳақида бормоқда.

2. Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан караганда, сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақсиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда.

Марказий Осиёда сув захиралари жуда чекланган. Йилига 73 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё асосий сув манбаларидир.

Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув захираларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари йўлида ҳамда экология талабларни, дарёлар дельталарида ва Орол денгизида мақбул ҳаётий шарт-шароитларни яратиш мақсадида бу ерларда сувнинг ўтишини таъминлаш зарур.

Минтақанинг яна бир муаммоси сувни муҳофаза қилиш ва тежаш тадбирлари мажмуини амалга ошириш зарурияти билан боғлиқдир. Бу тадбирлар сувнинг исроф бўлишини нг кам даражага келтириш мақсадида суғориш тармоғининг режими ва ўлчаларини суғориш техникаси билан мустаҳкам боғлашни ўз ичига олади.

Сув захираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир. 60 йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги ерлар кенг кўламда ўзлаштирилди. Саноат, сорвачилик комплекслари экстенсив ривожлантирилди. Урбанизация кучайди. Коллектор – зовур тизимлари қурилди ҳамда дарё сувлари суғориш учун муттасил юқори хажмларда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг сифати тобора ёмонлаша борди.

Дарё сувларининг ифлосланиши экология-гигиена ва санитария-эпидемиология вазиятини, айниқса, дарёларнинг қўйи оқимларида ёмонлаштирамоқда. Ўзбекистон ва қўшни минтақалар шароитида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аҳоли пунктларини одатдаги водопровод суви билан таъминлаш кўрсаткичи республикада фақат кейинги беш йилликнинг ўзида тахминан 1,5 баробар ортди. Шунга қарамай ушбу муаммо долзарблигича қолмоқда. Ичимлик сув таъминоти манбаларининг ифлосланиши республикада, айниқса, Орол бўйича касалликка чалинишнинг юқори даражасига сабаб бўлмоқда.

3. Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожеалардан биридир.

Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 млн киши унинг таъсирида қолди.

1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрли, сувнинг хажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг км<sup>2</sup>ни ва минераллашув даражаси 1 литр сувда 10-11 граммни ташқил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга ҳар йили 56 км сув қўйилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидagi сувнинг сатҳи – 32,5 метрг, сув хажми –400 км дан камроқ, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг км тушиб қолди, минераллашув 2 баровар ортди.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кўзатилмоқда. Чанг тўзон ўзунлиги 400 км ва эни 40 км майдонга етиб бормоқда в таъсир доираси 300

км гача етмоқда. Бу нрда ҳар йили атмосферага 15-75 мм тонна чанг кўтарилади. Чанг ва тўз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас балки денгиздан анча наридан бепаён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши иқлими ва ландшафтнинг ўзгариши бўлар ана шу фижиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Орол бўйида денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фижиа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду аламидир.

Сув заҳиралари билан боғлиқ бўлган муммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашув, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Марказий Осиё давлатлар бошлиқларининг 1993 йил март ойида қизил ўрдада бўлиб ўтган учрашуви ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танлигини ҳал қилиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё Республикаларининг ҳукуматлар, мутахассислар ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари **1995 йил 20 сентябрда Нукус** шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлатириш муаммолари бўйича **Декларация**сини қабул қилдилар.

Декларация куйидаги ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратилади:

- Қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатни ва илмий асосланган тизимига ўтиш;
- Сув заҳираларидан фойдаланишнинг тежамли усулларини ишлаб чиқиш, суғоришда ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни кўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;
- Минтақанинг табиий заҳираларининг комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Пировард натижада Орол тангилигини барқарор ривожланиш, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси камайиб кетишига йўл кўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича ўзоқ муддатли стратегия ва дастурни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш зарур.

4. Ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик ҳавфсизликка солинаётган таҳдиддир.

Ҳар йили Республиканинг атмосфера ҳавосига 4мин тоннага яқин зарарли моддалар кўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади. 15 фоизини углерод чиқиндилари, 14 фоизини SO<sub>2</sub>, 9 фоизини азот

оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар, 4 фоизини яқини ўзига ҳос ўткир захарли моддасига тўғри келади.

Атмосферада углерод йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида ўзига ҳос кенг кўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда ер хавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Арид минтақасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез-тез чанг бўронларни кўзғатиб турувчи, атмосферани чанг-тўзонга чулғагувчи Қорақум ва Қизилқум соҳаларидек йирик табиий манбалар мавжуд. Сўнги ўн йилликлар мобайнида Орол денгизининг қуриб бориши туфайли чан ва тўз кўчадиган яна бир табиий манба пайдо бўлди.

80-йилларнинг бошларида кўшни Тожикистонда алюмин заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхандарё вилоятига қаршли кўплаб туманларида экологик ихатдан танг аҳвол вужудга келди. Завод атмосферага кўп миқдорда фторли вадарод, CO, SO<sub>2</sub>, NO<sub>2</sub>, чиқариб ташломоқда. Водийнинг юқори қисмида, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий томонга эсадиган шамол билан ундан ўзоқларга, асосан Республиканинг чегарадош томонлари-Сурхандарё вилоятининг Сариосий, Ўзун, Денов, Олтинсой туманлари ҳудудига тарқалмоқда.


Бу фтор ва хлор тўтган углеводорлар ва бошқа бирикмалар жуда хавфли бирикмалар ҳисобланади. Бўлар озон қатламини (O<sub>3</sub>) емирадилар, ўзлари эса жуда секин парчаланадилар (50 йилдан – 200 йилгача). Маълумотларга қараганда ҳозирда дунёда 130 минг тонна озон қатламини емирувчи моддалар ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари саноат газлари таркибида SO<sub>2</sub>, ва NO<sub>2</sub>, CO<sub>1</sub> газлари бўлиб, бу газлар кислотаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда техноген сульфиднинг ҳавога кўплаб чиқариши биосферада моддаларнинг айланма ҳаракатига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу моддалар кислотали ёмғир бўлиб, ер юзига қайтиб тушмоқда. Бу кислотали ёмғирлар туфайли ўрмонлар, чучук сувлар ва органик дунёга қаттиқ таъсир қиляпти. Натижада чучук сувлар яроқсиз, ўрмонлар қуриш ҳолатига келмоқда.

Бу чиқиндиларни ҳаммаси асосан чиқиндилардир. Инсон саноатни ривожланишини очиқ циклидан, яъни чиқиндиларни кам ҳолларда қайта ишляпти. Бу айтиб ўтганимиздек биосферада модда алмашинувини бўзилишига олиб келади. Табиий модда алмашинув ва ҳозирги ишлаб чиқариш цикллари бир-биридан жуда катта фарқ қилади. Бу циклларни схема орқали тушунтириб ўтамыз.

Олдин биз табиий айланма циклни кўриб чиқамиз.





I CO<sub>2</sub> – корбонат ангидрид, Анорганик модда

II O<sub>2</sub> – кислород, органик модда

III Органик асосли қаттиқ чиқинди

IV Анорганик асосли қаттиқ чиқинди

Схемада кўриниб турибдики, табиий модда айланма циклида ҳеч нарса чиқинди сифатида ортиқча ҳосил бўлмайди. Бу айланма цикл млд йиллар давомида ривожланиб келган.

Ҳозир ишлаб чиқариш ривожланиши натижасида бу цикл бўзилишига олиб келмоқда.

Энди идустириал ишлаб чиқариш циклини кўриб чиқамиз.

ундай очик ҳолда ва бир томонлама табиий ресурслардан фойдаланиш табиий ресурслардан тежамсиз фойдаланишга олиб келади. Шунинг учун вақти келиб табиий ресурсларни каедан олиш керак? - деган савол тугилади. Иккинчи томондан чиқиндиларни каерга ташлаш керак? – деган савол тугилади?

Моддаларнинг табиий айланма ҳаракати схемаси билан идустириал ишлаб чиқариш схемасини солиштириш натижасида шундай хулосага келиш мумкин, юкорида икки савол асосан тирик ва улик табиат уртасидаги узвий боғлиқган ҳолда инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга оширишлари натижасида вужудга келаяпти. Инсон табиатдан олаётган ресурсларнинг жуда оз миқдорини фойдаланилади. Қолган кўп миқдори турли чиқини шаклида, табиий ҳоссалари ўзгарган ҳолда қайтадан фойдаланиб бўлмайдиган куринишда табиатга ташлаб юборилади. Уларни табиат қайта ишлата олмайди. Инсоният табиий ресурслардан фойдаланишни «тайёр маҳсулотдан чиқинди» шаклидан «ресурслар – ишлаб чиқариш -

фойдаланиш» системасига мувофиқ сунъий ёпик циклни ҳосил қилиши керак. Бунинг учун Чиқиндисиз технологик жараёнларни яратиш зарур.

Чиқиндисиз технологик жараёнлар устида кўпгина олимлар иш олиб борилган. Масалан, Акад. Ласкорин Б.Н. бошчилигида олиб борилган тадқиқотларга ишлаб чиқариш корхонасининг қайси тармоққа мансублигидан катъий назар уларнинг барчаси учун тааллуқли бўлган куйидаги асосий 4 та принцип бажарилса, чиқиндисиз теҳеологик жараёнга эришилиши мумкин.

1. Махаллий окова сувларни тозалаш технологиясини ҳисобга сувнинг айланма ҳаракатини ташқил қилиш, яъни табиий ер усти ваер ости сувларидан тоза сув манаи сифатида фойдаланишни чеклаш.

2. Бир корхона чиқиндиларини иккинчи корхона томонидан ҳом ашё, иккиламчи ашё сифатида фойдаланишни таъминлаш, яъни барча турдаги чиқиндилар қайта ишлаш ва фойдаланишга эришиш

3. Ҳом ашё ва чиқиндилардан фойдаланишни таъминловчи турли ишлаб чиқариш корхоналарини бир ерга туплаш – яъни турли корхоналарни территориал комплексини ташқил этиш.

4. Ишлаб чиқаришни экологияциялаш – яъни ҳом ашёга маҳсус ишлов бериш йули билан тозалаб, кейин фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар турлари ва миқдорини камйтириш

Ҳозирги пайтда Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолият ана шу дастур асосида ташқил этилган. Бу дастур буйича экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йуналишлари куйидагилардан иборат:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш. Хаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётӣй фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тухтатиш.

Кишлоқ хужалик экинларини, энг аввало, гўзани сугоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни катъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

3. Катта-катта худудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ, мақсадга қаратилган, илмӣй, асосланган тарзда ўзгартириш лозим.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондининг маданий экинлар ва хайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошлангич база сифатида саклаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмӣй асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш.

## **Таянч тушунчалар**

Илмий-техника тараққиёти. Умумбашарий муаммолар. Термоядро уруши; аҳоли ўсишининг жадаллашиши ва “демографик портлаш”; атроф-муҳитнинг ифлосланиши. Халқаро терроризм. Инсоният келажаги ва реал тарихий жараён. Жараённинг қайтмаслиги.

Экологик муаммолар. Ўзбекистондаги экология вазият. Экологик муаммо ва миллий ҳавфсизлик. Иқтисодий ўсишда экстенсив йўл; БАМ, пахта монокультураси. Ернинг сифат таркиби, аҳоли зичлиги, ернинг шурланиши, радиактив ифлосланиш; захиралар такчиллиги ва ифлосланиши; Орол денгизи муаммоси. Нукус Декларацияси

Табиий ресуслардан фойдаланиш технологияси. Маданий экинлар. «Соғлом авлод» ҳаракати.

## **III-БЎЛИМ. ИЖТИМОЙ- ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ФАЛСАФАСИ.**

### **9-Мавзу: СОЦИАЛ ФАЛСАФА МАСАЛАЛАРИ. СИЁСАТ ФАЛСАФАСИ**

#### **РЕЖА:**

1. Жамиятнинг фалсафий таҳлили.
2. Инсоннинг ижтимоийлашуви.
3. Сиёсат фалсафасининг ривожланиш босқичлари.
4. Сиёсат фалсафасининг моҳияти.

#### **3. Сиёсат фалсафасининг ривожланиш босқичлари.**

Сиёсий муносабатлар мураккаб ва куп ўлчовлидир. Унинг ижтимоий-иқтисодий маданий тарихий тизимлилик функционал-концептуал ва бошка жихатлари бор. Сиёсатни бир бутун бирликда караш дунёкараш сифатида бахолаш таҳлил килиш алоҳида ахамиятга эга. Уни фалсафий таҳлил килиш амалий фалсафанинг таркибий қисмига киради. Сиёсат фалсафаси куп тармокли фан сифатида унинг асосий элементлари шаклланиш босқичлари бошка ижтимоий-гуманитар фанлар билан муносабати ҳозирча тула аникланмаганю Сиёсат фалсафасининг тадқиқот объекти ва предмети ҳақида ҳам мунозаралар давом этмокда..

Унинг асосчилари ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. 1987 йилда Лондонда чоп этилган “Сиёсий фалсафа тарихи“ китобида сиёсий фалсафанинг асосчилари сифатида қадимда Фукидид ва Платон Ксенофонт ва Аристотель урта асрларда Августин ва Ал Форобий Фома Аквинский ва Макивелли янги замонда Мартин Лютер ва Гуго Гроций з. Декарт ва ж. Локк А. Смит ва XIX асрда Гегель ва Ф.Ницше XX асрда Гуссерель Хайдеггер ва бшшкалар курсатилади. Бирок купчилик адабиётларда сиёсат фалсафасини сиёсат назарияси билан аралаштириб юбордилар.

Вахоланки, сиёсий фалсафа сиёсат дунёсининг тузилиш элементлари булиб уни фалсафий катигориялар оркалитахлил килишда уларнинг тушунча-категориялари тамойиллари тизимини яратишда мухим ахамият касб этади.

### **Сиёсат фалсафасининг ривожланиш боскичлари**

Хозирги замон файласуфларининг таъкидлашича, сиёсат фалсафаси кадимги даврлардаёк мустакил фан сохаси сифатида шакллана борган ва сиёсий фан сифатида майдонга келган. Америка ва инглиз сиёсатшунослик фанининг машхур вакиллари Дж. Келтин ва Н. Берри Платон «Давлат» асарида сиёсий фалсафа тизимига биринчи бор асос солган деб таъкидлайдилар. Замонавий сиёсат фалсафасининг йирои к намоёндаларидан бири Л.Страус Сократни сиёсий фалсафанинг асосчиси, Платон ҳамда Аристотель карашлари сиёсий фалсафанинг бизгача етиб келган энг кадимги намуналари деб ёзади.

Баъзи файласуфлар, хусусан А.И.Алёшин сиёсий фалсафа шаклланишини, кадимги давр фалсафасига тегишли эмас деб, унинг карашларига эътироз билдиради.

Биринчидан, сиёсат фалсафанинг хакикий маънода тулик шаклланиши учун, даставвал, сиёсий мунособатлар аник шаклланган булиши; иккинчидан, сиёсатшунослик тушунчаларининг маъно ва мазмуни кенг ва чукур шаклланган булиши; учинчидан, давлат хокимият, хукук, эркинлик каби тушунчалар карор топиши керак. Ана шундагина сиёсат фалсафасини урганиш объекти такомиллашади, майдонга келади. Сиёсат бир бутун борлик сифатида намоён булади.

Сиёсий дунё кадимги дунё файласуфларини кизиктирган. Платон , Аристотел, Цицерон ва бошкалар «Сиёсат» «Давлат» «Конун» «Республика» ва бошка тушунчаларни тахлил килиб асарлар ёздилар.

Платон узининг «Давлат» асарида сиёсий хаётнинг узгармас идеалини берган. Бу Платон томонидан грек сиёсий идеалини кабул килиш, кайта ишлаш, холос. **(Р.Коллингвуд).**

Шунингдек, Аристотель грекларнинг ахлокини ёзиб колдирган эмас, балки грек ахлокини ифода этган, бу ахлоқ жамиятнинг олий табакасига хос эди. Т. Гоббс узининг «Левиафан» асарида абсалютизмнинг сиёсий гоясини баён этган.

Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри» асарида «халкнинг орзуларини давлат бошкариши керак»лиги гоясида ифода этган.

Бирок, «Сиёсий тарих таълимоти» билан «Сиёсатшунослик», «Сиёсат фалсафаси», «Сиёсат социологияси» каби нисбатан мустакил фан йуналишларининг тушунчаларини алмаштириб юбориш чалкашликларга, гализликларга олиб келади. Сиёсатшунослик фани энг ёш фанлардан, десак, хато килмай эътибори билан кадимги даврдан то ХУ асргача сиёсатшунослик фани ривожланишига мос тарзда сиёсат фалсафаси ҳам шаклланиб борди. Сиёсат, сиёсий фалсафа тугрисидаги фикрларда авлоддан-авлодга утиш даврида туб узгаришлар юз берди. Шахс камолоти билан боглик булган: хукук, эркинлик, шахс ва жамият манфаалари тушунчалари ва гоялари пайдо булади. Шахс билан жамият манфаатининг мос келмаслиги, жамиятдаги

зиддиятларни англаш, тахлил килиш, уни хал килиш масалалари хар бир жамиятда узига хос тарзда кун тартибига куйилди. Жамиятда зиддиятли кучларнинг биргаликда яшаши, меҳнат килиши, жамият билан давлат уртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш учун ижтимоий-сиёсий институтлар (давлат маҳкамалари), кадриятлар, фуқаролик жамияти тугрисида гоьлар ривожланди. Янги замон мутафаккирлари шахс билан жамият уртасидаги доимий антонимия (бир – бирига зидлик)ни англаб етиб, унинг муаммоларини текшириш объекти килиб олдилар. Жамиятда муаммолар давлат учун биринчи даражали эканлиги курсатиб берилди.

Жамиятнинг сиёсий дунёси, мустақил кичик социал соҳа сифатида, фуқаролик жамиятининг шаклланишига замин хозирлади. Бу гоь ХУ111 аср охири XIX асрнинг бошларида капиталистик тузумнинг шаклланиши, ундаги муҳим сифатлар: хусусий мулк, эркин бозор иқтисоди, вакиллик-парламент демократияси, иқтисодий, ҳуқуқий давлат, социал ва сиёсий соҳаларнинг нисбатан мустақиллашуви, юз бера бошлади. Жамиятнинг сиёсий дунёси ХУ111-XIX асрларда капитализм тузумининг вужудга келиши ва қарор топишимобайнида мустақил кичик социал соҳа, дунёнинг кичик бир тизими сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланишига замин хозирлади ҳамда унга нисбатан ҳам мустақал фаолият курсата бошлади.

#### **Мустақил сиёсат фалсафасининг шаклланиши.**

XIX асрга келиб «гуманитар фанлар» тушунчаси пайдо булди ва кенг таркала бошлади. Ижтимоий–гуманитар фанлар доирасида «сиёсатшунослик» ва «сиёсат фалсафаси шаклланди» шаклланди. Бу давлатнинг келиб чиқиши, унинг вазифалари, ижтимоий шартнома назарияси, динга булган муносабати, халқ, миллат суверинитети, инсон ҳуқуқи ва эркинлиги, бошқариш шакллари каби муҳим тушунчаларга кизикишнинг ортиб бориши билан белгиланади. Шунинг билан гарбда XIX асрда теократик сиёсий таълимотнинг вужудга келиши, давлатнинг илохийлиги хақидаги таълимотнинг қайта тикланиши, қироллик жамиятини тиклашга уринишлар давлат тугрисидаги илмий назарияни ишлаб чиқишга эҳтиёж пайдо булди. Бу даврда давлатнинг ҳамма нарсадан устунлиги тугрисида, жамият билан тенглаштирувчи таълимотлар ҳам пайдо булган эди.

ХУ111 аср охири XX аср бошларида муҳим сиёсий назария вужудга келди. Сиёсат дунёсига янгича қарашлар сиёсий назарияни қайта ишлаб чиқишда муҳим асос булиб хизмат килди. Бу сиёсатшуносликнинг мустақил илмий соҳа, алоҳида фан булиб шаклланишига олиб келди. Натижада сиёсат соҳасини назарий урганадиган мутахассислар гуруҳи, институтлар пайдо булди. Сиёсий муносабатларнинг қонуниятларини ургандилар. Айниқса, сунгги даврда Гегель жуда катта ахамиятга эга булган назарий – гоьвий масалаларни майдонга ташлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, сиёсат фалсафасининг илмий асосчиси сифатида тан олинган Гегель ҳеч жойда бу атамани ишлатмайди. У онасига бағишланган асосий асари «Ҳуқуқ фалсафаси» да сиёсий дунёнинг муҳим тушунчаларини тахлил килади. Биз нима учун Гегель «сиёсат фалсафаси»

урнига «хукук фалсафаси» атамасини ишлатган, деган саволга ёзилган китоблар, маколаларга суяниб таъкидлашимиз мумкин. Гегельгача инглиз файласуфи Гоббс фанга «ахлоқ фалсафаси», «давлат фалсафаси» тушунчаларини киритган эди. У сиёсат-фалсафасини «конунни бошқариш» тушунчаси билан айнан маънода ишлатган. Хозир бу тушунчанинг эквиваленти (тенглиги) сифатида «хукукий давлат» тушунчаси қабул қилинди.

XУ111 аср охирига келиб, «хукук фалсафаси» тушунчаси ишлатила бошланди. У тушунчадан Г.Гуго уз асарларида кенг қуламда фойдаланди.

Демак хукук, хукукий асос сиёсат фалсафасининг шаклланиши учун энг муҳим тушунчалар ҳисобланган.

Шунга кўра, Гегель сиёсий борликни, сиёсатни фалсафий таҳлил қилишда «хукукий» тушунчасини танлаган бўлса, ажаб эмас. Хукук ва конун бугунги кунда хукукий давлатнинг суверенитат, универсаллик, умумий, маъхум, шахсиз характерга эга бўлишининг асоси бўлиб, бунга сиёсий фуқаролик дунёсининг узига хос, индивидуал, аниқ, норасмий томонларини қарши қўйиш мумкин. Гегель «хукук фалсафаси»да сиёсат дунёсининг шаклланиши ва қарор топиши, унинг вазифалари тугрисида узининг тамойиллари ва қарашларини баён қилади. Асарда яхшилик ва ёмонлик, конун ва хукук, эркинлик ва адолат, ахлоқ, шахс ва оила, мулк, фуқаролик жамияти қаби энг асосий муаммоларнинг давлатга бўлган нисбатини, узаро боғлиқлигини очиқ берилади. Демак, бу асар эркинлик ёки хукук фалсафасигагина бўлмай, «сиёсат фалсафаси» ёки сиёсатнинг фалсафий таҳлилидир.

Айниқса, асарнинг «Ахлоқ» қисмида фалсафий масалаларига батафсил изох берган. Бунда Гегель оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг моҳиятини очиқ беради. Уларни жамиятнинг энг асосий тушунчалари деб қурсатилади. Гегель давлат тугрисидаги гояга, давлатнинг динга, ижтимоий фикрга мунособати, давлат институтлари ва ҳокимият моҳияти, давлатнинг тарихий типлари ва уни бошқариш масалаларига кенг урин ажратилган.

Гоббс, Локк, Гегеллар майдонга ташлаган муҳим муаммоларни XIX аср давомида ва XXаср биринчи ярмида Г.Спенсер, В.Парето, М. Вебер, А.Мишель, Л.Дюги, Б.Кроче, К. Шмидт ва бошқалар давом эттирдилар, сиёсат фалсафасининг муҳим ва асосий томонларини ҳал қилишга қиришдилар. Улар сиёсий борлик ва унинг сиёсий концепцияларини ишлаб чиқдилар. Билиш назарияси ва онг муаммолари сиёсий соҳани методологик жиҳатдан урганиш, ахлоқ ва хукук нисбати, реал ва идеал эркинлик, тенглик, адолат қаби сиёсий онтологиянинг назарий масалаларини ёритишга катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг хизмати шундаки, сиёсат оламилоҳида реаллик сифатида узига хос ривожланишига конунларига эга эканлигини қурсатдилар.

Асримизнинг 30-50 йилларида бу масалаларда янада самарали натижаларга эришилди. Сиёсий оламини ривожлантириш режалари майдонга ташланди. Булар сиёсий соҳани таҳлил қилишда дунёқараш ва методологик жиҳатлардан жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Олимлар (файласуфлар)нинг

куплари тоталитар тизимга , фашизмдиктатурасига карши кескин кураш олиб бордилар. Демократиянинг қарор топишига уз ҳиссаларини қўшдилар. 60-70 йилларда сиёсат фалсафаси янги босқичга кутарилди. Бу муаммоларнинг майдонга ташланиши Страус, Э. Фогеллин, Р.Назик, Г.Рормозер ва бошқаларнинг номи билан боғлиқ.

Юқоридаги фикрларни ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, сиёсат фалсафаси жамият тараккиётининг маълум даврида вужудга келган, Ижтимоий–сиёсий фикрлар асосида шаклланган. Фуқаролар жамиятнинг ва сиёсий дунёнинг тизими сифатида қарор топиши сиёсат фалсафаси шаклланишининг шарт-шароити ҳисобланиб, ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса фалсафанинг узок давр ривожланиши жараёни натижасидир.

#### **4. Сиёсат фалсафасининг моҳияти.**

Сиёсат фалсафаси фалсафа ва сиёсатнинг кесишган жойини урганувчи фан соҳаси бўлиб, сиёсий мунособатларни дунёқараш нуқтаи назаридан таҳлил қилади. У уз ичига сиёсий онтология (борлик), аксиология (қадриятлар), эпистемология (билиш тугрисидаги таълимот), методология, праксиология (амалиёт тугрисидаги таълимот) ларни уз ичига олади. Шунингдек, бу билиш соҳаси, сиёсий дунёнинг белгиланган номлари, қадриятлари, давлат ва ҳокимият тугрисидаги сиёсий гоялар тизимини инсон маънавий фаолияти, дунёқарашнинг шаклланиши жараёни сифатида урганади.

Сиёсат фалсафаси учун сиёсат дунёсининг, эркинлик, тенглик, адолат каби қатор тамойиллари фалсафий фикр юритиш манбаъидир. У сиёсий мунособатларнинг «қерда?», «қачон?», «қандай?», «кимлар томонидан?» каби саволларини фаолиятга ва сиёсий ҳаётнинг умумий йўналишига қаратади. Масалан, конкрет давлат ёки ҳокимият тузилишим эмас, давлатнинг табиати, умуман ҳокимият; конкрет уруш эмас, умуман урушларнинг умумий табиатига, уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр юритади.

Ҳар қадай сиёсат инсон ҳаётининг муҳим соҳаси сифатида, уз фалсафий мазмунига эга. бу маънода сиёсат фалсафаси-сиёсий фаолиятнинг таркибий қисмидир. Сиёсат дунёси объектив борлик сифатида мавжуд бўлиш билан бирга, гоялар тарзида ҳам намоён бўлади, яни сиёсат гояси маънавий борлик сифатида тушунчалар, категорияларда ифодаланади. Бу маънода сиёсий борлик аниқ ва ноаниқ шаклларда ҳар қандай жамиятда бирга яшайди. Сиёсат фалсафасининг вазифаси сиёсий дунёдаги фикрлар, гояларни англаб етиш ва тушунчалар моҳиятини очиқ беришдир. Сиёсат фалсафаси назарияларнинг тушунча-категорик соҳасини (аппаратини), унинг тилини ишлаб чиқади. Сиёсат фалсафаси фактларни оддий ва қурак тартибга солиш билан шугулланмайди, балки унинг моҳиятини очиқ беради. **Сиёсат фалсафаси сиёсий дунёдаги бутун билан, умум билан яқка, назария билан амалиётнинг узаро нисбати, эркинлик, адолат, тенглик, озодлик масалаларини бир бутун ҳолда урганади. Сиёсат фалсафаси**

**доирасига хокимият мохияти, хокимият мунособатлари, давлатга оид булган гоёлар киреди.**

Фалсафа сиёсий сохадаги тушунчалар мохиятини очиб бериш бидан шугулланар экан: «Нега бошкариш керак?» «Халкни бошкариш кимга ва нима учун керак?», «бошкаришнинг мохияти нима?» каби саволларга жавоб бериши керак. Шу вазифаларига караб, сиёсат фалсафасини жамиятнинг сиёсий ташкилотлари фаолиятларни ташкил килиш тамойиллари хакидаги фан дейиш мумкин.

Сиёсат фалсафаси умумий тенденция, тамоиллар, конуниятлар билан шугулланар экан; жамият, демократия, фукаролик, хокимият, сиёсат тушунчаларининг умуминсоний томонларини изохлаш билан бирга хар бир умумий коидалар муайян шароитда, конкрет халк, миллат хаётида узига хос шаклда намоён булишини хисобга олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик хукукий, фукаролик жамияти барпо этилмокда, узимизга хос, узимизга мос йулни танлаб олдик. Бу йул халкнинг, миллатнинг дунёкараши, тарихий давлатчилигимизнинг миллий тараккиёт йули билан характерланади. Бу сиёсий йулнинг мазмуни миллат мнталитетига хос фикрлаш усули, дунёга булган мунособати конкрет тарихий давр билан белгиланади. **Шунинг учун сиёсий гоёларни, уларнинг андозаларини ташкаридан киритиш, уни у ёки бу миллат хаётига зурлаб сингдиришга уринишдир.**

Сиёсий гоёларнинг кадрияти ижтимоий – гуманитар фанларда уз ифодасини топади. Унинг мазмуни шу фан вакиллари яшаган жамият хусусияти билан узвий боглик. Чунки, ижтимоий фанлар тарихий характерга эга.

Ислом Каримов жамиятнинг сиёсий карашларни: давлат тизими, халк анъаналари, бой давлатчилик тарихи, халкнинг орзу – умидлари, хуллас миллатнинг менталитетини белгилайдиган, дунёкараши, дину-диёнати, миллий кадриятлардан келиб чиккан холда дунё амалий тажрибалари, илмий назарияларидан фойдаланган холда, узбек халкини озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт сари бошламокда. Призидентимизнинг сиёсат фалсафасига доир илмий концепсиясини умумлаштириб айтсак:

**«биз барпо этаётган давлат, энг аввало, умум жахон цивилизациясига, давлат курилиш сохасида бошка халклар эришган тажрибаларига, ижтимоий кадриятларга асосланиши лозим.**

**Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас хисса кушиб келган. Асрлар мобайнидахалкимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатлари шарк фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий ривожланади ва, уз навбатида, бу фалсафий ахлокий таълимотлар хам халкимиз доирасидан бахра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйгун холда, буюк мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйгун холда шаклланиши лозим».**

**И.Каримов**



## Сиёсат фалсафаси.

<b>Сиёсий назария ва фалсафа</b>	<b>Сиёсатнинг таҳлил йуналишлари</b>
<b>Сиёсий назария</b>	Сиёсий мунособатларнинг конкрет намоён булишини муштарак-мужассам урганади. (Бу – институтлар, субъёктларнинг тузилиши ва вазифалари, уларнинг характери, сиёсий тизимдаги ахамияти, узаро алоқалари, шакл ва типлари хақидаги лишлар тизимидир)
<b>Сиёсат фалсафаси</b>	Сиёсий мунособатларнинг дунёсининг бир бутун тарзда умумий йуналишга хос универсал тамойиллари, мохиятини, давлат, хокимиятининг умумий ва миллий гоьларини. Бу гоьлар сиёсий антология (борлик), гнеосеология (билиш), аксиология (кадриятлар), методология категориялари оркали ифодаланади.
<b>Сиёсий онтология (борлик)</b>	Сиёсат дунёси инсон борлиги, фаолияти сохасининг узига хос томони булиб: хокимият, давлат тизимидаги ташкилотларга, принцип ва нормаларга булган мунособатни ифодалайди. Хокимият, давлат тизими у ёки бу гурухнинг, бутун жамиятдаги кишиларнинг манфаат ва эхтиёжларини таъминлашга, хаётий фаолиятини амалга оширишга кафолат беради. Бошкача килиб айтганда, сиёсий борлик-жамият, давлат ва хокимиятга тегишли барча ташкилот ва мунособатлар, мажмуасидир.
<b>Сиёсий билиш</b>	Субъёктнинг сиёсий мунособатлар намоён булиши ва мохиятни урганиш жараёни булиб, бунда сиёсий борлик билишнинг объекти хисобланади. Сиёсий хис-туйгулар, фикр – мулохазалар сиёсий онг шаклланиб боради. Субъёкт сиёсий хаётни тушуниб етади. Тушуниш, мухокама, мулохаза оркали демоократия, хокимият, давлат тизими, хукукий, фукаролик жамияти тугрисида билимга эга булади. Ва бу сиёсат фалсафасининг асосий максadini, вазифасини ташкил килади.
<b>Сиёсий методология</b>	Сиёсатни урганишнинг: аналитик ва синтетик; тизимли урганиш; чизикли ва чизиксиз тафаккур; уз-узини бошқариш, статистик ва эхтимоллик. Прагматик ва лингвистик методлари мавжуд. Методология технология ва бошқаришнинг хусусий ва умумий методларини уз ичига олади.
<b>Сиёсий аксиология (кадриятлар)</b>	Сиёсат дунёсида жамият максад гоьларни амалга оширишда эзгулик, адолат, гузаллик, хакикатнинг намоён булишидир. Инсон энг олий кадрият эканлигини сиёсат даражасига кутариш, аксиологиянинг мазмун – мохиятини ифодалайди.

Антик давр мутафаккирлари ижтимоий ҳаётни, унинг аъзолари бўлмиш турли гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш масалалари билан шуғулланишлар эканлар ўз диққат эътиборини давлат, ҳокимият сиёсат, қонунчилик, давлатни идора этиш шакллари каби масалаларга қаратилади. Нафақат шуғулланишган, балки бу муаммоларга устувор аҳамият беришган. Шу маънода Арасту ёзадики «ҳар қандай фан ва санъатнинг пировард мақсади эзгулик экан, барча фан ва санъат учун энг асосий, устувор, олий эзгулик сиёсатдир» (Аристотел. Соч. Т.4. С. 467). Сиёсий феноменларни таҳлил қилиш ва баҳолашда биз қўллайдиган сиёсий тушунчалар, назариялар, ғояларнинг аксарияти антик давр мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ва муомалага киритилган.

Афлотун ва Арасту томонидан давлат, сиёсий ҳокимиятнинг атрофлича таҳлил қилиниши, бошқарув шакллариининг классификацияланиши ўша давр ижтимоий ҳаётида ўз-ўзини бошқарув шакллари юқори даражада ташкил этилганидан нишонадир. Афлотун ўзининг «Давлат» асарида юнон шаҳар-давлатларини қуйидагича шаклларга ажратиб кўрсатади: 1) монархия – давлатнинг битта яхши инсон томонидан бошқарилиши ёки тирания; 2) аристократия – давлатнинг айрим бир кишилар томонидан бошқарилиши, бошқача қилиб айтганда олигархия; 3) Демократия – давлатнинг кўпчилик халқ оммаси томонидан идора этилиши. Кўриниб турибдики Платон демократиянинг иккинчи бир бузилган шаклини келтириб ҳам ўтирмайди. Сабаби демократиянинг ўзи шундоқ ҳам бошқарувнинг энг ёмон шакли эканлигини қайд этади (Қаранг: Соч. Т.4. М. 1994, С.74). Сократ саховати муайян маънода билимдир ва билимни ўргатиш мумкин, деб ҳисоблаган. Платон бу тезис билан келишади ва уни тўғри билим яхшилик ғоясини билишдан иборатдир, деган фикр билан тўлдиради. Бироқ, Платон одамларнинг саховатдан иборат билимни эгаллашга қодир эканлигига Сократга нисбатан камроқ ишонади. Одамларнинг тўғри нарсаларни билиб олиши қобилияти юзасидан билдирилган бундай скептицизмни Платоннинг ўзи кузатиб турган Афина демократиясининг таназзулга юз тутиш тенденциясига нисбатан ўзига хос муносабати сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Умумийлик ҳиссининг емирилиб бораётганлиги, софистларнинг анъаналарни танқид ўқиға тутиши ва демократия тарафдорларининг Сократни ўлим жазосига маҳкум этганлиги ана шундай таназзулнинг намоён бўлишини кўрсатиб турар эди. Платон антидемократга айланди ва халқ ўзини ўзи бошқаришга қодир эмас, деган хулосага келди.

Платон соғлом шаҳар-давлатни барпо этиш учун қуйидаги шартни илгари суради. Ҳокимият халқ ёки билими кам ва химматсиз якка шахсли ҳукмдорларнинг эмас, балки ваколатли кишиларнинг қўлида бўлиши керак. Давлат диалогининг катта қисми идеал таълим тизимининг қандай бўлиши кераклигига бағишланган. Келиб чиқишидан қатъий назар ҳамма болалар 20 ёшгача бир хилдаги маълумотни эгаллайди. Улар бақувват, итоаткор, садоқатли ва ўз-ўзини қурбон қилишга шай тарзда тарбияланишади. 20 ёшга етганда энг яхшилари танлаб олинади ва улар таълимни давом эттиришади. 30 ёшга етганида яна танлов бўлади ва танловдан ўтганлар яна беш йил фалсафани ўрганадилар. Бундан кейин улар жамиятнинг амалий ҳаётида

иштирок этиб, бошқарув малакаларини эгаллашади. 40 йиллик ҳар томонлама таълим олиш, тайёргарлик ва тажриба орттириш жараёнларини бошдан кечиришганидан сўнг ушбу синчиклаб танлаб олинган элита давлатни бошқариш ишларини ўз қўлларига олади.

Биринчи танловдан ўта олмаганлар хунармандлар, деҳқонлар ва савдогорлар бўлишади. Иккинчи танловдан четга чиқиб қолганлар бошқарувчилар ва жангчиларга айланишади.

Шундай қилиб, таълим тизими учта ижтимоий синфи келтириб чиқаради.

<u>Синф</u>	<u>Функция</u>	<u>Саховат</u>
хукумдорлар	бошқариш	донолик
бошқарувчилар	кўриклаш	мардлик
ишлаб чиқарувчилар	ишлаб чиқариш	итоаткорлик

Платон учта ажратиб кўрсатилган синфни учта ижтимоий функция ва учта саховатлилик билан мувофиқлаштиради.

Платон анъаналарини давом эттирар экан, Арасту ўзига хос оригинал таълимот ҳам яратади.

Қарор қабул қилувчи	Битта	Бир неча	Кўпчилик
Қонунга мувофиқ бошқарув	Монархия	Аристократия	Мўътадил демократия
Қонун билан чегараланмаган бошқарув	Тирания	Олигархия	Юқори даражадаги демократия

Шу билан бирга Арасту давлатнинг энг яхши шаклларини аниқлашга уринади. У сиёсий барқарорликнинг муҳимлигига алоҳида эътибор беради: халқнинг фикрини эътиборга олиш керак, акс ҳолда давлатда беқарорлик рўй беради. Давлат қонун асосида бошқарилиши керак, акс ҳолда у хавфли бўлади, бундай давлатда коррупция ва хукумдорларнинг ўзбошимчалиги кучаяди. Шундай қилиб давлат қонун асосида бошқарилиши ва одамларга ўз фикрини ифодалаш имконини бериш керак. Платонга қарши ўлароқ, Аристотель халқ асосли ва ақлга мувофиқ фикрлар билдириши мумкин, деб ҳисоблайди. Платон эътиборга молик билимга фақат «экспертлар»гина эга, халқнинг фикри иккинчи даражалидир, деб ҳисоблаган. Арасту фикрича «яхши тирания» ҳеч қачон қонунга асосан бошқарилувчи жамиятга чинакам муқобил бўла олмайди. Бошқа одамнинг қўл остида бўлиш эрдан маҳрум бўлиш, қулга айланишни англатади. Бу ҳолда қандай «яшаш тарзи»ни олиб боришни бошқа одамнинг иродаси ҳал қилади. Аммо, яхши фазилатли ҳаёт кечириш ва инсонлик кадр-қимматини сақлаб қолиш учун, ҳайвонлар сингари бошқалар томонидан «ҳайдалиш» эмас, балки ўз шахсий ҳаётини шахсан амалга ошириш зарур. Умумий қонунга бўйсунган ҳолда, биз унинг

доирасида ўз қобилиятларимизни жамиятда эркин амалга оширишимиз мумкин. Арасту фикрича, қонунга мувофиқ бошқарув инсоннинг энг яхши қобилият ва имкониятларини амалга ошириш шарт ҳисобланади. Шу боис Арасту халқ фикрини ҳисобга олиш ва давлатни қонунлар асосида бошқариш зарурлигини таъкидлайди. Ушбу икки аспектда у Платоннинг «Давлат» асарида ифодаланган «идеал давлат» ҳақидаги таълимоти билан кечиша олмайди.


Шундай бўлсада Арасту фикрича, қонун барчага баробар эмас. Қонун энг аввало эркин греклар учун амалга қилувчи ҳуқуқ ва қоидаларни белгилайди. Бу қоидалар қуллар ва варварларга тааллуқли эмас. Шундай қилиб қонун, универсал қўлланувчи нарса ҳисобланмайди.

Ўз сиёсий қарашларида Арасту тенглик масаласини ҳам муҳокама қилади. Ҳуқуқ субъектларининг жиҳатидан тенглик демократияга, мулкка доир тенглик эса плутократияга олиб боришини уқтиради. Бу ўринда Арасту ҳокимиятга бўлган турли нуқтаи назарни ўзида ифода этган даъволарни кўриб чиқади. Арасту фикрича мулк эгаси бўлиш маълум жавобгарликни талаб қилиб, бу давлат учун маъқул ҳисобланади. Аксар ҳолларда у мулкдорда маълум ноёб қобилиятларнинг мавжудлигига ишора қилади. Идеалда донишмандлик билан яхши фазилатларга эгаллик энг юқори баҳоланиши керак, аммо уларни ўлачаб бўлмайди. Бойликни эса ўлчаш мумкин. Ҳокимият масаласини ҳал қилишда, Арасту фикрича, юқорида санаб ўтилган барча омилларни ҳисобга олиш керак.

Мулкдорлик, ўқимишлилик, келиб чиқиш, алоқалар ва уларнинг сони каби барча хислатлар ҳокимиятни тақсимлашда оз-оздан ҳисобга олиниши лозим. Пухта муҳокамадан кейин Арасту мўътадил демократия барча мумкин бўлган ҳокимиятни бошқариш шакллариининг энг яхшиси деган хулосага келади. Мўътадил демократия демократик сон принципи ва аристократик сифат принципига асосланган «аралаш бошқарув» ҳисобланади.

Ўрта асрларда сиёсий фикрлар. Ижтимоий-сиёсий фикрлар тараққиёти ўрта асрнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу даврда Ғарбий Европада христиан дини аста-секин ҳукмрон мафкурага, дунёқарашга айланиб борди. Дин билимнинг барча соҳаларини, шу жумладан, фалсафани ҳам ўзига бўйсундирди. Петр Доимани ибораси билан айтганда, фалсафа «илоҳият хизматчисига» айланади. У бутун кучини христиан динининг ақидалари тўғри эканлигини исботлашга сарф қилиши лозим эди. Бу фалсафа «схоластик фалсафа» деган ном билан тарихдан жой олди.

Янги христианлик ғоялари фалсафада, шу жумладан сиёсий фалсафада ҳам ўрин эгаллай бошлади. Шу билан бирга сиёсий ҳаёт ва сиёсий тафаккурга жиддий таъсир кўрсатган конкрет сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Икки «узвий» институт – дунёвий институт ва черков институти юзага келди. Бу институтлар орасидаги муносабатлар деярли узоқ вақтлар давомида деярли ўзгармасдан келди.



Христианликнинг машҳур теологи Августин христианлик етакчи дин сифатида тан олинганидан ва Рим империяси бўлинганидан кейинги даврда, герман қабилаларининг босқини натижасида Ғарбий Рим империясининг парчаланиши арафасида яшади. Бу даврда қироллик ҳокимияти заифлашгани боис сиёсий маъсулиятни Черков ўз зиммасига олди. Шу тариқа христиан теологлари сиёсий идеологларга айланди. Августин антик даврни христианлик билан боғлаган дастлабки теологлардан бўлиб, у христианликни неоплатонизм билан синтез қилди. Августин «икки ҳукумат» ҳақидаги таълимотни таҳлил этар экан улар бир хилда қонунийдир деган фикрни илгари суради. Амалда эса черковни ҳимоя қилар эди. Бу таълимот ҳокимиятлар турли вазифаларга черков-маънавий, давлат-дунёвий вазифаларга эга эканлигини таъкидларди.

Қайд этиб ўтилганидек, давлат билан бир пайтда черков ҳам ривожланиб борди. Унда маъмуриятнинг тутган ўрни кучайиб борди. Айти пайтда Қирол ва давлат аристократияси ўртасида ҳам ўзаро кескин ҳамкорлик вужудга келган эди. Қирол абсолютизмнинг, давлат аристократияси эса-конституционализмнинг ифодачиси бўлиб қатнашди. Қирол Худонинг мархамати билан берилган қирол тахти мерос бўлиб ўтувчи абсолют монархияни қўллаб-қувватлар эди. Аммо миллий аристократия қирол қонунга ва анъанага асосланган ҳуқуққа бўйсунуши, бундан ташқари, у аристократия томонидан сайланиши керак, деб таъкидларди.

Умуман ўрта асрларда қуйидаги тўрт омил муҳим ўрин тутди.



Августин фикрича қирол ҳокимиятининг бу тўрт омили бир-бири узвий боғланган. Аммо, шу билан бирга улар турли функцияларни ҳам бажарган: сайловлар ноҳосликка қарши қафолат бўлиб ҳисобланади; тахт ворислиги ҳукмронликнинг авлоддан-авлодга ўтишини қафолатлайди («Қирол ўлди, яшасин қирол!»); Худонинг марҳамати итоат қилиш талабини халқ орқали қонунийлаштиради; анъанага айланган ҳуқуқ қиролдан юқори бўлганлиги туфайли, таълум конституцион бошқарув турининг қафолати мавжуд бўлади.

Рим – католик черковининг расмий фалсафаси бўлиши томизм таълимотининг асосчиси Фома Аквинский (1225-1274) таълимоти христианлик билан Арстотелизм теологик синтездан иборат эди. Аквинский инсонга ижтимоий мавжудот сифатида қарайди. Ҳаёт инсонларнинг ўз-ўзини бошқара олиш қобилиятининг шарти бўлиб ҳисобланади. Сиёсат эса инсон атрибутларининг амалга ошириш имкониятига кўмаклашувчи табиий машғулот ўлиб ҳизмат қилади. Бу сиёсат маълум даражада воҳийга боғлиқ бўлмагани боис мажусийлар ҳам етарли даражада яхши ҳаёт кечиришлари мумкин. Сиёсатнинг вазифаси, сиёсатчи христианми, йўқми – қатъи назар фазилатли ва бахтли ҳаётни амалга ошириш учун шарт-шароит яратишдан иборат. Аммо, яхши фазилат ва бахт орасида якуний мақсад-паноҳ туради. Бунда руҳонийнинг вазифаси – умид бериш. Шундай қилиб, сиёсатчи билан руҳонийнинг вазифаси табиий равишда бир-бирига кўшилади.

Арасту юнон шаҳар давлатига инсоннинг ўз-ўзини ифода этишнинг якуний босқичи сифатида қарайди. Христиан феодал жамиятида яшаган фома учун якуний мақсад бўлиб у дунёдаги ҳаётда боқий паноҳ топиш, ижтимоий ҳаётнинг энг олий шакли бўлиб эса – қонунлар билан бошқарилувчи христиан жамияти ҳисобланади. Фома давлат ва черковнинг ўзаро муносабатларига доир қарашларида мўътадил папист ҳисобланади. Жамият (ақл) ва христианлик (эътиқод) ўртасида абсолют чегара мавжуд эмас деб, диний ва дунёвий вазифалар маълум даражада бир-бири билан боғланиб кетишига умид қилади.

### **Марказий Осиёдаги сиёсий қарашлар.**

Шарқда ўрта аср мутафаккирлардан биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши ва жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни бошқаришнинг асоси ҳақидаги билимлар тизимини Абу Носир Фаробий (873-950) ишлаб чиқди. У ўз асарларида бир қатор ижтимоий масалаларни ёритиб берди: 1) Ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фан ва унинг вазифаси; 2) Инсон жамоасининг вужудга клиши, таркиби ва турлари; 3) Шаҳар – давлат жамоасининг ҳаёти ва фазилати, давлатнинг фаолияти, вазифаси ва уни бошқариш шакллари; 4) Инсоннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, инсонни бахт-саодатга эриштиришнинг усул ва йўл-йўриқлари.

Фаробий жамиятнинг келиб чиқиши устида мулоҳаза юрита экан, зўравонлик ва мажбурлаш таълимотини инкор этиб, у инсон жамоасининг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёж ётганлиги ҳақидаги назарияни олға суради.

Фаробий идел (фозил) давлатни кишининг соғлом организмига ўхшатади, инсон танининг саломатлигини сақлаш, уни норма фаолиятини давом эттириш учун унинг аъзолари доимо бир-бирларига боғлиқ ҳолда ўзаро ёрдам бериб туради. Шу каби давлатнинг норма фаолият кўрсатишида ҳам унинг ҳар бир аъзосининг ўз ўрни бўлади.

Фаробий давлат бошлиғи учун зарур бўлган фазилатларни кўрсатар экан, бу фазилатларни бир кишида мужассамлаштириш мумкин эмаслигини айтиб ўтади. Шундай экан ана шу фазилатларни ўзида мужассам этган кишилар давлатни бошқаришлари керак дейди. Бу билан Фаробий ҳокимиятни тақсимлаш ғоясини илгари суради.

Арасту каби Абу али ибн Сино ҳам инсонни ижтимоий мавжудот деб талқин этади. «Ишорат ва Танбихот» асарида шундай ёзади: «Инсон ўз шахсий талаблари жихатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина уларни қондира олиши мумкин» (Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан-Т.: -1995й-68-бет). Бунинг учун барча жамоа аъзоларини бирлаштириб турувчи ҳуқуқий қонунлар зарур бўлади. Ибн Сино инсонларнинг жамиятда урни ва вазифасига қараб уч гуруҳга булади: бошқарувчилар, ҳарбийлар, ишлаб чиқарувчилар. «Рисолату тадбири манзил» асарида одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқларини инсоннинг ижтимоий фаолиятдан излайди. Буни ҳисобга олмаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигига яқин тарих гувоҳ.

Ўрта асрлардан янги замонга ўтиш натижасида сиёсий фалсафа ва сиёсий фанлар нуқтаи назаридан қараганда ижтимоий-сиёсий ҳаётда кескин ўзгаришлар юз берди. Бу даврда бир қатор давлатлар капиталистик тараққиёт йўлига ўтишди. Саноатнинг тез суратлар юксалиб бориши тажрибали билимларга бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Айни пайтда янги шаклланаётган тизм феодализмнинг сиёсий-ҳуқуқий тизими билан мутлақо чиқиша олмасди. Давр ижтимоий-сиёсий қарашларда ҳам ренессанс юз бериши талаб этар эди.

XVI-XVII асрларда қироллик ҳокимиятининг абсолют монархияга айланиш тенденцияси юз берди. Қирол ва учинчи табақа ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашининг мустақамланиши сабабли Давлат ҳокимиятининг кучайишига имконият туғилди. Кўриб чиқилаётган давр бошқа ҳамма нарсалардан ташқари антик маданиятнинг қайта тикланиши, диний деформация экспериментал табиатшуносликнинг вужудга келиши, провард оқибатда абсолют монархияларга айланган кучли миллий давлатларнинг шаклланиши ва илк капитал муносабатларнинг тез тараққий этиши билан тавсифланади.

Янги даврга ўтиш вақтида яшаган машҳур италян сиёсатшуноси Никколо Макиавелли (1469-1527)нинг сиёсий концепцияси ўрта асрларга хос тасаввурлар билан чамбарчас боғланган. У «Хукмдор» асарида абсолют монархиянинг ҳимоячиси бошқа бир асарида эса абсолют монархиянинг ҳимоячиси, бошқа бир асарида эса («фикрлар») бошқарувнинг Республикача шакли ҳимоячиси сифатида иш кўради. Бироқ ушбу асар ҳам давлат

бошқарувнинг шакллари нисбатан айна бир хилдаги реал-сиёсий нуқтаи-назарни ифодалайди: фақат сиёсий натижаларгина муҳимдир. Мақсад сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, сўнгра эса уни тутиб туришдан ибора. Бошқа ҳамма нарсага, шу жумладан ахлоқ ва динга ҳам восита сифатида қарайди. Макиавелли илгари сурган «бошқарув механикаси» ташқи кўриниши бўйича мутлоқ ҳокимларнинг «дипломатик ўйинлари назарияси»дан иборат.

Макиавелли инсоннинг эгоистлиги тўғрисидаги шартга асосланади. Инсоннинг интилиши чек билмайди. Бироқ, ресурсларнинг чекланганлиги боис инсонларнинг ўртасида низолар келиб чиқади. Давлат индивиднинг бошқа индивидлар томонидан тажовузкорлик қилинишидан ҳимояга муҳтожлигига асосланади. Қонунни ҳимоя қиладиган куч бўлмас экан анархия вужудга келади. Бинобарин одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун кучли ҳоким зарур. Ҳоким эса ҳамма одамлар золим одамлардир, деган қоидага асосланиши керак. У мубодо ҳокимиятни сақлаб қолишни хоҳласа, одамларнинг ҳаёти ва мол-мулкани ҳимоя қилишни истаса, бераҳм ва сурбет бўлиши керак. Бу ерда шу нарсани ёдда тутиш жоизки Макиавелли яшаган даврда Италияда сиёсий парокандалик авжига чиқиб, баъзи вилоятлар мустамлакачилар асоратига ҳам тушган эди. Мустақил, суверен миллий давлатчиликни шакллантиришнинг олий шакли сифатида абсолют монархия кадрланар эди. Мутлоқ монарх қонунларни ва уларни куч воситасида жорий этиш билан сиёсий тартиб ўрнатади. Бу ерда у мавжуд муаммоларни умумий давлат манфаатларидан келиб чиқиб, яққа ҳолда ҳал этиш лозим. «Давлат – бу мен» (Людовик XIV). Миллий давлатни барпо этадиган суверен подшоҳ назарияси ана шундайдир.

Ж.Локк ва Т.Гоббслар илгари сурган табиий ҳолат ҳақидаги таълимот давлатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, у аслида қандай пайдо бўлгани тўғрисидаги назария бўлмай, балки давлат нима эканлигини тушунтирувчи ва шу йўл билан давлатни қонунийлаштирувчи назария бўлиб ҳисобланади.

И.Кант ўзининг сиёсий назариясини ишлаб чиқишда инсоннинг ахлоқий мавжудот эканидан келиб чиқади. У ҳуқуқ ва ахлоқни инсонга хос бўлган трансцендентал зарурий хусусиятлар билан асосламоқчи бўлади. Индивиднинг ҳуқуқлари у ахлоқий ҳолатда яшаш қобилятига эга бўлиши зарур шароитларни қамраб олади. Мана шу ҳуқуққа зид бўлган барча нарсалар ҳалокатлидир. Ахлоқий ҳолатда яшаш учун индивидга зарур бўлган ҳуқуқлар бошқарувнинг конституцион шаклини, қуллик ва тенгсизликнинг бошқа шакллари бекор қилишни, шунингдек, урушларни тақиқлашни ҳам ўз ичига олади. Кант фикрича, халқаро ҳамжамиятда «ҳамманинг ҳаммага қарши кураши» юз бермоқда. Мустақил давлатлар орасидаги муносабатларда табиий қонунсизлик ҳолати мавжуд. Халқаро сиёсатда «энг кучли халқ» қоидаси амал қиладди. Бундай ҳолатни Кант инсонларга ярашмайдиган ҳолат деб баҳолайди.

### **Таянч тушунчалар**

Социал фалсафа. Жамият. Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари. “Ижтимоий шартнома”. Позитивизм, экзистенциализм, ҳаёт фалсафаси, прагматизм. “Табиатдан-жамиятга” концепцияси. Психологизм концепцияси.



Инсоннинг ижтимоийлашуви. Социал ўзгаришларни таҳлил этишнинг усуллари: структурализм, математик, герменевтика.

Сиёсат. Сиёсат фалсафаси. Тенглик, эркинлик, адолат. Сиёсий назария, сиёсий методология, сиёсий аксиология.

## 10-Мавзу: ТАРИХНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

### РЕЖА:

1. Тарих нима?
2. XX аср тарих фалсафасининг хусусиятлари.
3. Тарих тақдири ҳар бир шахс ва авлод тақдирининг ҳосиласи сифатида.
4. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» концепциясининг аҳамияти.

Маданиятимизнинг пойдевори бўлган тарихий меросимизни тиклаш, таҳлил қилиш фақат илмий-назарий жиҳатдан катта аҳамият кашф этиб қолмай, айтилиш вақтида буюк алломаларимиз яратган маънавий хазинадан баҳраманд бўлишда, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ва инсоннинг ҳар томонлама камол топишда муҳим омил ҳисобланади. Ҳаққоний тарихий билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

Ҳақиқатан ҳам тарих тажрибасини ўрганиш – давримизнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисаларини чуқур идрок этиш ва тушуниб етишга, озодлигимиз мустақиллигимиз ва равақимизни қадрлашга, порлоқ истиқлол йўлида янги тараққиёт учун катта режалар белгилаш ва уларни амалга даъват этади. Ниҳоятда бой ва ранг-баранг тарихимизни идрок этиш – кишининг билим доирасини кенгайтирибгина қолмай, шахс ижтимоий-маънавий онгини юксак даражага кўтарилишига имконият яратади. Бундай олижаноб вазифани бажаришда археолог, тарихчи ва шарқшунос олимларнинг кейинги йилларда амалга оширган ажойиб кашфиётлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бинобарин, чексиз саҳродаги қум уюмлари ва тақир ерлар остида ётган мунгли харобалар сирини очиш, чанг босиб ётган архив ҳужжатларини жиддий тадқиқ этиб тилга киритиш энг катта илмий жасорат эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Юртбошимиз одилона таъкидлаганидек, мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари, тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол чунки одамзод борки авлод аجدоди кимлигини, насл-насаби, ўзи туғилиб вояга етган кишлок, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Давримизнинг таниқли донишманди, инглиз файласуфи Жон Бернал ҳозирги замон миллатнинг маданий савияси унинг ўз тарихига бўлган муносабати билан белгиланади, деб бежиз айтмаган.

«Тарих» сўзи «historia» сўзидан олинган бўлиб ўтмиш воқеалар ҳақида ҳикоя, бўлган ҳодисалар деган маънони англатади. Мутафаккирлар дастлабки даврлардан бошлаб тарихга универсал билиш сифатида қараб келишган.

Ўтмишни қандай билиш мумкин? Ўтмиш бугунги кун билан, келажак билан қандай алоқада бўлади? У ёки бу халқ тарихининг бир бутун универсал маъноси борми?

Албатта шу каби саволларга тарих фалсафаси жавоб беради. Демак, тарих фалсафасини яратиш учун бир бутун инсон эволюциясини, унинг маъно ва мазмунини таҳлил қилиш керак. Тарих фалсафаси – тарихни англаш, унинг орқага қайтмас жараёнини тушуниб олишдир.

Тарихий воқеалар ва жараёнларни ҳаққоний ва одилона билиш учун фалсафий методология талабларини чуқур ўзлаштириб олиш катта аҳамият касб этади. Илмий фалсафий назария билан қуролланган олим бошқаларга нисбатан ўз фанининг моҳиятини, истиқболини чуқурроқ била олади.

Фалсафий методология ҳамма фанлар учун зарур бўлган умумий илмий билиш усулидир. «Аслида, тарих ва фалсафа мантиқий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир».<sup>10</sup>

Тарихий воқеаларни чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиб, замон талабига жавоб берадиган Ватанимиз тарихини, янги ўқув қўлланмалар ва дарсликларни яратиш учун, энг аввало, тарих фалсафасига оид бўлган илмий-назарий масалаларни, методологик муаммоларни яхши англаб олишимиз керак. Бу борада биринчи навбатда тарих нима, уни холисона ўрганиш бизга нима беради, деган саволга аниқ жавоб беришимиз зарур.

Инсон тарихий мавжудод сифатида вақтнинг давомийлигини ҳис қилиб, унда ўз зиммасига нималар юкланиши тушуниб яшашга интилади. Инсон ҳаётнинг маъносини англаб экан, у нафақат бугунги кун ташвиши билан яшайди, балки ўтмиш ва келажак ҳақида фикр юритиб яшайди.

Юнонлар тарихга дунёни эстетик англаш, космоснинг гормонияси ва ундаги даврийликнинг якуни сифатида қараганлар. Космосда ҳам, инсон ҳаётида ҳам узлуксиз алмашиш, айланиш юз беришини қайд этдилар. Табиатда иссиқнинг – совуқ, ёзнинг – куз, қишнинг – баҳор билан алмашинуви, ижтимоий ҳаётда эса яхшининг – ёмон, ёвузликнинг – эзгулик билан алмашинуви айланма шаклда бораётганини кўра билишди.

Инсон ўз тарихини ўзи яратади, ундаги муаммоларни келтириб чиқарувчи ҳам, ҳал қилиувчиси ҳам инсоннинг ўзидир. Тарих ўтмишда инсон туфайли содир бўлган хатти-харакатлар, воқеалар, жараёнларни ўрганадиган фандир. Ўтмишни билиши, ўз навбатида ўзликни англашнинг калитидир, чунки, ўзликни англаш тарихдан бошланади.

Ўзликни англаш дегани нима? Ўзликни англаш, биринчидан, инсон моҳияти; иккинчидан, унинг жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий тараққиётдаги роли; учинчидан, ўзининг ички имкониятлари, қобилиятлари нимага қодир эканлигини англаб олиш демакдир. Бунга эришиш учун биз инсоннинг узоқ ўтмиш фаолиятида нималарга эришганини билишимиз зарур. Демак, тарих инсон фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган, уни ҳар томонлама, мукамал ўрганадиган, авлодлар тажрибасини таҳлил этадиган ва илмий

<sup>10</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси – халқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 27-бет.

хулосалар чиқарадиган фан соҳасидир. Шунинг учун ҳам тарих фани ҳамма вақт жамият тараққиётида катта ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Тарих инсоннинг ўтмишдаги фаолияти туфайли вужудга келган воқеалар, жараёнларни жиддий ўрганадиган фан бўлса, унинг бугунги куннинг эҳтиёжлари, мафкураси, сиёсати, талабларидан келиб чиқиб янги таҳлил қилиш, баҳолаш мумкинми деган савол пайдо бўлади. Мазкур саволга фалсафий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, шу айтиш жоизки, ўтмиш, бугунги кун ва келажак доимо ўзгаришда ҳаракатда бўлиб турган воқеликнинг фазодаги ўзаро боғлиқ, маълум бир кўринишидир. Тарих ғилдираги доимо ўтмишдан бугунги кунга, ундан келажакка қараб айланаверади. Бугунги кун ўтмишнинг инкори, айна вақтда уни давоми ҳамдир. Айна пайтда бугунги кунда келажак куртаклари ҳам мавжуддир, чунки келажак бугунги кундан келиб чиқади. Шундай экан бугунги кун ва келажакни бир-биридан ажратиб, бир-бирига зид қўйиб таҳлил этиш мумкин эмас. Шу туфайли илғари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбаалар, ашёлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди. Инглиз олими Коллингвуд таъкидлаганидек, «агар тарих фанининг вазифаси ўтмишда юзага келган ҳодисалар, воқеалар тўғрисида маълумот тўплаш билан чегараланган бўлса, унда тарихнинг амалиётга нафи тегиши амри маҳолдир. Аксинча, агар тарихда содир бўлган воқеалар бизгача етиб келган манбалар тагида яшириниб ётган бўлса, унда тарихнинг амалиёт учун фойдалигида ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги тайиндир».

Ўтмиш воқеалари бугунги кунгача бизга етиб келган манбаларда мавжуд бўлиб ҳаётимиз билан чамбарчас боғланиб кетган экан, уларни ҳозирги замон фан ютуқлари ёрдамида атрофлича мустақиллик мафкурасига таяниб чуқурроқ ва холисона ўрганиш, таҳлил қилиш тарих фанини ижодий ривожлантиришга, жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришлар моҳиятини яққолроқ кўринишга, баҳолашга ёрдам беради. Шундай экан, Президентимиз ташаббуси билан Ватанимиз тарихини мустақиллик ғоялари, мафкураси асосида янгидан яратиш кўндаланг қилиб қўйилганлиги табиий ҳолдир.

Шўро даврида тарихимиз атайлаб сохталаштирилганини эътиборга олсак, асл тарихимизни тиклаш қонуний зарурият ҳолдир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўтмиш тарихимиз нафақат бугунги куннинг муаммоларини ҳал қилишда, балки келажакни билишда ҳам аҳамиятга моликдир. Айрим олимларнинг фикрича тарих ўтмишда бир марта содир бўлиб бошқа такрорланмайдиган яккаю-ягона воқеаларни ўрганадиган. Шу туфайли тарих келажакни олдиндан кўра билишга ожиз эмиш. И.Кант, Виндельбанд, Риккерт, Мойернинг ёзишича табиий фанлар нарса ва ҳодисаларнинг фундаментал қонуниятларини ўрганади, шунинг учун улар келажакда содир бўладиган жараёнларнинг оқибатларини олдиндан кўрсатиб бераолади. Тарих эса, ўтмишда бир марта содир бўлиб, такрорланмайдиган якка воқеани ифодалайдиган фан, унинг вазифасига келажакни тахминлаш, башорат қилиш кирмайди. Тўғри, тарих воқеалари индивидуал тавсилотга эга. Лекин шундай бўлсада, тарих воқеалари доимо такрорланиб келган ва

(айнан эмас, ўхшаш ҳолда) ҳозирги кунда ҳам шундай бўлиб келмоқда. Тарих воқеалари ижтимоий қонуниятлар асосида содир бўладиган жараёндир. Шундай экан, тарих қонуниятларига асосланган ҳолда жамият тараққиёти йўналишлари башорат қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда ўтмишда рўй берган тарихий воқеаларни, жараёнларни одилона, холис ёритиш керак, деган иборани тез-тез ишлатиб турибмиз. Бу тўғри талаб. Бунга эришишнинг йўллари, мезонлари нималардан иборат, улар илмий асослаб берилганми? Бу савол ҳам ўз жавобини кутиб турибди.

Инсон фаолиятининг натижаси сифатида юзага келган тарихий воқеалар бир-бири билан боғлиқ бўлган учта унсурдан таркиб топади: 1) Тарихий воқеалар; 2) Уларни ўзида акс эттирувчи турли хил манбалар, ашёлар; 3) Тарихий воқеаларни ана шу манбаларда ёзиб қолдирилган тарихчиларнинг маълумотлари. Тарихий жараён объектив ҳам субъектив омиллар асосида доимо ҳаракатда, ўзгаришда бўлиб туради. Тарихий воқеаларни ёритишда тарихчининг унга бўлган муносабати, турмуш тарзи, дунёқараши, тажрибаси, шу даврда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий муҳит кабилар маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади, албатта. Буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бундан тарихчиларнинг фаоллиги ўтмиш воқеаларини тўғри акс эттиришга имконият бермайди, деган хулоса чиқариш керак эмас. Тарихчи воқеаларни холис ва одилона ўрганиши учун умуммиллий ва фалсафий методлардан унумли фойдалана билиши керак.

Тарих фалсафасининг яна бир долзарб масаласи – тарихий адабиётларда ўтмиш воқеаларини сохта, бирёқлама ёритиш сабабларини пухта ўрганиб чиқиб, мазкур иллатларнинг пайини қирқиб, Ватанимиз тарихини янгича, холисона ва одилона ёритишга эришиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборат.

Тарихий ҳақиқатни тиклаш учун бизга мерос бўлиб етиб келган мактабларни жиддий ўрганиб тарихга янгича ёндошишимиз даркор. Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб бугун кутубхонамиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, фалсафа соҳасидаги олимларимиз томонидан синчиклаб ўрганишни кутиб турибди.

«Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, ҳалқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур» (Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил).

Тарих муаммосиз, ёмонликсиз яшамайди. Бир муаммо ҳал қилинса, иккинчи муаммо келиб чиқаверади. Инсон ўз муаммоларини келтириб чиқариш билан бирга уни ҳал қилишга ҳам қодир. Мана шу асосий, ҳал қилиш керак бўлган масалаларни ечиш ва янги муаммоларга тайёр туриш, уни майдонга ташлаш тарих маъносини ташкил этади. Буларнинг барчаси инсон фаолияти орқали амалга ошади. Демак, инсон бутун тарихнинг йўналишига ўта маъсулдир. Инсоннинг амалий фаолиятига баҳо бермаслик,

«ҳамма нарса ўтиб кетади», деб бепарво бўлиш ўз уйини бузишга олиб келиши мумкин.

Тарих моҳиятини тушуниш дунёқараш аҳамиятига эга. Бу ўз навбатида, инсон фаолияти қачон ва қандай шароитларда бузиш, йўқ қилиш ва ўлдиришга қаратилган бўлади; қайси вазиятда ўз-ўзини ривожлантирувчи, яратувчанлик ва бунёдкорлик фаолиятида бўлади; тарихнинг соғлом ривожланишига кафолат беради, каби масалаларни ойдинлаштиришни тақозо этади. Бу фалсафа тилида тарихнинг моҳияти деб аталади.

2. Ҳозирги давр мутафаккирларининг хулосаларига қараганда тарихнинг олға кетиши унинг доимий прогрессига кафолат бермасада, унинг мавжуд бўлишига, абадийлигига кафолат беради. Инсоният тарихи турли хил фожеалардан холи эмас. Лекин бу тарих фожеаси универсал характерга эга деган эмас. Қадимги яҳудийлар таълимотида айтилишича бир кун келиб тарих тугайди, тарихнинг охири бор дейилади. Тарихнинг охири борлиги тўғрисидаги таълимот фанда эсхология деб аталади.

Барча динларда инсон Оллоҳ томонидан яратилгани ва инсоният тарихи илоҳий ифоданинг систематик реаллашуви эканлиги айтилади (Августин). Эсхология концепцияси провиденциал (тақдир, илоҳий режа демақдир) таълимот билан уйғунлаштирилади.

Бу концепцияга Гегелнинг тарих фалсафаси ҳам мос келади. Гегел тарихни тасадифий, тартибсиз ҳолда эмас, балки ички қонуният асосида ривожланувчи жараён, деб қаради. У тарихни бир чизикда, бир йўналишда олға қараб кетувчи жараён деб тушунади. Унинг фикрича тарихий тараққиёт ўзининг олға қараб тараққий этишини таъминлайди. Гегелнинг бу фикрини тўғри тушуниш учун бир чизикда (замон) доимий олға кетишни доимий тараққиёт, доимий ривожланиш сифатида қабул этмаслик лозим. Тарихий тараққиёт ўзининг олға қараб тараққий этишини таъмин этади. Фожеалар, тарихий изтироблар, урушлар ва шу каби трагедик ҳодисалар, Гегел фикрига кўра, тарихий тақдирнинг реаллашув тараққиёти бўлиб, унинг умумий йўналишини, келажагини ўзгартирмайди. Тақдир концепциясига кўра, дунё тарихи турли эгри бугри йўллар билан олға қараб кетади.

XX аср жамият фалсафасида бундай қарашларга қарши таълимотлар вужудга келди. XX аср фалсафаси келажак раванқига қарши эмас келажакка умидсизлик билан қарашни ҳам тарғиб этмайди. Аксинча XIX асрда яратилган прогресс тушунчасининг камчиликларини тушунтириб келажак тўғрисида кафолатли тарихнинг мазмуни ва моҳиятини ифодаловчи концепцияларнинг хатоси шундаки улар келажакни илоҳийлаштириб унинг аҳамиятини ўтмиши ва бугунги кунга паст назар билан қараш ҳисобига тўлдирмоқчи бўлди ноаниқ келажакни ўтмиши ва бугунги ҳаётдан устун кўяди. Бу назария хатоси келажак муқаррар у инсон иродаси хоҳишидан қатъий назар объектив равишда вужудга келади деб инсон субъекти ва инсон фаолиятининг ҳал қилувчилик аҳамиятини тушуниб етмади тан олганда ҳам иккинчи даражали аҳамиятга эга деб кўрсатади.

XX аср фалсафаси инсонлар келажак тўғрисида ўйлар эканлар мавҳум, одамларга ваъда берадиган жамият тўғрисида эмас балки келажакнинг абадийлиги тўғрисида, тарихий тараққиётнинг доимийлиги кафолатланган

тараққиёт тўғрисида фикр юритишлари керак, деб ўргатади. Бу фалсафага, инсон фаолияти ана шу абадийликнинг лаҳзаси сифатида, тарихнинг тақдирига таъсир этишини тушуниш асосида бориши керак.. «Бизнинг хатти-харакатимиз махсули келажак учун, келажак кадриятлари учун қандай бўлади, деган масала тўғрисида ҳукм чиқариш бизнинг ишимиз эмас, зеро биз ҳар дақиқада тарихий тақдирга, абадий оламга ўз муносабатимизни билдириб яшашимиз керак» (Беряев Н.А. смысл истории. М. 1990. 41-бет).

Бошқача қилиб айтганда, келажакда учун махсус яшаш шарт эмас. Аммо инсон ўзининг фаолият йўналишида кадриятлар, бурч, инсоннинг кадр-қиммати каби универсал характердаги масалаларга ўткинчи деб эмас, балки абадий инсоний муносабатлар деб, тарихнинг маъноси сифатида қараши керак.

XX аср фалсафаси, XIX аср фалсафасидан фарқли ўлароқ, ўтмишнинг бугун ва келажак билан алоқаси асосида кафолатли тараққиётни кўрсатиб берди. Бунинг энг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳозирги замон тарих фалсафаси социал аменезия (хотиранинг йўқолиши) га алоҳида XX аср фалсафаси шу нарсани аниқладики, халқ миллат ўз тарихини эсдан чиқариши ҳоллари юз бериши мумкин экан. Бундай жараён алоҳида шахсларда ҳам учраши мумкин. Бунда шахс ўз ўтмишини эсдан чиқарса аменезия касаллиги деб аталади. Социал маънода у ёки бу халқнинг тарихини бутунлай ёки унинг бир қисмини унутишини англатади. Бунда халқнинг ўтмиши билан бугунги кун ўртасида изчил алоқа йўқолади ёки камаяди. Бу нафақат тарихий жараёнларда, балки бирор бир даврнинг тарихий шахслари билан ҳам юз беради. Масалан, шўролар ўзбек халқининг бир қатор зиёли фарзандлари «халқ душманлари» тамғаси остида қатағон қилиндилар. Бу уларнинг халқимиз хотирасидан ўчиришларига, кейинги авлодда улар тўғрисида ёмон таасурот қолдиришига олиб келди.

Ўз тарихини билмаган халқ илдизи йўқ дарахтга ўхшайди. Қуруқлик пайдо бўлиб сувлар оқиб бошлаган даврлардан бери дунё юзини кўрган ҳоҳ улуғ, ҳоҳ мўъжаз халқ бўлсин, барибир ҳар бирининг асрлар қаъридан униб чиққан ўзига хос қадимий тарихи бўлади. Бу тарих қоғозда қайд этилганми ёки вақт деб аталиши илоҳий хакамнинг оёқлари остида худди қумга тўкилган томчи каби топталиб йўқ бўлиб кетганми, бундан қатъи назар, унинг буюк сир асрори, моҳияти сақланиб қолади. «Тарихи йўқ халқ ота-онасиз қолган етим болага ўхшайди; у ҳамма нарсага бошдан ўрганади, ҳамма нарсани янгитдан ўрганади. Халқни бирор нарсага ўргатиш учун юксак нуфуздан имкон қадар унумлироқ фойдаланиш керак. Тарихий хотирасидан маҳрум бўлган халқ гўё нозик навдага ўхшайди-уни қайси тарафга эгсанг-бас, ўша тарафга қараб ўсаверади» (Айтматов Ч. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори-Т.: «Шарқ», 1998-365-бет).

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 9 майни «Хотира ва кадрлаш куни» сифатида нишонлаш тўғрисидаги Фармони муносабати билан шахидларни эслаш, уларнинг сиймоларини халқнинг ёрқин хотирасига айлантирди, миллатнинг ғурури даражасига кўтарди. Уларнинг қилган ишлари, мардона фаолияти бугунги кунимиз билан уйғун ҳолда боғланди.

Халқ, миллат хотираси ўз кадр-қимматини топди. Бироқ, бундай сиймоларнинг хотирасини тиклаш осон бўлмади. Ундан ташқари тарихимизни бузмасдан, объектив, ҳақиқий ҳолда акс эттириш ва уни бугунги ҳамда келажак авлодга етказиш ҳам ўтмиши билан келажакни боғлайдиган дунёқарашни шакллантириш гаровидир.

Иккинчидан, тарихни бузишга, йўқ қилишга қаратилган кучлар ҳақида гапирар эканмиз XX асрда бўлган иккита жаҳон урушларини эшлашга тўғри келади. Бу урушлар шундай оқибатларга олиб келдики, цивилизацияни вайрон қилиб уни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Илгари замонларда ҳарбий тўқнашишлар жаҳоншумул аҳамиятга эга эмас. Гегелнинг «урушлар тарихий жараёнларни ўзгартириши мумкин эмас» деган фикри нисбий характерга эга. Шу маънода шахснинг тарих олдида ўта масулияти тарихнинг кафолатли давом этишида асосий кучга айланиб қолди. Т.ф – 88.-

Учинчидан, инсонлар фаолиятида юз бераётган ғайри инсоний хатти-ҳаракатлар жамиятнинг ўзини ўзи йўқ қилишга олиб келди. Жаҳонда ядро, экологик, демографик фожиалар ва шу каби глобал муаммолар пайдо бўлди. Инсонни биофизиологик мавжудликдан ташқари, ижтимоий ҳодиса сифатида, авваломбор, фикрлаши ва онгли амалий фаолият кўрсата олиш қобилияти, уни бошқа тирик мавжудодлардан ажратиб турсада, у табиатнинг ўзига хос бир бўлаги, ривожланиш даражасидир. Яъни табиат-инсоният жамияти мавжудлиги ва тараққиётининг объектив, зарурий шарти бўлиб келган. Экологик вазиятнинг оламшумул миқёсда кескинлашуви билан «инсон-табиат» муносабатларини янгича ташкил қилиш эҳтиёжлари, инсонни табиатга янада мустаҳкамроқ қарам қилиб қўймоқда. Бунда бири-бири билан боғлиқ икки қонуният кўзга ташланади: биринчидан, инсоннинг интеллектуал, техник-технологик имкониятлари кучайиши, унинг табиат устидан «хукмронлигини» яққол намаён қилади. Иккинчидан, бу хукмронлик табиатни зўрлашда эмас, балки уни муҳофаза қилиш орқали ўз ҳаётини авлодлари келажакини таъминлаши мумкинлиги тарихий тажрибалар исботламоқда. «Табиат ўз ишини яхши билади» деган қонун, инсоннинг вақтинчалик, утилитар эҳтиёжларига кўра, табиатдан фойдаланиш натижаларига нисбатан табиатнинг қайтар реакциясини ифодалайди. Олимлар, файласуфлар, тарихчилар жамиятнинг кафолатли тараққиёти бўйича инсон фаолиятининг дастурини ишлаб чиқдилар. Дастурда тарихий ворисийликни ишга тушириш инсоният тарихини сақлаб қолиши мумкин деб кўрсатилди. Бунинг учун одамлар реал ҳаётни тўғри тушунишлари, тарихни сақлаб қолиш ва кафолатли тараққиёт моҳиятини чуқур англаши керак. Ҳар бир шахс ўзининг қобилияти ва истеъдодини реаллаштириб, намаён қилиб, ишонч, эътиқод билан одамгарчилик биринчи ўринга қўйиб яшаши керак. Бугунги кунда ҳар бир шахс, миллат, халқ бутун тарихий жараёнларни ўзида намаён қилиб, ўзига хос, ўзига мос йўлни топиб яшашни таъминламаса, дунё тарихи қуруқ бир схемага айланиб қолди. Ҳар бир шахс, миллат, халқ ҳаёти бетакрор эканлиги ҳисобга олиниши зарур акс ҳолда тарих оддий андозадан иборат бўлиб қолди.

Ҳозирги замон тарих фалсафаси «ўтмиш билан бугунги кун ва келажак бир бутун жараённи ташкил этар экан, бу жараён алоҳида шахсда қандай рўй

беради»-деган муҳим саволга жавоб излайди. Демак тарихийлик шахс ва ҳар бир авлод тақдирини тарих тақдири билан узвий боғлиқликда олиб қарайди. Булар авлодлар билан жонли муносабат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, маънавий мулоқатда бўлиши тарихнинг кафолатли абадий яшашини таъминлайди. Бу дунёдаги барча одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорликда булиши, ўзаро бир-бирини тушуниш ўзаро ишонч асосида боради. Қаерда шахс тақдири ҳар бир авлод тақдири билан боғлиқ ҳолда ўзаро муносабатда бўлса, ўша ерда тарихнинг тараққиёт кафолати таъминланади. Тарихнинг моҳияти ҳар бир инсоннинг тарих жараёнлари билан турлича муносабатда булиши орқали белгиланади.

Ҳозирги замон тарих фалсафасида тарихнинг моҳияти ҳар бир шахс учун, унинг фаолиятида тарихий даврнинг уч ўлчови билан белгиланадиган тушунчалар орқали очиб берилади. Бунинг уч ўлчов шахснинг ўтмиши, бугунги кун ва келажакка бўлган муносабатини таъминлайди. Мана шу ўтмиш, бугунги кун ва келажак тарих жараёнида шахснинг замонга бўлган муносабатини ифода этади. Бу ўлчов маълум тарихий даврда авлодларнинг ўзаро маънавий муносабатини ифода қилади.

Биринчидан, тарихда маънавий фарзандлик тушунчаси амал қилади. Инсон дунёда яшар экан, ўтмиши авлоднинг фарзанди сифатида юзага келади, яшайди. Бироқ у бутун юмушни бошидан бошламайди, балки аждодлар яратган моддий ва маънавий маданиятнинг давомчиси, ўзи яшаётган жамият, вақт нуқтаи назаридан баҳоловчи, бажарувчи сифатида мавжуд бўлади. Чунки, ота-онадан қолган моддий ва маънавий бойликнинг эгасидек, шу жараёни давом эттирувчи фарзанд сифатида яшайди. Инсонда маънавий фарзандлик хиссини тарбиялашда маърифатли жамият барпо этишда тарихни тафаккур ва тарих фалсафаси муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида қуйидагиларда намоён бўлади: Авваломбор, тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва келажак фалсафаси дунёга келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феноменини вужудга келтиришга, феъл-атворининг шаклланишига хизмат қилади. Учинчидан, тарихни ўрганиш орқали мустамлакачилик таъсирида ва коммунистик мафкура зуравонлиги натижасида ўзлигини йўқотган, ўз кадр-қимматини буткул унутган фуқарони уйғонишга, ўзлигини англашга, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишига даъват этади. Тўртинчидан, аждодлари буюк бўлган, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига жуда катта хисса қўшган маданиятга дахлдор фуқаронинг қалбида ўтмишининг ўрганиши орқали миллий ғурурининг уйғониши мамлакат мустақил тараққиёт йулини танлаган бир пайтда катта маънавий қудрат ва улкан ирода кучи бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда ўз ўтмишининг нақадар буюклигини англаган фуқаро аждодлари руҳи олдида қарздор, келгуси авлод олдида ғоят маъсулиятли эканлигини яна бир бор чуқурроқ тушунади. Ана шу шу англаш жараёни инсоннинг ўзини-ўзи янгилашига, ўзини-ўзи маънавий тозалашига, ўзини-ўзи ислоҳ қилишига олиб келади.



Маънавий фарзандлик шахснинг маънавий дунёсининг таркибий қисмидир. Айтиб ўтиш керакки, у тарихнинг вориси сифатида намоён бўлади. Тарих бу жиҳатида кўра, авлодларнинг алмашув жараёнидаги муносабатни англаб етишидир. Маънавий фарзандлик маъносини англаб етмаслик-авлодлар қадрига етмасликдир. Бундай ҳолатда шахс аجدодларини танитайдиган мавжудотга айланиб қолади. «Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиш жараёни қандай келган, деган саволларни ўзига бериши табиий» (Каримов И.А. Т.Х.К.И. 8-9) Маънавиятнинг тикланиши, туғилиб ўсган юртда ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриш учун инсонга ушбу саволга жавоб излаши табиийдир. «Тарихий хотираси бир инсон-иродали инсон.

**“Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”** (И.А.Каримов.-10 б).

Тарихни билмаслик ўз аждодини билмасликдир, демак, маънавий фарзандликдан маҳрум бўлиш демакдир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар бир инсон ўтмиш ота-боболари яратган билимлардан, маданият ва қадриятлардан фойдаланар экан, у ўз даврининг фарзанди сифатида яшайди.

Инсон ўз даврининггина эмас, ўз тарихи, ўз авлодининг фарзандидир. Биздаги ғурур, ифтихор, инсонийлик ўтмиши авлоддан мерос бўлиб қолган. Шунинг учун ўзини аждодларининг маънавий вориси сифатида тасаввур қилмаган одам, тўла маънода шахс бўлиб етила олмайди.

Иккинчидан, бугунги кун тарих фалсафаси маънавий биродарлик тушунчасини майдонга ташлади. Биз шундай тарихий даврда яшамокдамикки, ҳар бир шахснинг дунё олдигаги маъсулликни англаб етишиш масаласи асосий ўринга чиқиб қолди. Дунёдаги зиддиятлар, муаммоларни ҳал қилиш учун одамлар бир-бирлари билан дўст-биродар бўлиб яшаши энг муҳим масалага айланиб қолди. Дунё тараққиёти, оламнинг бус-бутунлиги, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги энг аввало минтақавий барқарорликни вужудга келтириш ва бир-бирини бевосита тўғри англашга боғлиқ. Дарҳақиқат, биринчи галда маънавий-руҳий жиҳатлари, турмуш тарзи ва урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган халқлар ўзаро тотувликни таъминласаларгина улар яшаётган минтақаларда хавфсизлик, барқарорлик бўлишига, шу асосда минтақалараро ва қатъиятлараро яқдиллик вужудга келишига имкон яратилади. Дунёдаги урушлар, ўлдиришлар одамлар ўртасидаги душманлик туйғуси асосида пайдо бўлади. Инсонларнинг бир-бири билан дўст бўлишини таъминлаш инсоний хислатларни намоён қилиш демакдир. Дўстлик, биродарлик жуда деганда яхшилик деб қаралган эди. Эндиликда реал реал ҳаёт, бир сайёрада муқаддас қатъий қоидаларга айланишини тақозо қилмоқда. Чунки сайёрамиз айримлар ўйлаганидек, жуда мустаҳкам эмас экан. Мана шу умумий уйимизни авайлаб сақлаб қолиш учун фақат ҳамкорликда яшаши керак. Ядро фожеаларини, экологик бўҳронларни биродарлик билангина ҳал қилиш мумкин.

Барча инсонлар социал ахволи, бой-камбағаллигидан қатъий-назар ерда ҳаётни сақлаб қолишга, бутун инсоният тақдирига маъсул экан, биргаликда ҳамкор бўлиб яшашининг ҳаёт тарзига айланиб бориши бугунги кун талабидир. Маънавий биродарлик зиддиятли масалаларни тинч ва осойишта ҳал қилишни кўзда тутуди. Инсон ўзлигини, ўз кадр-қимматини англаб етиши ва шу кадр-қимматни рўёбга чиқаришга ўта маъсул эканлигини ҳис қилиши ўта долзарб масала айланди.

Ўзбекистон XXI асрга қадам кўяр экан, тинчлик, биродарлик, миллатлараро ва фуқоролараро тотувликни, барқарорликни ғояси билан жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда. Бу ғоя тарихий тараққиётнинг моҳиятини белгилайди. Чунки, одамлар ўртасидаги урушлар, бир-бирига тажовуз қилиш, инсонга қарши ғайриинсоний фаолиятда бўлиш ғояси ўтмишда қолиб кетмоғи лозим. XXI аср инсонийлик асри бўлиши, инсонлар ўз ҳаётлари рўёбга чиқаришлари учун тўлиқ имконият яратилиши керак. Жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик, биродарлик, ўзаро ҳамкорликнинг самараси ҳам шунда. Юртбошимиз бу тамойил нафақат алоҳида олинган миллат ва халқнинг, балки дунё халқларининг маънавий биродарлик тамойиллигига айланиши кераклигини назарда тутуди. Бизнинг жамиятимиз бошқа халқлар, мамлакатлар билан биродарлик, муроса қилиш концепцияси асосида иш кўради.

Учинчидан, тарих фалсафаси келажак ҳақида фикр юритар экан, маънавий оталиқ ғоясини майдонга ташлайди. Оталиқ маъсулияти келажак олдида маъсулият юкини кўтариш демакдир. Келажак авлод бугунги авлодни, яъни бизни ўз тақдирини ҳал қилишга қаратилган намуна сифатида баҳолайди. Бошқача қилиб айтганда, биз ота-боболаримиз ишини давом эттириб, келгусига замин яратдик. Демак, биз бошлаган ишни келгуси авлод давом эттиради ва қандай баҳолайди. Биз келгуси авлодга нисбатан бошловчи сифатида иш қилмоқдамиз. Биз ўз ҳаёт тарзимизни танлаш билан келгуси авлод тақдирини ҳал қилишнинг турли воситаларини ҳам танлаб оламиз.

Биз бугунги фаолиятимиз билан келажакка замин тайёрлаймиз, келгуси авлодни давом эттиришнинг асосини яратамиз.

«Тарихнинг олға қараб бориши концепциясига кўра жамият борган сари яхшиланиб, ривожланиб боради. Шунинг учун кўп қайғуришнинг хожати йўқ. Тарих муқаррар равишда, эртами-кечми, мукаммаллашган, ҳар томонлама ривожланган жамиятга келади. Одамлар ҳеч қандай муаммосиз фаровон ҳаётга етиб келади», - деб фикр юритилган эди яқин ўтмишда. Бундай тафаккур тарзи тарихнинг асл маъносини иккинчи ўринга суриб қўйган эди. Бироқ тарихий тараққиёт жараёни шуни кўрсатдики, тарихнинг олға қараб бориши таъминланмади ва кафолатланмади.

